С. И. Раҳмонқулова

IBM PC

ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРИДА ИШЛАШ

MS DOS 6.2

NORTON COMMANDER 4.0

WINDOWS 3.1

ЛЕКСИКОН 1.3

VIRTEC

Тақризчи - техника фанлари доктори
Мамаджонов Хамид Обиджонович

Ушбу китобда IBM PC компьютери фойдаланувчилари учун компьютер курилмалари, MS DOS 6.2 операцион системаси, Norton Commander 4.0 ва Windows 3.1 мухитларида, Лексикон 1.3 таҳрирлагичи, хамда файлларни архивлаш, вируслардан химояланиш, дисклар билан ишлаш тартиблари келтирилган.

Китоб IBM PC компьютери, ҳамда унга мувофик компьютерлари фойдаланувчилари кенг оммасига мулжалланган.

Мундарижа

Сўз боши

Ҳурматли китобхон!

Сиз билан танишганимизга хурсандмиз.

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ривожланишнинг янги юқори босқичига кўтарилди. Шу борада компьютер технологияларининг ишлаб чиқаришга, иқтисодга ва бизнесга татбиқи тобора кенгаймоқда. Шунинг учун ўзбек тилида нашр этилган ушбу китоб, компьютер фойдаланувчилари кенг оммасининг ноёб ёрдамчисидир.

Ушбу китоб фойдаланувчиларнинг кенг доирасига мўлжалланган.Компьютерни амалий масалаларни счиш учун татбиқ этувчи фойдаланувчиларга фойдали бўлиш билан бирга, у программалар билан таниш бўлмаган китобхонлар учун ҳам керакдир.

Китобда фойдаланувчининг компьютерда ишлаши учун зарур бўлган асосий маълумотлар батафсил ёритилган. Бу компьютер асосий ва ёрдамчи қурилмалари, MS DOS операцион системаси, Norton Commander ва Windows муҳит программалари, Лексикон таҳрирлагичи, дисклар ва файллар билан ишлаш тартиблари, компьютер "вирусларидан" ҳимояланиш усуллари ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлардир.

Албатта, бу маълумотлар программалар ҳақидаги барча маълумотларни ёрита олмайди. Китобда фойдаланувчи кўпроқ фойдаланадиган команда ва программалар тулиқ ва равон ёритилган.

Бизнинг мақсадимиз ҳам фойдаланувчига компьютерда ишлаши учун зарур бўлган асосий маълумотларни бериш эди.

Шунинг учун, ушбу китоб (бошқа китоблар каби) компьютерни ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни барчасини бера олади демоқчи эмасмиз.

Зарур ҳолда фойдаланувчи программаларнинг ёрдамчи кўрсатмаларидан фойдаланиши мумкинлиги китобда таъкидланган.

Шундай бўлсада, китоб компьютерда ишлаётганлар учун, ҳамда ишлашни дастлаб урганаётганлар учун ҳам тушунарли бўлади. Фойдаланувчи китобни ўқигандан сўнг мустақил равишда IBM PC программ ҳужжатлари ва маҳсулотларини ўрганиши, унга зарур бўлган амалий программалар билан бемалол ишлай олиши мумкин.

Биз китобни таёрлашимизда ёрдам берган барча дўстларимизга миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Китоб китобхонсиз бўлмайди, албатта. Шунинг учун азиз китобхон бизга ишониб, китобни олганингиз учун Сиздан миннатдормиз. Китоб Сизга фойдали бўлишига, ундан кўпгина зарур маълумотларни олишингизга умид қиламиз.

Сайёра Раҳмонқулова *"ВИРТЕХ" қўшма корхонаси*

1

қисм

Шахсий компьютернинг асосий қурилмалари

Дастлаб ҳисоблаш учун яратилган компьютерларнинг имкониятлари ҳозирги кунда "беҳисоб" десак адашмаймиз. Шундай имкониятларга IBM PC компьютери ҳам эгадир. Бу компьютер машҳур International Business Mashines Corporation корхонасининг маҳсулидир.

IBM PC компьютерларининг AT 386, 486SX, 486DX, 586 ҳамда Pentium турлари республикамизда кенг тарқалган. Шунинг учун қуйида IBM PC компьютери тавсифини келтирамиз.

Ушбу қисмда IBM PC компьютери асосий қурилмалари : процессор, монитор, клавиатура тавсифи батафсил ёритилган. Ёрдамчи қурилмалар вазифаси ва имкониятлари кайд килинган. Шунингдек компьютердан фойдаланиш қоидалари, компьютерни ишга тушириш тартиблари келтирилган.

Шахсий компьютернинг асосий қурилмалари

IBM PC шахсий компьютери қуйидаги асосий қурилмалардан ташкил топади (1.1а — расм):

- процессор;
- монитор;
- клавиатура.

1.1а—расм

1.1б—расм

Бунда клавиатура белгиларни компьютерга киритиш, монитор маълумотни тасвирлаш имконини беради.

Процессор эса асосий қурилма бўлиб, унда микропроцессор, оператив хотира, қаттиқ диск, контроллер, дискеталар билан ишлаш учун қурилмалар ва хоказолар жойлашади.

Компьютернинг NOTEBOOK тури (расм 1.1б) кичик ҳажмга эга бўлиб, унда процессор клавиатура остига бекитилган бўлади, монитор эса, клавиатура қопқоғи шаклида қилинган. Бу компьютер китобга ўхшашдир. Масалан, SOLO S120 компьютери улчами 51x300x224 мм ва оғирлиги махсус электр қуввати (бата-

рейлар) билан бирга 3.5 кг. Бу компьютер одатдаги компьютер каби ишлайди. Зарур ҳолда NOTEBOOKни компьютер ва қўшимча қурилмалар билан улаш мумкин.

Ҳозирги кунда NOTEBOOKлар 6 соат мобайнида ишлаш имкониятига эга. Шунинг учун улардан кенг фойдаланилмоқда.

Шахсий компьютернинг қўшимча қурилмалари

Компьютер имкониятларини ошириш мақсадида унга турли қўшимча қурилмалар уланиши мумкин. Бу - принтер, "сичқонча", модем, сканер, ва ҳоказолардир. Бунда:

Принтер - маълумотни қоғозга чиқаради;

"Сичқонча" - маълумот киритилишини енгиллаштирувчи манипулятор;

Модем - телефон тармоғи орқали бошқа компьютер билан маълумот алмашиш имкониятини беради;

Сканер - қоғоздаги маълумотни компьютерга тасвирий равишда киритади.

Ҳар бир қурилма процессорда жойлашган мос улагичга уланади ёки урнатилади.

Қўшимча қурилмани улашдан аввал компьютерни учириш зарур, акс ҳолда компьютер ишдан чиқиши мумкин.

Баъзи бир қўшимча қурилмаларнинг батафсилроқ тафсилотини шу қисмнинг охирида келтирамиз.

Шахсий компьютердан фойдаланиш қоидалари

Шахсий компьютерни ишга тайёрлаш ва учириш тартиблари мавжуд.

Авваламбор компьютернинг тармоқ кучланишига мослигини текшириш керак. Шахсий компьютерлар 220 ёки 110 кучланишли электр тармоқларида ишлаши мумкин.

Шахсий компьютерлар учун кучланишнинг ўзгариши, айниқса кескин ўзгаришлар хавфли бўлиши мумкин. Шунинг учун махсус сталибизаторлардан ёки электр қуввати узлуксизлигини таъминловчи — UPS қурилмасидан фойдаланиш тавсия этилади. Махсус UPS қурилмаси электр қувватини ўзгармас ҳолда ушлаб туради, ҳамда электр манбаи ўчирилгандан кейин муайян вақт давомида компьютер ишлашини таъминлаб туради. Бу вақт ком-

пьютерда бажарилаётган ишларни тугатиш учун етарлидир. Масалан, керакли маълумотларни дискга ёзиб қўйиш, ёки программалар ишини тугатиш учун ва ҳоказо.

Компьютерни ишга тайёрлаш тартиби

Компьютерни ишга тайёрлаш тартиби қуйидагича:

- сталибизатор ёқилади;
- принтер керак бўлса, у ёқилади;
- монитор ёқилади;
- процессор ёқилади.

Шундан кейин экранда текширувчи махсус программа натижалари, ҳамда операцион системани ишга туширувчи программалар ҳақида маълумотлар чикади.

Операцион система ишга тушгач, у командаларни беришни таклиф қилади.

Компьютердан тўлиқ фойдаланиш туғри ўчиришга ҳам боглиқ.

Бунинг учун қуйидагилар бажарилади:

- ишлаётган программалар тугатилади;
- процессор ўчирилади;
- принтер ёқилган бўлса, ўчирилади;
- монитор ўчирилади;
- сталибизатор ўчирилади.

Процессор

Процессор асосан қуйидаги қурилмалардан ташкил топади.

- Микропроцессор — компьютерни бошқариш ва барча ҳисоб ишларини бажаради. Микропроцессор турли амалларни тез бажариш қобилиятига эга. Унинг тезлиги секундига 100 миллион амалгача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.
- Оператив хотира процессор учун зарур бўлган программалар ва маълумотларни сақлайди. Компьютер ўчирилиши билан оператив хотирадаги маълумотлар ўчирилади.
- Қаттиқ диск программа ва маълумотларни доимо сақлайди.
- Электрон схемалар (ёки контроллерлар) компьютерга кирувчи (монитор, клавиатура ва ҳоказолар) турли қурилмалар ишини бошқаради.

- Киритиш — чиқариш порти орқали процессор ташқи қурилмалар билан маълумот алмашади.
- Ички қурилмалар билан маълумот алмашуви учун махсус портлар, ҳамда умумий портлар мавжуд.
- Умумий портларга принтер, "сичқонча" уланиши мумкин. Умумий портлар 2 хил бўлади: параллел — LPT1 — LPT4 билан белгиланади ва кетма — кет — COM1 — COM3 билан белгиланади. Параллел портлар кириш — чиқишни кетма — кет портга нисбатан тезроқ бажаради.

Микропроцессор

Микропроцессор программаларнинг ишлашини таъминлайди ва компьютер бошқа қурилмалари ишини бошқаради. У компьютернинг тезлигини таъминлайди.

IBM PC компьютерларида одатда Intel фирмаси ва унга мувофиқ бошқа фирмаларнинг микропроцессорлари ўрнатилади. Компьютерлар микропроцессор турлари билан фарқланади.

Микропроцессорларнинг Intel-8088, 80286, 80386SX, 80386, 80486 , Pentium каби турлари мавжуд.

Дастлабки компьютерлар Intel-8088 асосида қурилган бўлиб, уларнинг ишлаш тезлиги жуда секин эди. Intel-80286, 80386 микропроцессорлари ҳам кейинги турларга нисбатан тезлиги сустлиги сабабли ҳозирги кунда ишлаб чиқарилмаяпти.

1993 йилдан бошлаб Intel фирмаси Pentium микропроцессорини ишлаб чиқармоқда. Фирманинг Pentium асосидаги Pentium Pro микропроцессори ўрнатилган копмьютерлари ҳам сотила бошланди. Pentium Pronинг амалларни бажариш частотаси 150 Мгц (Pentiumда 133 Мгц) бўлиб, у Pentiumга нисбатан ишлаш тезлиги 40%га кўпроқдир.

1991 йилдан бошлаб IBM, Motorola, Fire Power ва бошқа фирмалар биргаликда Power PC микропроцессорини ишлаб чиқаришга киришди ва бу борада муваффақиятга эришди. Шундай бўлсада, Pentium нархининг арзонлиги ва имкониятлари билан фойдаланувчиларни ўзига кўпроқ жалб қилмоқда.

Notebooklар хам 120 Мгцли Pentium микропроцессорлари асосида ишламоқда.

Pentium микропроцессоридан мураккаб ҳисоблар ва тасвирлар учун фойдаланган мақсадга мувофиқ. Оддий ишлар учун эса микропроцеессорларнинг дастлабки турларидан фойдаланиш мумкин.

Оператив хотира

Оператив хотира ўзида компьютерда ишлаётган программа ва маълумотларни сақлайди. Маълумотлар доимий хотирадан оператив хотирага кўчирилади, олинган натижалар зарур ҳолда дискка қайта ёзилади.

Одатда Intel-8088 процессорли шахсий компьютер 1 Мбайт ҳажмдаги оператив хотирага эга. (Intel-80286 4 Мбайт, Intel-80386 16 Мбайт - гача оператив хотира билан ишлайди.)

- Байт — ахборот ўлчами, 1 Кбайт 2^{10} байтга, 1 Мбайт 2^{10} Кбайтга тенг).

Бу хотира 2 қисмдан иборат бўлади.

Биринчи қисми — 640 Кбайт ҳажмда бўлиб, операцион система ва амалий программалар учун мўлжалланган. Иккинги қисми ташқи хотира бўлиб, хизмат учун фойдаланилади.

Кўпгина программалар учун 640 Кбайт хотира етарли бўлмаганлиги сабабли, хотирани кенгайтириш муаммоси юзага келди. Бу муаммо хотирани қўшиш ва кенгайтириш усуллари билан ҳал бўлди. Қўшимча хотирали махсус хотира блоклари чиқарилди. Бу қўшимча хотира билан ишлаш учун махсус программалар яратилди.

Масалан, LIMEMS 4.0 программаси 32 Мбайтгача бўлган қўшимча хотира билан ишлаш имконини беради.

Intel-80286 нинг яратилиши билан хотирани кенгайтириш имкони тугилди . Бу микропроцессор оддий (real mode) ва ҳимояланган (protected mode) режимларда ишлаши мумкин.

Оддий режимда у IBM PC XT каби 640 Мгбайт хотира билан, ҳимояланган режимда эса 16 Мгбайтгача хотира билан ишлайди.

Махсус QEMM программалари кенгайтирилган оператив хотира билан ишлаш имкониятини яратди.

Мураккаб ишлар учун 16 Мгбайтли, оддий ишлар учун 4-8 Мгбайтли оператив хотирадан фойдаланган мақсадга мувофиқ.

Дискеталар

Дискеталар маълумотларни бир компьютердан иккинчисига ўтказиш ва маълумотларни сақлаш учун ишлатилади.

Асосан 5,25 ва 3,5 дюймли (1.2—1.3 расм) дискеталардан фойдаланилади.

5,25 (133 мм) дюймли дискеталар ҳажмига кўра турлича бўлади:

180, 360 (Double Side/Double Density, DS/DD) Кбайт ва 1.2 (Double Side/High Density, DS/HD), 2 Мбайт .

1.2—расм



1.3—расм

1.2 Мбайтли дискеталар махсус магнит қопламага эга.

Шунинг учун уларни 360 Кбайтли дискларни ўқиш қурилмасида ўқиш мумкин эмас. Уларни махсус диск ўқиш қурилмасида ўқилади. Улар 360 Кбайтли дискеталарни ҳам ўқий олади. 360 Кбайтли дискета ички тирқишида қора тусдаги халқачага эга.

3.5 дюймли (89 мм) дискеталар ҳажми 0.72, 1.44, 2 ва 2.88 Мбайт. Улар ишончлироқ, чунки қаттиқ пластмасс қобиқ ичида жойлашган. Ҳозирги хунда 3.5 дюймли дискеталар кўпроқ тарқалган.

5.25 дюймли дискеталарни махсус ҳимоя тирқиши бор, агар у бекитилса, дискетага маълумот ёзиш мумкин булмайди.

3.5 дюймли дискеталарда бу вазифани дискета пастки чап қисмида жойлашган махсус тугмача бажаради.

- 360 Кбайтли дискета 2 интервалда босилган 200 бетли маълумотни сақлаши мумкин.

5.25 дюймли дискеталарни эҳтиётлик билан ишлатиш лозим, очиқ қисмларига қўл теккизмаслик, махсус конвертларда сақлаш зарур.

Программалар кундан-кунга мураккаблашиши ва ҳажми ошиши билан уларни сақлаш учун махсус дисклар яратилиш заруратн туғилди. Шунинг учун лазерли CD-ROM дисклари яратилди. Уларнинг ҳажми 650 Мгбайтгача. Ҳозирги кунда улар катта ҳажмдаги программаларни , видео ва энцеклопедик маълумотларни сақлашда кенг қўлланилмоқда.

Қаттиқ диск

Қаттиқ магнит диск компьютерда ишланадиган программалар ва маълумотларни доимий сақлаш учун қўлланилади. Улар опера-

ционн система программалари, тахрирлагичлар, программалаш системалари, амалий программалар, маълумотлар ва ҳоказолар.

Қаттик дискларнинг ҳажми турлича булади:

IBM PC XT да — 20 Мбайт, IBM PC AT да — 40 Мбайт, 80386SX, 80386DX, 80486SX микропроцессорли компьютерларда — 110 — 120 Мбайтгача, 80486DX да 120 — 540, 640, 850 Мбайтгача.

Мураккаб ишлар учун, катта ҳажмли маълумотлар учун 1 — 2 Гбайтли ва бундан юкори ҳажмдаги қаттик дисклар мавжуд.

Зарур холда қаттиқ дискни каттароқ ҳажмдагисига алмаштириш ёки бир неча дискдан фойдаланиш мумкин.

Мониторлар

Шахсий компьютернинг монитори (дисплей) экранга матнли ва графикли маълумотларни чиқариш учун хизмат қилади. У икки хил режимда ишлаши мумкин: матнли ва графикли.

Матнли режимда дисплей экрани шартли равишда 80 та устун 25 сатрга булинади. Шу майдоннинг ихтиёрий жойида белгилар тасвирланади. Бу белгилар катта ва кичик лотин харфлари, сонлар ва ёрдамчи белгилар — ~ ! @ $ % # ^ & * () — + | ` — = \, ; : “ ? / { } булиши мумкин.

График режимда экранга матнли маълумотлардан ташқари расм ва график тасвирлар ҳам чиқарилади. Бунда белги ихтиёрий шрифт ва улчамга эга булади. Бу режимда экран нуқталар тупламидан иборат. Масалан, 640 x 200 имкониятли монитор экранда горизонталига 640 ва вертикалига 200 нуқтани тасвирлайди. Нуқталар сони ошиши билан тасвир сифати ошади.

Куйида монитор баъзи бир турлари келтирилган.

Монитор турлари

Адаптер	Ранги	Матнли	Графикли
MDA	Оқ-қора	80×20, 2 та ранг	640×200, 2 та ранг
CGA	Рангли	80×25, 16 та ранг, 320×200, 4 та ранг	640×200, 2 та ранг
Hercules	Оқ-қора	80×25, 2 та ранг	720×348, 2 та ранг
EGA	Рангли	80×25, 16 та ранг, 80×43, 16 та ранг	640×350, 16 та ранг
VGA	Рангли	80×25, 16 та ранг	640×480, 16 та ранг
SVGA	Рангли	80×25, 16 та ранг	800×600, 16 та ранг

Ҳозирги кунда IBM PC компьютерлари асосан SVGA мониторлари билан, NOTEBOOKлар эса суюққристалли мониторлар билан таъминланган.

Клавиатура

IBM PC клавиатураси фойдаланувчи томонидан маълумотларни компьютерга киритишга мўлжалланган қурилмадир.

Клавиатуранинг умумий кўриниши 1.4.—расмда келтирилган.

1.4—расм

Тугмачалар сони ва жойлашиши турли хил компьютерларда ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уларнинг вазифаси ўзгармайди.

IBM PC клавиатуралари 2 хилда ишлаб чиқарилади. Кичик — 83 та ва катта — 101 та тугмачага эга бўлган клавиатуралар. Катта клавиатура ишлашга жуда қулай (1.4. — расм).

Катта ва кичик ҳарфларни киритиш тартиби

Катта ҳарфларни, хамда юқори регистрдаги белгиларни киритиш учун [Shift] тугмачасидан фойдаланиш мумкин. Масалан, кичик "а" ҳарфини киритиш учун "А" тасвирланган тугмачани босилади. Катта "А" ҳарфини киритиш учун эса [Shift] тугмачасини босган ҳолда, "А" тугмачасини босиш керак.

- [Caps Lock] тугмачаси бош ҳарфларда ишлашни таъминлайди. Бош ҳарфли матнларни киритишда бу жуда қулайдир. [Caps Lock] такрор босилса, бош ҳарфларда ишлаш режими бекор қилинади.
- [Caps Lock] режимида [Shift] тугмачаси кичик харфлар режимини беради.

Кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўтиш

IBM PC компьютерларида бошқа алифбога ўтишни махсус кла-

виатура драйверлари (киритиш — чиқаришни бошқарувчи программалар) бажаради.

Бу программа одатда компьютер иш бошлаш жараёнида қуйилади ва оператив хотирада жойлашган бўлади. Бу программанинг вазифаси — клавиатурадаги тугмачалар босилишини қайд қилиш ва мос белгиларни MS DOS операцион системасига узатишдан иборат.

Клавиатура драйверлари яратилганда бир алифбодан бошқасига утишни таъминлаш учун маълум тугмачалар мажмуи босилиши назарда тутилган бўлади.

Шунинг учун тугмачаларни маълум мажмуи босилгандан сўнг клавиатура драйвери бошқа алифбодаги белгиларни компьютерга узатади.

Баъзи драйверлар кирилл алифбосига утиш учун [Caps Lock] дан, баъзилари иккала [Shift] дан ёки [Ctrl] ва [Alt] тугмачаларидан фойдаланади.

Клавиатуранинг махсус тугмачалари

Клавиатурада алифбо , рақамли ва тиниш белгили тугмачаларидан ташқари махсус тугмачалар бор.

- [Enter] тугмачаси (баъзи бир клавиатураларда [Return] ёки [CR]) сатр киритилишини тугаганлигини билдиради. Масалан, MS DOS командаларини киритилиши учун ҳар бир команда [Enter] тугмачасининг босилиши билан тугалланиши керак. "Enter" сўзининг маъноси киришдир.
- [Del] тугмачаси, тўлиқ "delete" сўзидан олинган бўлиб, олиб ташлаш маъносини билдиради ва курсор кўрсатаётган белгини олиб ташлаш учун ишлатилади.
- [Ins] тугмачаси (тўлиқ "insert" сўзидан олинган бўлиб, суриш маъносини билдиради) белгиларни киритишда суриш режимидан алмаштириш режимига ўтишни таъминлайди.
- [Backspace] (ёки [Enter] устидаги чапга йўналган чизиқ [←]) тугмачаси курсордан чапдаги белгини ўчиради.
- [←], [→], [↑], [↓], [Home], [End], [PgUp], [PgDn] тугмачалари курсорни бошқариш тугмачалари дейилади. Қоидага кўра бу тугмачаларни босилиши курсорни мос йўналишда (Home — сатр бошига, End — сатр охирига) сурилишига ва матнни "варақлашга" (PgUp — орқага, PgDn — олдинга) олиб келади.
- [Numlock] (рақамлар режими) тугмачаси босилган ҳолда, клавиатура ўнг томонида жойлашган 1 — 9, 0 рақамларидан фойдаланиш мумкин, акс ҳолда [Home], [←], [PgUp], [→], [↑],

[End], [↓], [PgDn], [Ins] ва [Del] тугмачалари ишлайди. [Numlock] режими рақамли маълумотларни киритишда жуда қулай.

- [Esc] тугмачаси ("escape" сўзи қочиш маъносини билдиради) командани бекор килиш, программадан чиқиш учун фойдаланилади.
- [F1] — [F12] функционал тугмачалар (айрим клавиатураларда [F1] — [F10]) турли махсус амалларни бажариш учун зарур. Уларнинг вазифасини бажараётган программа белгилайди.
- [Ctrl], [Alt] махсус тугмачалар. [Shift] каби бошқа тугма чалар вазифасини ўзгартиради. Бу тугмачалар бошқа тугмачалар билан биргаликда программа ишига таъсир кўрсатади. Масалан, программа тавсифида маълум бир амал бажарилиши учун [Alt]+[X] ни киритинг дейилса, сиз [Alt] тугмачасини босган ҳолда, [X] тугмачасини босишингиз керак.
- [Prtscr]— тугмачаси экрандаги тасвирни принтерга чиқаради.
- [Break]— тугмачаси программа ишини тўхтатиш учун ишлатилади.

Тугмачаларнинг махсус мажмуилари

[Ctrl]+[Break] Ишлаётган программа ёки команда тугатилишини таъминлайди.

[Ctrl]+[Alt]+[Del] MS DOS системасини қайта таъминлайди, яъни операцион системани хотирага қайта юклайди.

[Shift]+[Prtscr] Экрандаги ахборот нусхасини принтерга чиқариш режимини улаш ва учиришни таъминлайди.

[Ctrl]+[Numlock] Программа ишини тўхтатиб туради. Давом этиш учун ихтиёрий тугмача босилади. MS DOS системаси команда ва программалари учун бу вазифани [Ctrl]+[S] бажаради.

MS DOS системаси билан мулоқот учун фойдаланувчи қуйидаги махсус тугмачалар мажмуидан фойдаланиши мумкин.

[Ctrl]+[C] Команда ёки программа ишини тугатади.

[Ctrl]+[P] Экрандаги маълумот нусхасини принтерга кўчиришни ташкил этади.

[Ctrl]+[S] Программа бажарилишини тўхтатиб туради.

[F6] Файл охири белгисини киритади. (Бу символ [Ctrl] + [Z] билан белгиланади).

Принтерлар

Принтер — маълумотларни қоғозга чиқарувчи қурилма.

Барча принтерлар матнли маълумотни, кўпчилиги эса расм ва

графикларни ҳам қоғозга чиқаради. Рангли тасвирларни чиқарувчи махсус принтерлар ҳам бор.

Принтерларнинг қуйидаги турлари мавжуд: игнали, сиёҳли ва лазерли.

1.5—расм

Игнали принтерлар — кенг тарқалган принтерлар тури. Унинг умумий кўриниши 1.5. — расмда келтирилган.

Бу принтернинг ишлаш қоидаси қуйидагича: принтернинг ёзиш бошчасида вертикал тартибда игналар жойлашган. Бошча ёзув сатри бўйлаб ҳаракатланади ва игналар керакли дақиқада бўялган лента орқали қоғозга урилади ва натижада қоғозда белги ёки тасвир пайдо бўлади. Игналар сонига қараб бу принтерлар бир-неча турларга бўлинади: 9 игнали, 24 игнали, 48 игнали.

- 9 игнали принтерда ёзув сифати пастроқ. Сифатни ошириш учун ёзишни 2 ёки 4 юришда бажариш керак.
- 24 игнали принтер сифатли ва тезроқ ишлайди.
- 48 игналиси ёзувни жуда сифатли чиқаради.

Игнали принтерлар тезлиги бир бет учун 10 секунддан 60 секундгача.

Сиёҳли принтерда тасвир қоғозга махсус қурилма орқали пуркалаётган сиёҳ томчиларидан юзага келади (расм 1.6).



1.6—расм

Сиёҳли принтер сифати лазерли принтерга яқин ва нархи ҳам арзон. Сиёҳли принтер шовқинсиз ишлайди. Шунинг учун ҳозирги кунда кўпчилик ундан фойдаланаяпти. Тезлиги бир бет учун 15 дан 100 секундгача.

Лазерли принтерлар босмахона сифат даражасига яқин сифатли ёзувни таъминлайди (расм 1.7). У ишлаш нуқтаи назаридан нусха кўчирувчи ксероксга яқин, бунда фақат босувчи барабан компьютер командаси ёрдамида электрланади. Буёқ доначалари зарбланиб барабанга ёпишади ва тасвир ҳосил бўлади.

Тезлиги бир бет матн учун 3 дан 15 секундгача. Расм учун кўпрок, катта расмлар учун 3 минутгача вақт талаб қилади.

Ҳозирги кунда минутига 15 — 40 бетгача чоп этадиган лазерли принтерлар бор.



1.7—расм

Рус ҳарфларини чоп этишнинг қуйидаги тартиблари мавжуд:

- Рус ҳарфлар шрифтлари принтерда бўлиши мумкин. Агарда уларнинг кодлари компьютерники каби бўлса, у ҳолда DOS нинг Print ёки Copy командаларидан фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда махсус программани (Beta, rk) киритиб қўйиш керак.
- Русча ҳарфлар билан ишлаш учун махсус программани киритиш керак. Масалан Windows, Microsoft Word зарур шрифтларни ўзи юклайди.
- Русча матн фақат график режимда чиқарилиши мумкин. График режимда ихтиёрий шрифтни олиш мумкин. Лекин бу ҳолда принтер секинроқ ишлайди.

Ёрдамчи қурилмалар

Қуйида биз компьютерга уланиши мумкин бўлган баъзи бир қурилмалар тавсифини келтирамиз.

- "Сичқонча" — компьютер билан фойдаланувчи мулоқотини енгиллаштирувчи манипулятор. Унинг "сичқонча" номи ташқи қуринишидан келиб чиққан. "Сичқонча" қўлга бемолол жойлашувчи бир неча тугмачали қутича (расм 1.8).

1.8—расм

"Сичқонча" стол ёки махсус юзада (гиламчада) ҳаракати натижасида экрандаги курсорни мос равишда ҳаракатлантиради. Менюнинг бирортасини бажариш учун "сичқонча" мос тугмачаси босилади. Бир хил амалий программалар фақатгина "сичқонча" билан ишлашга мослашган.

- Плоттер — чизмаларни қоғозга чиқарувчи қурилма. Плоттерлар 2 хил бўлади: барабанли ва планшетли. Барабанлиги рулонли, планшетлиги варақли қоғозга чиқаради. Плоттерлар асосан чизма лойиҳаларни автоматлаштиришда фойдаланилади.
- Сканер — компьютерга матнли ёки тасвирли маълумотни киритувчи қурилма. Сканерлар белгиларни ҳам англайди, шунинг учун қўлёзмаларни ҳам компьютерга киритиши мумкин (расм 1.9). Сканерлар 2 хил бўлади: автоматик ва автоматик бўлмаган. Биринчиси маълумотни варақлаб ўқийди, иккинчиси сатрлаб, бунинг учун сканерни керакли сатрга қўл билан суриб туриш керак.



1.9—расм

- Тармоқ адаптери — компьютерни маҳаллий тармоққа улаш имконини беради. Бунда фойдаланувчи тармоқдаги бошқа компьютер маълумотларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.
- Аудиоплата — компьютер ёрдамида мусиқа ижро этилишини

таъминловчи қурилма. Одатда у колонка ва микрофон билан биргаликда сотилади. Унинг ёрдамида мусиқани таҳрирлаш, инсон нутқини ёзиб олиш мумкин.

- Компакт — дискларни ўқувчи қурилма маълумотларни махсус CD ROM компакт дисклардан ўқиш имкониятини беради. Бу компакт дисклар ишончлироқ, 650 Мбайт ҳажмдаги маълумотни сақлайди.
- Трекбол — сичқонча каби, шар шаклидаги манипулятор. Шар бурилган томонга экрандаги тасвир ҳам мос равишда бурилади.
- Модем — телефон тармоғи орқали бошқа компьютер билан маълумот алмашувини таъминлайди. Модемлар маълумот узатиш тезлиги билан фарқланади.

2

ҚИСМ

MS DOS операцион системаси ҳақида маълумотлар

Операцион система (ОС) компьютер билан фойдаланувчи ўртасида мулоқотни ўрнатади, компьютер асосий қурилма манбаларини, қўшимча қурилмаларнинг ишини бошқаради.

ОС программаларни оператив хотирага кўчиради, бу программаларнинг талабларини бажариб, ишини таъминлайди. Программа вазифасини бажариб бўлгандан кейин оператив хотирани ундан тозалайди, яъни фойдаланувчи ишлаши учун оператив хотирада кенг майдон яратади.

Бу командалар асосида фойдаланувчи дискни номлаш, файллар нусхасини кўчириш, экранда каталоглар кетма — кетлигини олиш, ихтиёрий программалар, принтер, дисплей билан бевосита ишлаш имкониятига эга бўлади.

Одатда IBM PC компьютерларида Microsoft Corporation фирмасининг MS DOS ёки унинг вариантлари PC DOS NOVELL DOS, COMPACT DOS ва бошқа операцион системалари ўрнатилади.

Шунинг учун ушбу қисмда MS DOS 6. 2 ОСнинг тавсифини келтирамиз. MS DOS нинг бу версияси анча такомилаштирилган. У турғунроқ, ишончлироқ ва тезроқ ишлайди.

IBM PC компьютерларида UNIX, OS/2, WINDOWS 95 ОС лари ҳам кўп қўлланилади.

Apple Macintosh компьютерлари учун энг охирги ОС сифатида SYSTEM 7.1 ишлатилади.

MS DOS ОС — таркиби

MS DOS ОС системаси қуйидаги қисмлардан ташкил топади.

- BIOS (Basic Input-Output System) компьютернинг доимий хотирасида жойлашган. Унинг вазифаси киритиш—чиқариш билан боғлиқ бўлган операцион системанинг энг содда ва универсал хизматларини бажаришдан иборат. Бу система компьютер ёқилганда, унинг хотираси ва қурилмаларини ишлашини текширувчи тестни ҳам ўз ичида сақлайди. Бундан ташқари, унда ОС юкловчисини чақирувчи программа жойлашади.
- ОС юкловчиси жуда қисқа программа бўлиб, у MS DOS ли дискетанинг биринчи секторида жойлашади ва унинг вазифаси MS DOS ни қолган 2 модулини ўқишдан иборат.
- IO.SYS ва MSDOS.SYS дискли файллар. Уларни ОС юкловчиси хотирага кўчиради ва компьютер хотирасида доимо сақлайди.
- IO.SYS (INPUT—OUTPUT) BIOSнинг хотирадаги давоми ҳисобланади.
- MSDOS.SYS DOS нинг юқори даражадаги вазифаларини бажаради.
- MS DOS нинг буйруқ процессори фойдаланувчи киритган командаларни қайта ишлайди. Буйруқ процессори ОС юкланаётган дискнинг COMMAND.COM файлида жойлашади. Фойдаланувчининг "ички" деб аталувчи баъзи командаларини яъни type, dir, copy кабиларни буйруқ процессори ўзи бажаради. Қолган ташқи командаларни бажариш учун мос программани қидиради, уни хотирага кўчириб, бошқаришни унга узатади.
- MS DOS нинг ташқи командалари — ОС билан биргаликда юкланадиган алоҳида файллардаги программалардир, масалан, format.
- Драйвер қурилмалари MS DOS нинг киритиш — чиқариш системасини тулдирувчи ва янги қурилмаларнинг ишини таъминловчи махсус программалардир. Масалан, драйвер ёрдамида компьютер хотирасининг қисми бўлган "электрон диск" билан ишлаш имконияти туғилади. Драйверлар номи CONFIC.SYS файлида кўрсатилади.

MS DOS нинг бошланғич юкланиши

MS DOS нинг таъминоти қуйидаги ҳолларда автоматик тарзда бажарилади:

- компьютер ёқилганда.

- "Reset" тугмачаси босилганда (бу тугмача баъзи бир моделларда бўлмаслиги мумкин).
- [Ctrl], [Alt], [Del] тугмачалар бирга босилганда.

Қоидага кўра ОС қаттиқ дискда таъминловчи фирма томонидан ёзилган бўлади.

Система юкланиши бошида компьютер доимий хотирасидаги қурилмалар текширилади. Агар хатолик бўлса, хато коди берилади. Хатолик мураккаб бўлмаса, "F1" тугмачаси босилади. Акс ҳолда компьютерни махсус техник мутахассисларга кўрсатиш лозим.

ОС юкловчи программаси ўқилгандан кейин бу программа компьютер хотирасига ОС модуллари I0.SYS ва MSDOS.SYS ни кўчириб, уларга бошқарувни топширади. Сунгра CONFIG.SYS—система конфигурациясини кўрсатувчи файл, унда кўрсатилган драйверлар ўқилиб, ОС параметрлари ўрнатилади. Агарда CONFIG.SYS бўлмаса, одатдаги параметрлар ўрнатилади. Бундан кейин COMMAND.COM бошқарувчи процессор ўқилиб, бошқариш унга берилади ва AUTOEXEC.BAT бажарилади. Бу файлда компьютер ёқилганда бажариладиган команда ва программалар кўрсатилади. Масалан, рус ҳарфлар ишини таъминловчи программа.

Шу билан компьютерни юклаш жараёни тугайди ва MS DOS команда беришга таклиф қилади.

Буйруқ файллари

Кўпинча командаларнинг бир хил кетма — кетлигини бажаришга тўғри келади. Бунда буйруқ файлдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Буйруқ файл (Batch file), бу ОС командалари кетма—кетлигидан иборат файлдир. Бу кетма—кетлик командаларини клавиатура орқали алоҳида киритиш зарур эмас. Бунинг учун буйруқ файли номини кўрсатиш кифоя. Буйруқ файл. bat кенгайтгичига эга бўлади. Буйруқ файли бажарилиши учун унинг номини киритиб, "Enter" босилади.

Буйруқ файли матнли файл булиб, унинг хар бир сатрида MS DOS нинг командаси жойлашади. Буйруқ файлида ишлаши мумкин бўлган командалар руйхати MS DOS да келтирилган.

▶ **Масалан:**

AUTOEXEC.BAT махсус буйруқ файли MS DOS юкланишида ишлатилади.

Файллар ва каталоглар
Файл нима?

Магнит дискларда маълумотлар файлларда сақланади.

- Файл — дискнинг маълум ном билан аталувчи соҳаси бўлиб, унда маълум маълумот сақланади. Масалан, программа ва хужжат матнлари, бажарилиши мумкин бўлган программалар ва ҳоказолар. Файллар 2 хил бўлади: матнли, иккилик тизимидаги.

Матнли файллар фойдаланувчи учиши учун мўлжалланган. Хар бир файл ном ва кенгайтгичга эга. Ном 1 дан 8 гача, кенгайтгич 1 дан 3 тагача белгига эга бўлиши мумкин. Ном ва кенгайтгич нуқта билан ажратилади.

▶ **Масалан:**

command.com
autoexec.bat
letter.txt

ном *кенгайтгич*

Ном ва кенгайтгич бош ва кичик лотин ҳарфлари, рақамлардан ва:

- _ $ # @ ! % & () {} ' ~ ^

белгиларидан иборат бўлиши мумкин. Кенгайтгич бўл иши шарт эмас. Аммо кенгайтгич, қоидага кўра, файлнинг мазмунини тасвирлайди ва шу билан фойдаланувчига қулайлик яратади. Кўпчилик программалар кенгайтгични ўрнатадилар ва кенгайтгичга қараб файлни қайси программа ҳосил қилганини аниқлаш мумкин.

▶ **Масалан:**

.com, .exe — бажаришга тайёр программалар;
.bat — буйруқ файллар;
.pas — Паскалдаги программа;
.for — Фортрандаги программа;
.c — СИ даги программа;
.asm — Ассемблердаги программа;
.bak — файлни ўзгаришдан аввалги нусхаси;
.bas — Бейсикдаги программа;
.cob — Каболдаги программа;
.lib — программалар кутубхонасига тегишли файл;
.txt, .doc — матнли файл.

Агар файлни ўзгартириш жараёнида хатога йўл қўйилган ёки файл ўчирилган бўлса, .bak кенгайтгичли файл ёрдамида уни тиклаш мумкин.

Каталог

Файл номлари магнит дискларда каталог (ёки директорийларда) қайд килинади.

- Каталог — файл номлари, уларнинг ҳажми, ёзилиш вакти ҳақидаги маълумотларни сақловчи дискдаги махсус жой.

Агарда каталогда файлнинг номи бўлса, у ҳолда файл шу каталогда жойлашган бўлади. Ҳар бир магнитли дискда каталоглар сони бир нечта бўлиши мумкин. Ҳар бир каталог номга эга.

- Каталог номи файл номи каби ёзилиш тартибига эга.

Каталог бошқа каталогда қайд қилиниши мумкин. Агар X каталоги Y каталогида қайд қилинган бўлса, у ҳолда X — ички каталог, Y — ташқи каталог ҳисобланади. Ҳар бир магнитли дискда бош ёки туб каталог бўлади, унда файллар ва 1 — босқичдаги ички каталоглар қайд этилади. 1 — босқичдаги каталогларда файллар ва 2 — босқич файл ва каталоглари қайд этилади ва ҳоказо. Натижада магнитли дискда каталоглар дарахтсимон тузилиши ҳосил бўлади (расм 2.1).



2.1—расм. Магнит дискда файллар системаси мисоли

Жорий диск ва каталог

- Жорий диск бу Сиз шу дақиқада ишлаётган дискдир. MS DOS фойдаланувчи сўраётган файлларни жорий дискдан қидиради. MS DOS нинг махсус командалари жорий дискни ўзгартиради.
- Фойдаланувчи ишлаётган лаҳзадаги каталог жорий каталог деб аталади. Агар MS DOS командасида файлнинг номи кўрсатилса, у ҳолда бу файл жорий каталогдан қидирилади ёки ташкил қилинади.

Файлга йўл

Агарда Сизга зарур бўлган файл жорий каталогда бўлмаса, у ҳолда файлнинг қайси каталогда жойлашганини кўрсатишингиз лозим. Бунинг учун файлгача бўлган йўл кўрсатилади.

- Йўл —"\" белги билан ажратилган каталоглар ёки "..." белгилар кетма — кетлигидир. Бу йўл туб ёки жорий каталогдан керакли файл жойлашган каталоггача бўлган маршрутни кўрсатади.

Агарда йўл "\" билан бошланса, маршрут туб каталогдан, "..." билан бошланса, олдинги босқичдаги каталогдан, акс ҳолда жорий каталогдан ҳисобланади.

▶ **Масалан:**

DOC жорий каталог бўлсин. У ҳолда:

\CHI — туб каталогдан CHI га йўл,
..\CHI — 1-босқичдаги CHI каталогига йўл,
LETTERS — DOC нинг LETTERS каталогига йўл бўлади.

Дискнинг номланиши

Шахсий компьютер турли магнит дисклари билан ишлайдиган махсус қурилмаларга эгалиги юқорида таъкидланган эди. Дискеталар билан ишлашни таъминлайдиган қурилмалар A: ва B: билан номланади. Қаттиқ диск C: билан номланади.

▶ **Масалан:**

Шахсий компьютер 2 та дискеталар билан ишловчи A:, B: қурилмаларга ва қаттиқ диск C: га эга бўлиши мумкин.

Қулайлик учун одатда C диски қисмларга бўлинади. Улар D, E, F ва ҳоказолар билан номланади.

Файлнинг тўлиқ номи

Файлнинг тўлиқ номи қуйидаги кўринишга эга:

[*Диск* :] [*Йўл* \] *Файлнинг номи*

- Файлнинг тўлиқ номи — диск номи, файл жойлашган каталоггача бўлган йўл ва файл номидан ташкил топади.
- Агар диск номи кўрсатилмаса, жорий диск тушунилади.
- Агар йўл кўрсатилмаса, жорий каталог тушунилади.

▶ **Масалан:**

DOC каталоги A дискнинг жорий каталоги бўлсин, у ҳолда:

a:paper. doc — A: дискнинг жорий каталогидаги paper.doc файли,
a:\paper.doc — A: дискнинг туб каталогидаги paper.doc файли,
post\telex.doc — жорий каталогнинг POST каталогидаги telex.doc файли тушунилади.

"*", "?" белгиларидан фойдаланиш

Баъзан бирор каталог файллар гуруҳини ифодалаш учун "*", "?" белгиларидан фойдаланилади. "*" файл номи ёки кенгайтгичидаги ихтиёрий белгилар сонини, "?" эса фақатгина битта белгини ифодалайди.

▶ **Масалан:**

***.bak** — .bak кенгайтгичли жорий каталогдаги барча файллар,
c*.doc — с ҳарфи билан бошланувчи .doc кенгайтгичли барча файллар,
. — жорий каталогдаги барча файллар,
a???.* — а ҳарфи билан бошланувчи тўртта белгидан иборат, ихтиёрий кенгайтгичли файллар тушунилади.

MS DOSнинг таклифи

MS DOS билан фойдаланувчи ўртасида мулоқот командалар орқали бўлади. DOS командаси команда номи ва параметрлардан ташкил этади.

MS DOS ишга тайёр бўлганда фойдаланувчини мулокотга қуйидагича таклиф қилади:

A> ёки C:\>

Бу MS DOS нинг командаларни қабул қилишга тайёрлигини кўрсатади. Баъзан MS DOS нинг таклифи жорий диск ва каталог ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

▶ **Масалан:**

C: — C диск, туб каталог,
C:\EXE> — C: дискдаги EXE каталог тушунилади.

- DOS таклифи сатри командалар сатри деб аталади.

Командаларни киритиш

Командани киритиш учун уни командалар сатрига клавиатурадан териб, [Enter] тугмачасини босиш керак. DOS командалари номи ва параметрлари лотин алифбосида терилади.

Командани киритишда қуйидаги тугмачалардан хатоларни тўғрилаш учун фойдаланиш мумкин:

[Del] — жорий белгини олиб ташлайди,

[Backspace] — курсордан чапдаги белгини ўчиради,

[Ins] — алмаштириш режимини ёқади ёки учиради,

[Esc] — командани бутунлай ўчиради,

[F3] — командалар сатрига аввалги командани чақиради.

Программа ишини тўхтатиш

Баъзи ҳолларда программа ишини тўхтатиш зарур бўлади. Масалан, программа нотўғри бажарилаётган бўлса ёки компьютер "осилиб" қолса (яъни тугмачалар босилишига компьютер эътибор бермаса), программа иши тўхтатилади.

Бунинг учун [Ctrl] ва [Break] ёки [Ctrl] ва [C] ни босиш керак, агар бу ёрдам бермаса, [Ctrl]+[Alt]+[Del] ни киритиб, MS DOS қайтадан юкланади. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, компьютер учириб ёкилади.

Агар MS DOS командани бажараётганда экранда:

Strice any key when ready

(Тайёр бўлганингизда, ихтиёрий тугмачани босинг)

ёки

Strice any to continue

(Давом эттириш учун ихтиёрий тугмачани босинг)

ҳосил бўлса, у ҳолда ишни давом этиши учун ихтиёрий тугмачани босиш керак.

MS DOSнинг асосий командалари
Матнли файлни ташкил этиш

Матнли файлни ташкил этиш учун

copy con <*файлнинг номи*>

командаси киритилади ва файл сатрлари клавиатурадан киритилади. Ҳар бир сатр [Enter] билан, охиргиси эса, [F6]+[Enter] билан тугатилади. Натижада экранда қуйидаги жавоб чикади:

1 file (s) copied

(1 та файл нусхаси кўчирилди)

ва дискда файлнинг номи ҳосил бўлади.

▶ **Масалан:**

copy con xxx. doc — жорий каталогда xxx. doc файли ҳосил булади.

Файлни ўчириш

Файлни доимий хотирадан ўчириш учун del (delete — ўчириш) командаси қуйидаги форматда берилади

del [*Диск*:] [*Йўл*\] [*Файлнинг номи*]

- Файлнинг номида "*", "?" белгилардан фойдаланиш мумкин.

▶ **Масалан:**

Агар каталогнинг барча файлларини ўчирмоқчи бўлсангиз,

del *.*

командаси киритилади. Компьютер бунга қуйидагича жавоб беради:

Are You sure (Y/N)?
(Ишончингиз комилми?)

Файлларни ўчириш учун "Y", акс ҳолда "N" киритилади.

Ёки "del xxx. doc" командасини киритсангиз, жорий каталогдаги xxx. doc файли ўчирилади.

Файлни қайта номлаш

Файлни қайта номлаш командаси ren ("rename"— қайта номлаш). У қуйидагича

ren [*Диск*:] [*Йўл*\] *Файлнинг номи Файлнинг янги номи*

▶ **Масалан:**

ren xxx. doc xxx. txt — команда жорий каталогдаги xxx.doc файли номини xxx.txt га ўзгартиради.

Файлнинг нусхасини кўчириб ўтиш

Файлнинг нусхасини кучириш команда номи copy ("copy"— нусха кучириш). Унинг формати қуйидагича:

copy <*Файлнинг номи*> <*Файлнинг номи*>
ёки
copy <*Файлнинг номи*> [*Каталог номи*]

Биринчи командада номи кўрсатилган файлнинг нусхаси кўрсатилган ном билан кучирилади.

Иккинчи командада файлнинг нусхаси кўрсатилган каталогга кўчирилади.

Файлнинг нусхасини принтерга олиш учун

copy <*Файлнинг номи*> prn

командани киритиш етарли.

▶ **Масалан:**

copy xxx.doc xxx.txt — жорий каталогда xxx.doc файлининг нусхаси xxx. txt ни ҳосил қилади.
copy a:\ *.* — А дискнинг туб каталогидаги барча файллар нусхасини жорий каталогга кучиради.

Дискда файлни тез топиш

ff ("file find"— файлни топиш) программаси дискда файлни топишга ёрдам беради. Бунинг учун файлнинг номини беришингиз лозим, яъни

ff <*файлнинг номи*>

▶ **Масалан:**

ff digger.doc — командаси дискдаги барча каталоглардан digger. doc файлини топиб беради.

Файл матнини экранга чиқариш

Файл матнини экранга чиқариш учун

type <*Файл номи*>

командани киритиш зарур. Натижада экранда файл матни ҳосил булади.

- Маълумот чиқишини тўхтатиш учун [Ctrl] +[S] босилади.

▶ **Масалан:**

type paper. doc

командаси экранга paper. doc файл матнини чиқаради.

- Монитор экранини тозалаш учун Cls командаси киритилади. Натижада, MS DOS нинг таклифи экраннинг биринчи сатрига кучади.

.bak кенгайтгичли файлларни ўчириш

.bak кенгайтгичли қаттиқ дискдаги файлларни ўчириш учун командалар сатрида

del *. bak

командасини териш кифоя. Бу команда жорий дискни файл-ларнинг эски нусхаларидан тозалайди.

Жорий дискни ўзгартириш

Жорий дискни ўзгартириш учун диск номидан кейин (:) қуйилади, яъни:

a: — A: дискка ўтиш учун,

b: — B: дискка ўтиш учун,

c: — C: дискка ўтиш учун.

Жорий каталогни ўзгартириш

Жорий каталогни ўзгартириш учун cd ("change directory"— каталогни ўзгартириш) командасидан фойдаланилади. Унинг формати қуйидагича

cd [*Диск:*] [*Йўл*\]

▶ **Масалан:**

cd\exe\dos — Каталогни exe\dos каталогига ўзгартиради.
cd — Жорий диск туб каталогига ўтишни таъминлайди.
cd.. — Олдинги босқичдаги каталогга қайтаради.

Каталогни кўздан кечириш

Каталог рўйхатини чиқариш учун dir командасидан фойдаланиш мумкин. Унинг формати:

dir [*Диск:*] [*Йўл*\] [*Файл номи*] [/P] [/W]

Агар файл номи берилмаса, каталогнинг мундарижаси чиқади. Бунда дискдаги ҳар бир каталог ва файллар номи, ҳажми, ёзилган кун ва вақти ҳақидаги маълумот экранга чиқади (расм 2.2).

2.2—расм

Бунда:

/P белгиси мундарижани экран бўйлаб варақлаб чиқаради;

/W белгиси факатгина файлларнинг номини чиқаради (расм 2.3).



2.3—расм

Руйхат охирида файллар сони, эгалланган ва буш жой ҳажмлари келтирилади.

Каталогни ташкил қилиш

Каталогни ташкил қилиш учун md ("make directory"— каталог очиш) командасидан фойдаланилади. Унинг формати

md [*Диск*:] [*Йўл*\]

▶ **Масалан:**

md XXX — XXX каталогини жорий каталогда ҳосил қилади.
md a:\WORK — A: дискда WORK каталогини ҳосил қилади.

Каталогни ўчириш

Каталогни ўчириш учун rd ("remove directory" — каталогни ўчириш) командасидан фойдаланилади.

rd [*Диск*:] [*Йўл*\]

Каталогни ўчиришдан аввал унинг файл ва каталоглари ўчирилади, яъни каталог буш бўлиши лозим.

Дискеталар билан ишлаш
Дискетани форматлаш

Дискетани ишлатишдан аввал уни форматлаш зарур. Бунинг учун MS DOS нинг махсус Format командасидан фойдаланилади. Бу команда формати:

format a:

Команда киритилгандан кейин қуйидаги хабар чиқади.

Insert new diskette to drive x: and strike Enter when ready
(Дискетани қўйинг ва [Enter] ни босинг).

Агар дискета яроқсиз бўлса, қуйидаги хабар чиқади.

Track O — bad — disk unusable
(О чи йўл яроқсиз, дискетани ишлатиш мумкин эмас)

Форматлаш тугатилганда, савол берилади:

Format another (Y/N)?
(Яна форматлайсизми (ҳа, йўқ)?)

! *Агарда дискетада бирор маълумот бўлса, форматлаш натижасида у ўчирилади.*

- Агар "format a: /S" командаси киритилса, форматлаш натижасида "системали" дискета ҳосил бўлади. Ундан MS DOS ОС системани юклашингиз мумкин.

360 Кбайтли дискни 360 Кбайт ва ундан камроқ хажмга, 1.2 Мбайтли дискни 1. 2 Мбайт ва ундан камроқ ҳажмга форматлаш мумкин.

Дискеталарни каттароқ ҳажмда ҳам форматлаш мумкин. Бунинг учун format командасида йўлкалар ва секторлар сони кўрсатилади, яъни:

format [*диск*:] /T: *йўлаклар сони* /N: *секторлар сони*

Фақатгина уларни ўқиш учун 800. com программасини ишга тушириш зарур.

▶ **Масалан:**

format a: /t:80/n:10 — А дискдаги дискета 800 Кбайтга форматланади.

3 қисм

Norton Commander программаси билан ишлаш

Norton Commander программаси "Peter Norton Computing" фирмасининг маҳсули бўлиб, унинг вазифаси MS DOS ОС билан ишлашни енгиллаштиришдан иборат. Бу программа файллар ва директориялар билан асосий амалларни — қидириш, нусха кўчириш, қайта номлаш, ўчириш кабиларни соддароқ, қулайроқ ва яққол бажаради.

Шундай қилиб, NC операцион система вазифаларини бажаради ва унинг имкониятларини кенгайтиради. MS DOS командалари билан тўғридан — тўғри NC дан чиқмасдан туриб ишлаш мумкин.

NC каби QDos, PathMinder, XTree, Windows программалари мавжуд. MS DOS нинг 4. 0 варианти ўзининг муҳитига эга.

Шундай бўлсада, NC энг содда ва қулай муҳит бўлганлиги учун қуйида унинг кенг тарқалган 4. 0 версиясининг тавсифини келтирамиз. Ушбу қисмда унинг имкониятлари, муҳитга кириш ва чиқиш тартиблари, панелларни бошқариш, функционал тугма-

чалардан ва утилит программалардан фойдаланиш тартиблари ва ҳоказолар батафсил ёритилган. NC муҳитида ишлашнинг қисқача тавсифи қисм охирида келтирилган.

NC имкониялари

NC турли функцияларни бажаради, хусусан

- Дискдаги каталоглар рўйхатини яққол кўрсатади,
- Дискдаги каталоглар дарахтини кўрсатиш, каталогларни яратиш, қайта номлаш, ўчириш имкониятларига эга,
- Файллар устида нусха кўчириш, қайта номлаш, жойни ўзгартириш ва ўчириш командаларини қулайрок бажаради,
- Турли матнли файллар, ҳужжатлар, архив файллар, маълумотлар базаси матнларини кўриш, матнли файлларни таҳ-рирлаш имконига эга,
- MS DOS ихтиёрий командасини ва ҳоказоларни бажаради.

NC программасини ишга тушириш

NC программасини ишга тушириш учун DOS нинг командалар сатрида клавиатурадан қуйидагини териш керак:

nc

Натижада, экраннинг юқори қисмида 2 қаватли ҳошия билан чегараланган 2 та тўғри бурчакли дарчалар ҳосил бўлади. Бу дарча одатда "панел" деб аталади (Расм 3.1). Панеллар тагида DOS нинг командалар сатри жойлашади. Ундан DOSнинг ихтиёрий командаларини киритишингиз мумкин. Охирги сатрда эса NC функционал тугмачаларининг вазифасини эслатувчи сатр жойлашади.

3.1—расм

NCдан чиқиш

NC дан чиқиш учун [F10] тугмачаси босилади. Экраннинг ўртасида қуйидаги савол юзага келади.

Do you want to quit the Norton Commander? (Yes, No)
(Сиз Norton Commander дан чиқмоқчимисиз?)

Агар чиқмоқчи бўлсангиз [Enter] ёки "Y" ни, акс ҳолда [Esc] ёки "N" ни киритасиз.

DOS командаларини ишга тушириш

DOS командасини бажариш учун уни клавиатурадан киритилиб, [Enter] тугмачаси босилади. Командалар сатрида команда-ни таҳрирлаш тартиби юқорида қайд қилинган эди.

NC панелидаги жорий файлни командалар сатрига [Ctrl] + [Enter] тугмачалари чиқаради.

Аввалги командани командалар сатрига [Ctrl] + [E] қайтаради.

Аввал киритилган командани чиқариш учун унинг биринчи уч ҳарфини киритиб, [Ctrl] + [Enter] босилади.

NC панеллари таркиби

NC панелида бирор диск ёки каталогнинг каталог, файллари ҳақидаги маълумот ёки дискдаги каталоглар дарахти ва ҳоказолар тасвирланиши мумкин.

Бунда панелнинг юқори қисмида жорий диск ёки каталог номи кўрсатилади.

NC панелларини бошқариш

NC панелларини бошқариш учун тугмачаларнинг қуйидаги мажмуидан фойдаланиш мумкин.

[Tab] - Жорий панелни ўзгартиради,

[Ctrl]+[O] - Экрандаги панелларни ўчиради ва чиқаради.

[Ctrl]+[P] - Жорий бўлмаган панелни ўчиради ва чиқаради,

[Ctrl]+[U] - Панелларнинг ўрнини алмаштиради,

[Ctrl]+[F1] - Чап панелни ўчиради ва чиқаради,

[Ctrl]+[F2] - Ўнг панелни ўчиради ва чиқаради,

[Alt]+[F1] - Чап панелда дисклар рўйхатини чиқаради,

[Alt]+[F2] - Ўнг панелда дисклар рўйхатини чиқаради.

Панелдаги каталоглар рўйхати

Агарда NC панелида каталог рўйхати келтирилса, панелнинг юқори қисмида каталог номи келтирилади. NC файллар номини кичик ҳарфларда, каталог номларини бош ҳарфлар билан келтиради.

Системали файлларнинг эса, биринчи ҳарфи бош ҳарфда бўлиб, файл номи билан кенгайтгич ўртасида "▌" белгиси бўлади.

NC файллар ҳақидаги маълумотни қисқа ва тўла тарзда бериши мумкин. Қисқача маълумот фақатгина файллар номини келтиради. Тўла маълумот файллар ҳажмини (байтларда), ёзилган куни ва вақтини ҳам келтиради.

Қисқа ва тўла маълумотларни олиш учун қуйидагилардан фойдаланса бўлади.

[F9]+[L]+[B] - Чап панелда қисқача маълумотни чиқаради.

[F9]+[R]+[B] - Ўнг панелда қисқача маълумотни чиқаради.

[F9]+[L]+[F] - Чап панелда тўла маълумотни чиқаради.

[F9]+[R]+[F] - Ўнг панелда тўла маълумотни чиқаради.

Панелнинг пастки қисмида ажратилган ёки танланган файллар ҳақида маълумот келтирилади.

NC файллар хақидаги маълумотларни қуйидаги тартибда чиқариши мумкин: номлар, кенгайтгичлар бўйича алфавит тартибда, ёзилган кун, вақти ва ҳажм камайиши тартибида.

Маълумот чиқиш тартибини ўзгартириш қуйидагича амалга оширилади:

[Ctrl]+[F3] - ном буйича тартиблайди,

[Ctrl]+[F4] - кенгайтгич бўйича тартиблайди,

[Ctrl]+[F5] - вақт бўйича тартиблайди,

[Ctrl]+[F6] - ҳажм бўйича тартиблайди,

[Ctrl]+[F7] - каталогларнинг тартибланмаган рўйхатини беради.

Ажратилган файл ёки каталог

Ранг билан бошқалардан фарқланувчи экрандаги бирор файл еки каталогни ажратилган деб атаймиз.

Курсорни сурувчи тугмачалар — [←], [→], [↑], [↓], [PgUp], [PgDn] ёрдамида ажратилган файлни ўзгартириш мумкин.

Файлни тезроқ ажратиш учун [Alt] тугмачаси босилган ҳолда керакли файлнинг биринчи ҳарфлари ёзилади.

Функционал тугмачалардан фойдаланиш

Функционал тугмачалар тафсифи қуйидагича:

[F1] — Help. NC билан ишлаш жараёнида тугмачалар вазифаси ҳақидаги қисқача маълумотни беради.

[F2] — Menu. Фойдаланувчи руйхатда кўрсатган командалар ишини таъминлайди.

[F3] — View. Файл матнини экранга чиқаради. Матнли файлларнинг матнини кўриш имконини беради.

[F4] — Edit. Файлни таҳрирлаш имкониятини беради.

[F5] — Copy. Файлнинг нусхасини кучиради. Экран ўртасида файл нусхасини қаерга кучириш ҳақидаги савол ҳосил булади. Каталог номи кўрсатилмаса, файл нусхаси иккинчи панелдаги жорий каталогга кучирилади. Каталог номини узгартириш зарур булса, каталог номи киритилиб, [Enter] босилади. Командани [Esc] тугмачаси бекор қилади.

[F6] — Renmov. Файлни қайта номлайди ёки бошқа каталогга кучиради. Файлнинг янги номи ёки каталог номи кўрсатилади. Командани қайтариш учун — [Esc] босилади.

[F7] — MkDir. Директорий ташкил қилади.

[F8] — Delete. Файлни ёки каталогни ўчиради.

[F9] — PullDn. NC ишлаш тартибларини ўзида сақловчи менюни чиқаради.

[F10] — Quit. NC дан чиқишни таъминлайди.

Агар [Alt] босилса, экраннинг охирги сатри ўзгаради ва [Alt]+[F1]—[Alt]+[F10] тугмачалари мажмуининг маъноси келтирилади.

Қуйида уларнинг вазифаси қисқача келтирилган.

[Alt]+[F1]—Left. Чап панелда кўрсатилган дискни танлайди.

[Alt]+[F2]—Right. Ўнг панелда кўрсатилган дискни танлайди.

[Alt]+[F3]—View. Матнли файлни тезроқ чиқаради.

[Alt]+[F4]—Edit. Файлни ташқи таҳрирлагичлар ёрдамида таҳрирлашни таъминлайди.

[Alt]+[F5]—Comp. Ажратилган файлларни архивга жойлайди.

[Alt]+[F6]—DeComp. Архивдаги файлларни қайта тиклайди.

[Alt]+[F7]—Find. Дискда файлни қидиради.

[Alt]+[F8]—History. Киритилган командалар руйхатини чиқаради ва командани қайта бажаради.

[Alt]+[F9]—Eqa Ln. Экрандаги сатрлар сонини 25 дан 43 га

(EGA монитори учун ва VGA монитори учун — 50 га) ўзгартиради.

[Alt]+[F10]. Бошқа каталогга тез ўтишни таъминлайди.

Файллар гуруҳини танлаш

Файллар гуруҳини танлаш улар гуруҳи устида баъзи бир амаллар бажариш имкониятини беради. Танланган файллар рангли дисплейда равшанроқ тасвирланади. Панеллар охирги сатрида файллар гуруҳи сони ва ҳажми ҳақидаги маълумот келтирилади. Бирор файлни танлаш учун [Ins] тугмачасини босиш керак. Бу тугмачанинг қайта босилиши танлашни бекор қилади. Файллар гуруҳини, уларнинг турига қараб ажратиш учун [+], [Enter] тугмачасини босиб, гуруҳлар туси "*" ва "?" белгилари ёрдамида киритилади. Бекор қилиш учун [-], [Enter] тугмачаси киритилади.

Файллар гуруҳи устида нусха кўчириш, қайта номлаш, ўчириш, кучириш, архивга жойлаш, архивдан тиклаш амаллари бажарилиши мумкин.

Файл матнини экранда кўриш

Norton Commander матнли файлларни, архивли файлларни, жадвалларни ўқиш имкониятига эга. Бунинг учун файлга курсорни келтириб, [F3] босилади. Файл матни бўйлаб ҳаракатланиш учун [←], [→], [PgUp], [PgDn], [↑], [↓] тугмачаларидан фойдаланилади. [Home] матн бошини, [End] охирини беради. Маълумотлар базаси ёки жадвалларда белгини қидириш учун [F7] дан фойдаланиш мумкин.

Бу команда ёрдамида экрандаги матнни фақатгина ўқиш мумкин.

Файлни таҳрирлаш

Файлни таҳрирлаш учун курсорни файлга келтириб, [F4] босилади. Натижада файл матни экранда ҳосил бўлади. Экраннинг биринчи сатрида маълумот сатри жойлашади. Унда файл номи, сатр ва устун тартиб рақами, бўш хотира ҳажми, жорий белги коди берилади. Бу таҳрирлагич фақатгина айрим белгиларни ўзгартира олади. Мураккаб амалларни бажара олмайди. Шунинг учун мураккаб ишлар учун махсус таҳрирлагичлардан фойдаланган мақсадга мувофиқ.

Norton Commander таҳрирлагичи қисқача тафсифи қуйидагича.

- Матн бўйлаб ҳаракатни йўналиш тугмачалари амалга оширади.

- Курсорни матннинг бошига [Ctrl] + [Home] ва охирига [Ctrl] +[End] ўтказади.
- [Alt] + [F8] эса, кўрсатилган рақамли сатрга ўтказади.
- Сатрни курсордан сатр охиригача [Ctrl]+[K] ўчиради.
- [Ctrl] + [Y] сатрни тўлик ўчиради.
- Файлни хотирага [F2] ва янги ном билан [Shift]+[F2] ёзади.
- [F10] ёки [Esc] — таҳрирлагичдан чиқишни таъминлайди. Агар файл дискга ёзилмаган бўлса, таҳрирлагич Сизни огоҳлантиради. Ёзиш зарур бўлса, "Save" командаси танланади. Акс ҳолда —"Don't save".

Файл ва каталог нусхасини олиш

Файл ёки файллар гуруҳи нусхасини олиш учун [F5] босилади. Натижада экранда файл нусхасини кўчириш манзили сўралади (расм 3.2).

3.2—расм

Одатда иккинчи панел адреси кўрсатилади. Шунинг учун аввал панелларни бирида нусхаси олиниши бўлган файл каталоги ва иккинчи панелда манзилли диск ёки каталог ўрнатилгани қулай. Бу ҳолда[Enter] босилиши етарли. Акс ҳолда файл кўчирилиши зарур бўлган каталог номи, ёки файлнинг янги номи кўрсатилади ва [Enter] босилади. Экранда файл кўчирилаётганлигини акс эттирувчи тасвир ҳосил бўлади.

Агар манзилда файл номи бўлса, экранда савол ҳосил бўлади (расм 3.3).

3.3—расм

Бунда,

Overwrite - ёзишга рухсат этилади;
Skip - ёзишга рухсат этилмайди;
All - ушбу ва барча кейинги файлларни ёзишга рухсат этади.

Каталог нусхасини олиш учун ҳам [F5] босилади. Бунда каталог ва барча файллар кўчирилади. Агар "Include sub directories" ре-

жими [Space] ёрдамида ўрнатилса, каталогнинг барча каталоглари файллари билан кўчирилади.

Файл ва каталогни қайта номлаш ва кўчириш

Файл, файллар гуруҳи ёки каталог номини ўзгартириш учун [F6] киритилади. Экранда савол ҳосил бўлади (расм 3.4).



3.4—расм

Саволга жавобан янги ном киритилади ва [Enter] босилади.

- Файл ва каталогларни кўчириш учун ҳам [F6] босилади. Бунда файллар аввалги манзилидан ўчирилади.

Каталог ташкил этиш

Каталог ташкил этиш учун [F7] тугмачаси босилади. Экранда каталог номи сўралади (расм 3.5). Бунга жавобан каталог номи киритилади ва [Enter] босилади. Командани [Esc] бекор қилади.

3.5—расм

Агар шу номдаги каталог ёки файл бўлса, “Can’t create directory” деган ёзув ҳосил бўлади ва каталог очилмайди.

Файл ва каталогни ўчириш

Файл ва каталогни учириш учун керакли файл, каталогни ёки файллар гуруҳини белгилаб, [F8] тугмачаси босилади. Экранда савол ҳосил бўлади (расм 3.6).

3.6—расм

Саволга жавобан "Delete" ни танлаб, [Enter] босилади.

- Агар "Include sub directories" режими урнатилса, каталоглар файллари билан учирилади.
- Файллар гуруҳи учирилганда ҳар бир файлни учиришдан аввал қуйидаги савол ҳосил бўлади (расм 3.7).



3.7—расм

Бунда, қуйидагилардан бирини танлашингиз мумкин.

Delete - жорий файлни учиради;

All - жорий файлни ва кейингиларини учиради;

Skip - жорий файл учирилмайди;

Cancel - жорий файл ва кейингилари учирилмайди.

Файлни тез топиш

Агар Сиз файлни тез топмоқчи бўлсангиз, [Alt]+[F7] ни киритасиз. Натижада экранда файл номи ва файлда бўлиши шарт бўлган белгилар сўралади (расм 3.8). Бунга жавобан файл номи киритилиши зарур. "Contuining" сатрида белгилар кўрсатилади ва [OK] танланади. Қидириш натижаси экранда ҳосил бўлади.



3.8—расм

Ҳосил бўлган руйҳатдаги файллар матнини кўриш учун —"View", файл каталогига ўтиш учун —"Chdir", жорий дискни ўзгарти-

риш учун-"Change Drive" танланади, режимдан чиқиш учун [Esc] босилади.

Файл атрибутларини ўзгартириш

Norton Commander файл атрибутларини ўзгартириш имконига эга. Бунинг учун [F9], [F], [A] тугмачалари босилади.

Агар файллар гуруҳи белгиланган булса, уларнинг атрибутларини, акс ҳолда фақат жорий файлни аттрибутларини узгартириш мумкин.

Файллар қуйидаги атрибутларга эга (расм 3.9):



3.9—расм

Read only - Фақат уқиладиган

Archive - Архивга киритилган

Hidden - Бекитилган файл

System - Системали файл

- Керакли атрибут [Space] ёрдамида ўрнатилади ва "Set" да [Enter] босилади.
- Файллар гуруҳи учун "Set" (хусусиятни ўрнатади), "Clear"(хусусиятни бекор қилади) лардан бирида [Space] босилади.

Панелда файлларни қисман кўздан кечириш

Файлларнинг кисми билан ишлаганда панелга файлларнинг керакли қисмини чиқазиш қулай. Бунинг учун [F9], [L] / [R], [F] киритилади. Натижада "Filter" командасининг менюси ҳосил булади (расм 3.10):

All files - барча файллар;

Executable files - бажарилувчи файллар;

Database files - маълумотлар базаси файллари;

Spreadsheet files - электрон жадвал файллари;



3.10—расм

Word processor files - таҳрирлагичлар файллари;

Graphics files - графикли файллар;

Compressed files - архивли файллар;

Customized - ном ва кенгайтгич тусига мос файллар.

Керакли меню [Space] ёрдамида танланади ва [OK] босилади.

NC менюси

NC менюси ёрдамида маълумотнинг экранда қулайроқ чиқишини ўрнатиш, иш режимини ўзгартириш мумкин.

Менюга кириш учун [F9] тугмачасини босиш керак. Натижада экраннинг юқори қисмида қуйидаги пунктларга эга булган сатр ҳосил бўлади: "Left", "Files", "Commands", "Options", "Right".

Улардан бири ажратилган (жорий) бўлади. Керакли пунктни [←], [→] тугмачалари ёрдамида танлаш мумкин. [Enter] босилгандан кейин жорий пунктнинг менюси ҳосил бўлади. Керакли пунктни танлаш учун [↑], [↓] дан фойдаланиб, [Enter] босилади. Менюдан чикиш учун [Esc] тугмачаси киритилади. Қуйида меню пунктлари тавсифи келтирилади. Ўрнатилган режимлар "✓" билан белгиланади.

"Left" ва "Right" пунктлари

"Left" ва "Right" пунктлари мос равишда чап ва ўнг панелда маълумот чиқариш режимларини ўрнатади. Режимни ўрнатиш ёки бекор қилиш учун, уни суриш тугмачалари билан танлаб, [Enter] босилади.

"Left" ва "Right" пунктлари ост менюга эга (расм 3.11).

Бунда:

Brief - панелда файллар ҳакидаги кискача маълумот ҳосил бўлади (фақат файл номлари);

Full - панелда файллар ҳақидаги тўла маълумот чиқади (файлнинг номи, ҳажми, ёзилиши ёки охирги ўзгартириш муддати);

Info - панелда бошқа панелдаги каталог ва диск ҳақидаги маълумот чиқади;

Tree - панелда дискдаги каталоглар дарахтини тасвирлайди;

Quick View - панелда бошқа панелда кўрсатилган файл матни ҳосил бўлади;

Compressed File - панелда архив файлнинг рўйхати чиқарилади;

Link - компьютерларни боғлаш режими ўрнатилади ёки бекор қилинади;

On/off - панел экранга чиқарилади ёки чиқарилмайди;

Name - панелда файллар алифбо тартибида чиқарилади;

Extension - панелда файлларни кенгайтгичлар алифбоси тартибида чиқаради;

Time - панелда файллар ёзилиш муддати камайиши тартибида келтирилади;

Size - панелда файллар ҳажм сони камайиши тартибида келтирилади;

Unsorted - панелда файллар каталогга ёзилган тартибда чиқарилади;

Re-read - каталог рўйхатини қайта ўқийди;

Filter - панелга файлларни қисман чиқаради;

Drive - бошқа дискга ўтказади.

3.11—расм. NC менюси

Менюнинг "Files" пункти

Менюнинг "Files" пункти файллар устида турли амаллар бажариш имконини беради.

Бу амалларнинг купчилиги функционал тугмачаларга бириктирилган (расм 3.12).

Бунда:

Help - кўрсатма олиш;

User menu - фойдаланувчи командалари менюсини чикариш;

View - файл матнини экранда чикариш;

Edit - файл матнини тахрирлаш;

Copy - файлни ёки файллар гурухи нусхасини олиш;

Renmow - файл ёки каталог номини узгартириш, файлни бошка каталогга кўчириш;

Mkdir - каталог ташкил килиш;

Delete - файлни, файллар гурухи ёки каталогни ўчириш;

File Attributes - файл атрибутларини ўрнатиш;

Select Croup - файллар гурухини ажратиш;

Unselect Group - файллар гурухини ажратишни бекор килиш;

Quit - NC дан чикиш;

Invert selection - ажратилган файлларни ажратишни бекор килиб, ажратилмаган файлларни ажратади;

Restore selection - ажратишни кайта ўрнатади.



3.12—расм.
NC менюси "File" пункти

Менюнинг "Commands" пункти

Менюнинг "Commands" пункти NC нинг қуйидаги командаларини бажаради (Расм 3.13).

NCD tree. Экранда каталоглар дарахтини ҳосил қилади.

Find file. Дискда файлни кидиради.

History. MS DOS нинг команда сатрида киритилган командалар руйхатини беради.

EGA lines. Экрандаги сатрлар сонини 25 дан 43 тага утказади (EGA учун) ва аксинча.

Sistem information. Компьютер ва оператив хотира ҳақидаги маълумотни беради.

Swap panels. NC панеллари урнини алмаштиради.

Panels on/off. Панелни экрандан учиради ва урнатади.

Compare directories. Панеллардаги каталогларни солиштириб, фаркини курсатади. Фаркли файллар ажратилади.

Terminal Emulation. Модем орқали маълумот алмашувини таъминловчи программани ишга туширади.

Menu file edit. Фойдаланувчи менюсини таҳрирлайди.

Extension file edit. NC. ext файлини таҳрирлайди.



3.13—расм.
NC менюси "Commands" пункти.

Менюнинг "Options" пункти

"Options" пункти NC конфигурациясини, NC ишлаш режимларини, файлларни таҳрирлаш учун таҳрирлагич турини киритади.

"Options" пункти ост менюга эга (расм 3.14):



3.14—расм.
NC менюсининг "Options" пункти

Бунда:

Configuration — NC нинг конфигурациясини киритади (қуйида келтирилган);

Editor - F4 босилганда, чақириладиган таҳрирлагич номи кўрсатилади;

Confirmation - файл нусхасини кўчириш, ўчириш, кўчириш жараёнлари саволларини ўрнатади ёки бекор қилади;

Compression - файлларни архивга сиқиш усулларини беради;

Auto menus - фойдаланувчи менюсидаги команда бажарилгандан сўнг экранда фойдаланувчи менюсини яна чиқаради;

Path prompt - бу режимда экран пастки қисмидаги таклиф жорий диск ва каталог ҳақидаги маълумотни, акс ҳолда фақатгина жорий диск ҳақидаги маълумотни беради;

Key bar - бу режим экраннинг охирги сатрида функционал тугмачалар вазифаси ҳақидаги кўрсатмани беради;

Full screen - бу режим NC панелларини экран ўлчамида ва акс ҳолда экраннинг ярми ўлчамида чиқаради;

Mini status - бу режимда панел пастки қисмида жорий файл ёки ажратилган файллар сони ва ҳажми ҳақидаги маълумот келтирилади;

Clock - экраннинг юқори ўнг бурчагида жорий вақтни кўрсатади;

Save setup - ўрнатилган режимларни сақлайди.

NC конфигурациясини ўрнатиш

NC конфигурациясини ўрнатиш учун "Options" пунктида "Configuration" га кириш ёки [F9], [O] ва [C] ларни киритиш керак, натижада экранда дарча ҳосил бўлади (расм 3. 15).

3.15—расм

Режимларга ўтиш учун [←], [→], [↑], [↓] дан фойдаланилади. Режимлар [Space] тугмачаси ёрдамида ўрнатилади. Барча режимларни ўрнатгандан сўнг [Ctrl] + [Enter] тугмачаларини босиш керак, ёки курсорни "OK" га келтирилиб, [Enter] босилади. Режимларни ўрнатишни бекор қилиш учун [Esc] тугмачаси босилади. Ўрнатилган режимни хотирада сақлаш учун [Shift] + [F9], [Enter] тугмачалари киритилади ёки "Auto save setup" режими ўрнатилади.

NC режимлари тафсифини келтирамиз.

Экран рангини ўрнатиш учун "Screen Colors" хошиясида қуйидагилардан бирини танлаш керак:

Black&White - оқ-қора экран учун;

Laptor - суюқ кристалли экран учун;

Color 1 - рангли экран учун;

Color 2 - рангли экран учун, ранг бошқа усулда ўрнатилади.

"Screen blank delay" пунктидан фойдаланиб, экранни қанча вақтдан кейин тозалаш кераклигини кўрсатиш мумкин. Компьютер тугмачалари босилмаса, кўрсатилган вақтдан кейин экранда "юлдузли осмон" хосил бўлади. Бу экранни тез ишдан чиқишидан сақлайди. "On"режимида "Minutus" да кўрсатилган вақтдан сунг экран тозаланади.

NC нинг бошқа режимлари чапдан "x" белгиси билан белгиланади.

Show hidden files —"Бекитилган" файлларни кўрсатади.

Бундай файллар ном ва кенгайтгичи орасида "▒" белгиси бўлади.

Ins moves down — [Ins] тугмачаси ёрдамида жорий файлдан кейинги файлни ажратади.

Select Directories — Бу режимда [Ins] тугмачаси каталогларни ҳам ажратади ва бу каталоглар устида нусха кўчириш, ўчириш ва ҳоказо амаллар бажарилади.

Auto change directory — Бу режимда панелда каталоглар дарахти қаралаётганда бошқа панелда жорий каталог рўйхати чиқарилади.

Menu bar always visible — Бу режимда экраннинг юқори сатрида NC меню сатри доимо кўринади.

Auto save setup — Бу режим ўрнатилган режимларни автоматик сақлаш имкониятини беради.

Left-handed mouse — Бу режим "сичқонча" нинг чап ва ўнг тугмачалари вазифасини алмаштиради.

Fast mouse reset — Бу режим баъзи бир компьютерларда (масалан, IBM PS/2 да) зарур. У NC дан ишга туширилган программа бажарилгандан кейин NC панелларини чиқишини тезлаштиради.

Файлларни таҳрирлаш учун таҳрирлагични кўрсатиш

[F4] тугмачаси босилганда қандай таҳрирлагич чақирилишини кўрсатиш лозим.

Таҳрирлагични танлаш учун [F9], [O], [E] тугмачаларини босиш, яъни менюнинг "Options" пунктида "Editor" пунктига кирилади. NC таҳрирлагичини ёки бошқа таҳрирлагични кўрсатиш мумкин. Бунда бу таҳрирлагични чақирувчи файл номини командалар сатрида кўрсатиш керак.

[Alt]+[F4] тугмачаларини босиш натижасида альтернатив таҳрирлагич чақирилади.

Фойдаланувчи менюси

Фойдаланувчи [F2] тугмачани босганда NC экранга фойдаланувчи менюси командаларини чиқаради. Фойдаланувчи суриш тугмачалари ёрдамида кераклисини танлаб, мос командани [Enter] ёрдамида бажариши мумкин. Командалар рўйхати NC. MNU файлида берилади. Бу файл жорий каталогда ёки NC каталогида жойлашиши мумкин. Бу файлни NC таҳрирлагичида таҳрирлаш мумкин. Ёки "Commands" пунктининг "Menu file edit" пунктига кирилади. Натижада экранда савол хосил бўлади. Бунга жавобан "Main"— асосий ва "Local"— локал менюларнинг бири танланади. Кейин меню пунктлари киритилади.

▶ **Масалан :**

F2 : Format a: — дискетани форматлаш
c:\DOS\format a:

Файлни дискда қидириш

Файлни дискда кидириш учун filefind программасидан фойдаланиш мумкин. Бу программанинг умумий кўриниши куйидагича:

filefind файлнинг номи [сатр ёки белги] [режим]

- Агар файл номида каталог номи кўрсатилмаган булса, файл барча дискларда кидирилади.
- Агар /C режими кўрсатилса, файл жорий каталогда кидирилади.
- Агар /C ва /S киритилса, файл жорий каталог ва унинг барча каталогларидан қидирилади.
- Агар бирор белги ёки сатр кўрсатилган булса, программа шу белгили файлни қидиради.
- Агар белгилар сатрида бош ва кичик ҳарфлар ҳисобга олиниши зарур булса, /CS режими ўрнатилади. Бўш жой ҳисобга олиниши учун белгилар сатри < “ > билан, қавслар учун эса, < ‘ > билан чегараланади.

▶ **Масалан:**

filefind *.txt —.txt кенгайтгичли барча файлларни топади. (расм 3.16).

3.16 — расм

filefind *. txt “Жадвал”—. txt кенгайтгичли “Жадвал” ли файлларни топади.

- Агар қидирилаётган файл дискда бўлмаса,

No files found matching <*файлнинг номи*> containing <*белги ва сатр*>

жавоби экранда ҳосил бўлади. Ундан чиқиш учун [Esc] босилади.

- Агар файл дискда бўлса, файллар рўйхати орасида керакли-сини танлаб, [Enter] ёрдамида матнини кўриш мумкин.
- Топилган файлга чиқиш учун [Tab] ёрдамида [Goto] га ўтиб, [Enter] босилади.
- Бошқа файлни топиш учун [Tab] ёрдамида файл номи, белгилар сатри кўрсатилади ва [Start] да [Enter] босилади.
- Топилган файллар рўйхатини [Ctrl]+[P] ёрдамида принтерга чиқариш мумкин.
- Программадан чиқиш учун [Esc] босилади.

Ўчирилган файлни тиклаш

Эҳтиётсизлик натижасида ўчирилган файлни тиклаш мумкин. Бу имконият файлнинг дискдаги жойига бошқа маълумот ёзилмаган ҳолдагина бажарилиши мумкин. Файл Unerase командаси ёрдамида тикланади. Команданинг умумий кўриниши:

unerase [файлнинг номи]

Агар файлнинг номи кўрсатилмаса, дискдаги барча файллар тушунилади (расм 3. 17).

- Агар файлнинг номи аниқ кўрсатилса, файл тикланади.

3.17—расм

Ўчирилган файллар рўйхатида тиклаш даражалари чиқарилади:

poor - файл тикланмайди;

overage - файлни тикласа бўлади;

good - файл қисман тикланади;

excellent — файл тўлиқ тикланади.

- Рўйхатдаги файлни кўриш учун — [V], файл ҳақидаги маълумотни олиш учун — [I] ва тиклаш учун — [U] босилади.
- Ёки "View", "Info" ва "UnErase" командаларида [Enter] босилади.

Файл тикланаётганда UnErase унинг биринчи ҳарфини сўрайди. Агар ушбу номли файл бўлса, UnErase Сизни огоҳлантиради.

Файлларни тиклаш учун улар [Space] ёрдамида белгиланади. Сунг UnErase командасида [Enter] босилади. Программа файл номининг биринчи ҳарфини ҳар бир тикланаётган файл учун алоҳида сўрайди. Агар [Space] ёки [Enter] босилса, файлларни номини ўзи ўрнатади. Бунда А ёки В ва ҳоказо ҳарфлар қўйи лади.

- Программадан чиқиш учун [Esc] босилади.

▶ **Масалан:**

unerase *.txt — Жорий каталогдаги . txt кенгайтгичли файлларни тиклайди.

Каталогдан каталогга ўтиш

NCD программаси ёрдамида дискда каталоглар рўйхатини чиқазиш, бошқа каталогга ўтиш мумкин.

Команданинг формати:

ncd [/r]

Бунда,

/r — режими курсатилса, маълумот дискдан ўқилади, акс ҳолда TREEINFO.NCD файлидан ўқилади.

Агар командадан аввал DS NE\ /S командаси берилса, дарахт алифбо тартибида чиқарилади.

Команда киритилганда экранда каталоглар дарахти ҳосил бўлади (расм 3.18).

Керакли каталогни танлаш учун йўналиш тугмачаларидан фойдаланилади ёки клавиатурадан каталогнинг биринчи ҳарфлари киритилади.

- Программадан [Esc] орқали чиқилади.

NCD программаси қуйидаги имкониятларга эга.

- Каталог ташкил қилиш - F7 босилади
- Каталогни ўчириш - F8 босилади



3.18— расм

- Каталогни қайта номлаш - F6 босилади
- Бошқа диска ўтиш - F3 босилади
- Жорий каталог файлларининг руйхатини олиш - F4 босилади
- Каталоглар дарахтини қоғозга ёки файлга кучириш - [Alt]+[P] босилади
- Каталоглар ҳақидаги маълумотни дискдан ўқиш - F2 босилади

Бу имкониятларни меню орқали ҳам бажариш мумкин.

- Менюга кириш учун [Alt], чиқиш учун [Esc] босилади.

Дискни текшириш

NDD программаси ёрдамида дискни мантиқий тузилишини, хатоларини, нуқсонли қисмларини аниқлаш мумкин.

Команданинг формати

NDD [диск:]/g — Дискни мантиқий тузилишини текширади.

NDD [диск:]/C — Дискни мантиқий тузилишини текширади ва нуқсонли қисмларини аниқлайди.

Команда киритилганда экранда маълумот (расм 3. 19) ва кейин қуйидаги ёзув ҳосил бўлади.

3.19—расм

Insert the diskette to diagnose into drive...
(Текшириладиган дискетани ўрнатинг...)

Бунга жавобан дискета ўрнатилиб, [Enter] босилади. Текширишнатижаси экранда кўрсатилади (расм 3. 20).



3.20—расм

Бунда,

▪ дискнинг ишлатилган қисми;

▒ дискнинг бўш қисми;

B — дискнинг нуқсонли қисми.

Агар дискнинг мантиқий қисмида хато топилган бўлса, программа Сизни улар ҳақида огоҳ қилади ва уларни тўғрилашга таклиф қилади. Бу хатоларни тўғрилашдан аввал NDDUNDO. DAT файлини ташкил килиш шарт. Бу файл NDD программасини чақирилганча бўлган мантиқий тизимни сақлайди ва зарур ҳолда уни тиклайди.

▶ **Масалан:**

NDD қилган тўғрилашлар натижасида хатолик юз берган ҳолда.

- Диск текширилишини [Esc] бекор қилади.

Файлларни дискда оптимал жойлаш

ОС файлларни дискга ёзиш учун уни қисмларга (кластерлар) ажратади. Ҳар бир файл аниқ қисмга ёзилади. Лекин дискда файлларни ўчириш ва қайта ёзиш натижасида файллар бир неча қисмларда жойлашиб қолиши мумкин. Бу эса дискнинг ишлашини секинлаштиради.

Шунинг учун дискда файлларни оптимал жойлаштириш максадга мувофиқ. Бу вазифани SpeeDisk программаси амалга оширади.

Унинг умумий кўриниши

Speedisk [диск:] [режим]

Бунда қуйидаги режимлар бўлиши мумкин.

/FF — Файлларни тартибли равишда тўлиқ оптимал жойлаштиради.

/FD — Каталогларни дискнинг бошига кучириб, тўлик оптималлаштиради.

/U — Файлларнинг қисмлилигини йўқотади.

Программа бажарилиши натижасида экранда дискнинг тасвири ҳосил бўлади (расм 3.21).



3.21—расм

Бунда,

дискнинг тўлиқ эгалланган қисми;

дискнинг қисман ёки эгалланмаган қисми;

X — дискнинг кўчирилмайдиган қисми;

B — дискнинг нуқсонли қисми.

Дискни оптималлаш жараёни экран пастки қисмидаги диаграммада акс эттирилади. Дискнинг ишланган қисми сариқ туста киради ва қуйидаги белгилар билан белгиланади:

r — дискнинг ушбу қисми ўқиляпти;

w — дискнинг ушбу қисми ёзиляпти;

v — дискнинг ушбу кисми текшириляпти.

- Оптималлашни [Esc] тўхтатади.

Оптималлаш охирида қуйидаги савол ҳосил бўлади, улардан бирини танлаш мумкин.

Another drive - Бошқа дискга ўтиш учун.

Configure - Speedisk нинг конфигурация менюсига чиқиш учун.

Exit Speed Disk - SpeeDisk дан чиқиш учун.

Компьютер ҳақидаги маълумот

Компьютер ҳақида маълумот олиш учун

Sysinfo

командасини киритинг. Натижада экранда компьютер ҳақидаги маълумот ҳосил бўлади (расм 3.22).

3.22—расм

"Next"да [Enter] босиш натижасида компьютер ҳақидаги турли маълумотларни олишингиз мумкин.

Аввал видеосистема, локал тармоқ, дисклар, оператив хотира, қўшимча хотира, драйверлар ҳақидаги маълумотлар берилади. Кейин процессорнинг IBM PC XT га нисбатан тезлиги хисобланади ва Autoexec. bat ва Config. sys файллари матни чикарилади.

- Маълумотларни принтерда чиқазиш учун [Print] ни танлашингиз етарли.
- Программадан чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилади.

NC муҳитида ишлаш учун қисқача кўрсатма

NC панелларини бошқариш

[Tab] - Жорий панелни ўзгартиради

[Ctrl]+[O] - Экрандаги панелларни ўчиради ва чиқаради

[Ctrl]+[P] - Жорий бўлмаган панелни ўчиради ва чикаради

[Ctrl]+[U] - Панелларнинг ўрнини алмаштиради

[Ctrl]+[F1] - Чап панелни ўчиради ва чиқаради

[Ctrl]+[F2] - Ўнг панелни ўчиради ва чиқаради

[Alt]+[F1] - Чап панелда дисклар рўйхатини чикаради

[Alt]+[F2] - Ўнг панелда дисклар рўйхатини чиқаради

Панелдаги файл ва каталоглар рўйхати

[F9]+[L]+[B] - Чап панелда кискача маълумотни чикаради

[F9]+[R]+[B] - Ўнг панелда кисқача маълумотни чиқаради

[F9]+[L]+[F] - Чап панелда тўла маълумотни чиқаради

[F9]+[R]+[F] - Ўнг панелда тула маълумотни чикаради

[Ctrl]+[F3] - Ном буйича тартиблайди

[Ctrl]+[F4] - Кенгайтгич буйича тартиблайди

[Ctrl]+[F5] - Вакт буйича тартиблайди

[Ctrl]+[F6] - Ҳажм буйича тартиблайди

[Ctrl]+[F7] - Каталогларнинг тартибланмаган рўйхатини беради

Функционал тугмачалардан фойдаланиш

[F1] - NC муҳити ҳақидаги кискача маълумотни беради

[F2] - Фойдаланувчи курсатган командалар ишини таъминлайди

[F3] - Файл матнини экранга чикаради

[F4] - Файлни таҳрирлаш имкониятини беради

[F5] - Файлнинг нусхасини кучиради

[F6] - Файлни кайта номлайди ёки бошқа каталогга кучиради

[F7] - Директорий ташкил этади

[F8] - Файлни ёки каталогни ўчиради

[F9] - NC менюсини чикаради

[F10] - NC дан чиқишни таъминлайди

[Alt]+[F3] - Матнли файлни тезрок чикаради

[Alt]+[F4] - Файлни ташки тахрирлагичлар ёрдамида тахрирлашни таъминлайди

[Alt]+[F5] - Ажратилган файлларни архивга жойлайли

[Alt]+[F6] - Архивдаги файлларни кайта тиклайди

[Alt]+[F7] - Дискда файлни кидиради

[Alt]+[F8] - Киритилган командалар руйхатини чиқаради

[Alt]+[F9] - Экрандаги сатрлар сонини 25 дан 43 га узгартиради

[Alt]+[F10] - Бошка каталогга тез утишни таъминлайди

4

қисм

Windows программаси билан ишлаш

WINDOWS муҳити ҳақидаги бошланғич маълумотлар

WINDOWS муҳити фойдаланувчи учун қулай бўлган кўпгина имкониятларга эга бўлган программадир. У MS DOS ОС имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

WINDOWS муҳитида ишлаш натижасида фойдаланувчи кўпгина қулайликларга эга бўлади. Бунда файл ва каталогларнинг нусхасини олиш, кўчириш, қайта номлаш, учириш ва ҳоказо амаллар тезда ва яққол бажарилади. Шу билан бирга бир пайтнинг ўзида бир неча каталог билан ишлаш имкониятига эга.

Бу программа бир пайтнинг ўзида бир неча масалаларни ечиш, ихтиёрий принтер ва дисплей билан, MS DOS программалари билан ишлаш кобилиятига эга.

Ягона интерфейсга, яъни WINDOWS турли версиялари ва программ иловалари билан ишлашнинг стандарт қоидаларига эгалиги муҳимдир.

Ҳозирги кунда WINDOWS миллионлаб фойдаланувчилар эътиборини ўзига жалб этди.

Microsoft фирмаси WINDOWSни такомиллаштириш борасида доимо ишламоқда. Шу билан бирга турли программ иловаларнинг яратилиши WINDOWSнинг имкониятларини янада оширмоқда. Бу MICROSOFT WORD, PAGE MAKER, EXCEL, COREL DRAW ва ҳоказолардир.

WINDOWS 1983 йилда яратилганига карамасдан, у биринчи бор 1985 йилнинг ноябрида сотила бошланган.

WINDOWSнинг дастлабки турлари камчиликлардан холис эмас эди. Лекин унинг 3.1 версияси тамомила янги имкониятларни таклиф қилди ва барча ракобатчиларни оркада колдирди.

Шунинг учун ушбу кисмда WINDOWS 3. 1 ҳакидаги бошланғич маълумотлар, унинг имкониятлари, афзалликлари билан танишамиз..

WINDOWSнинг имкониятлари

WINDOWS операцион мухити қуйидаги имкониятларга эга.

- Универсал графика — WINDOWS программаларнинг қурилмаларга ва программ таъминотга боғлиқсизлигини таъминлайди.
- Ягона интерфейс — WINDOWSда фойдаланувчининг мулокоти ягона, яъни турли программалар билан ишлаш коидалари умумий. Шунинг учун янги программа билан ишлаганингизда бу коидалардан фойдаланишингиз мумкин.
- Мавжуд программ таъминот билан мувофиқлиги — WINDOWS MS DOSнинг барча амалий пакетлари, таҳрирлагичлари, электрон жадваллари ишини тўла таъминлайди.
- Кўп масалалиги — WINDOWS бир пайтнинг ўзида бир неча масалани ҳисоблайди, бир программадан бошкасига ўтишни таъминлайди.
- Мавжуд оператив хотирадан тўлиқ фойдаланиш имконияти — WINDOWS мавжуд оператив хотирадан тўла фойдалана олади. Қурилма ресурсларидан ҳам тўлиқ фойдаланади. Бу курилмалар билан мулоқотни ўзи таъминлайди.
- Маълумотлар алмашуви — WINDOWS программалараро маълумотлар алмашиш имкониятига эга. Бу махсус Clipboard (маълумотлар буфери), ёки DDE (маълумотларнинг динамик алмашуви, яъни бошқа программа натижаларидан фойдаланиш), ёки OLE (маълумотлардан уларни таҳрирлаган холда фойдаланиш) ёрдамида амалга оширилади.

WINDOWSнинг ишлаш шартлари

WINDOWS 2 хил ишлаш режимига эга:

- стандарт;
- 386 га кенгайтирилган.

Режимнинг танланиши қурилма турига боғлиқ. WINDOWS стандарт режимда процессорнинг ҳимояланган режимида ишлайди. 386 га кенгайтирилган режимда ишлаш учун 80386 процессор ва 2 Мбайт оператив хотира зарур.

Стандарт режимда ишлаш учун режим белгиси "/s", кенгайтирилган режим учун "/3" урнатилади. Режим белгиси курсатилмаса, кенгайтирилган режим тушунилади.

Шахсий компьютерда WINDOWS ўрнатилиши шартлари.

- MS DOS нинг камида 3. 1 версияси булиши

- 20 Мб буш жойли каттик диск (WINDOWS нинг ўзи 6—10 Мбайт жойни эгаллайди) ва дискетани ўқиш учун қурилма
- Монитор (EGA, VGA, яхшиси SVGA)
- Принтер
- Сичқонча
- 2 Мбайт оператив хотира WINDOWS учун етарли, лекин 4 Мбайт оператив хотирадан фойдаланган максадга мувофик

Асосий программалар

WINDOWS қуйидаги программаларга эга:

Task list (масалалар рўйхати) — экранда программалараро тезда алмашишни таъминлайди;

Clipboard (буфер) — бир дарчадан иккинчи дарчага маълумотни кўчиришни, нусхасини олишни таъминлайди;

Program Manager (программаларни бошқарувчи (ПБ)) — программаларни бошқаришни енгил усулларини ташкил қилади;

File Manager (файлларни бошқариш (ФБ)) — дискда файллар ва каталоглар билан ишлашни таъминлайди;

Control Panel (контрол панел (КП)) — рангни ва шрифтни ўзгартириш, принтерни ўрнатиш имконини беради;

Print Manager (чоп этишни бошқариш (ПрБ)) — чоп этишни ташкил қилади ва амалга оширади.

WINDOWSга кириш



WINDOWSга кириш учун DOS нинг командалар сатрида

Win

командаси киритилиб, [Enter] тугмачаси босилади.

Натижада, экранда аввал WINDOWSнинг тасвири (расм 4.1), кейин ПБ нинг асосий файллар гурухи хосил бўлади (расм 4.2). ПБ дарчасининг пастки қисмида қушимча программалар пиктограммалар шаклида тасвирланади.

4.1—расм



4.2—расм

WINDOWSдан чиқиш

WINDOWSдан 2 хил усул билан чикиш мумкин. Бу — ПБ ёки системали меню (СМ) ёрдамида.

WINDOWSдан ПБ ёрдамида чикиш учун.

- Ишлаётган программангиздан чикинг.
- ПБ нинг File менюсида сичконча тугмачасини босинг.
- Exit WINDOWS пунктини танланг. Натижада экранда савол хосил булади.
- Агар Save changes майдони буш булса, X белгиси ҳосил булиши учун сичконча тугмасини босинг.
- Чикиш учун OK ни танлашингиз зарур.

Агар тугмачалар ёрдамида WINDOWS дан чиқмокчи булсангиз, у холда:

- ишлаётган программангиздан чикинг;
- [Alt]+[F] тугмачаларини киритиб, ПБ нинг File менюсини очинг;
- X харфини киритинг ёки Exit WINDOWS га курсорни келтириб, [Enter] ни босинг;
- натижада экранда савол ҳосил бўлади, Save changes майдони буш булса, ПБ элементлари жойлашишини ёзиш учун [Space] ни босинг;
- OK ни танлаб, [Enter]ни босинг.

WINDOWSдан СМ ёрдамида чиқиш учун ПБда CONTROL MENUни очиб, Close ни танлаш керак.

- СМ [Alt]+[Space] тугмачалар ёрдамида ҳам очилади.
- [Alt]+[F4] ёрдамида WINDOWSдан тезроқ чиқиш мумкин.

WINDOWSнинг асосий элементлари Программа дарчаси

WINDOWS да экран "desktop" деб аталади. Барча амаллар унда бажарилади. WINDOWS сузининг маъноси "дарчалар". Шунинг учун WINDOWSга кирганда программалар дарчаларда бажарилади. Дарчаларни жойини ва улчамларини узгартириш мумкин. Агар бир нечта программа бажарилаётган булса, дарчаларни пиктограммаларга кичрайтириш мумкин. Бу эса экрандан унумли фойдаланиш имконини беради.

Дарчалар уч хил булади:

- программалар дарчаси;
- ҳужжатлар дарчаси;
- мулоқот дарчаси.

- Программалар дарчасида бажарилаётган программалар жойлашади. Дарчанинг юқори қисмида программа номи ва меню сатри курасатилади. Программа дарчаси экраннинг ихтиёрий қисмида бўлиши мумкин.
- Ҳужжат дарчаларини программалар очади. Масалан, таҳрирлагичлар дарчада ҳужжатларни хосил қилади. Дарча сарлавҳасида ҳужжат номи ёзилади.
- Мулоқот дарчалари фойдаланувчининг айрим командаларига жавобан саволларни чиқаришда фойдаланилади.

Дарча қисмлари

Ҳар бир дарча умумий қисмларга эга бўлиши мумкин (расм. 4.3).



4.3—расм

Бунда :

А — Системали меню тугмаси
Б — Курсор
В — Меню сатри
Г — Сарлавха сатри
Д — Дарча номи
Е — Дарчанинг иш майдони
Ж — Дарча хошиялари
З — Кичрайтириш тугмаси
И — Катталаштириш тугмаси
К — Дарча бурчаги
Л — Сичконча белгиси
М — Горизонтал ўтказгич
Н — Вертикал ўтказгич

- Системали меню — дарча ўлчамларини ўзгартириш, жойини алмаштириш, ёпиш ва масалалар рўйхатига ўтиш имконини беради.
- Сарлавха сатрида — программа ёки хужжат номи системали меню, кичрайтириш ва катталаштириш тугмачалари жойлашади .Агар экранда бир нечта дарча булса, жорий дарча сарлавха сатри ранги ва туси билан фаркланади.
- Дарча номи — дарча номи унинг турига боғлик булиб, программа ёки хужжат номи, группа, каталог номидан иборат булиши мумкин. Агар ҳужжат хотирага ёзилмаган бўлса, одатда унда "untitled" (номсиз) ёзуви туради.
- Меню сатрида мавжуд меню рўйхати келтирилади. Одатда программалар File (Файл), Edit (тахрирлагич), Help (кўрсатма) ва бошқа махсус менюларга эга.
- Ўтказгич — хужжатнинг дарчага сиғмаган кисмларини куриш имконини беради.
- Кичрайтириш ва катталаштириш тугмалари ёрдамида жорий дарча ўлчамини пиктограммага кичрайтириш ёки экранга ёйиш мумкин.
- Дарча ҳошияси — дарчанининг ташки чети. Унинг ёрдамида дарчани энига ёки буйига кичрайтириш ёки катталаштириш мумкин.
- Дарча бурчаги — дарча юзасини кичрайтиради ёки каталаштиради.
- Дарчанинг иш майдони — экраннинг программа ишлаётган кисми.
- Курсор — айни дакикада ишлаш мумкин бўлган жойни кўрсатади. Белгиланган жойга матн киритилади, ёки расм чизилади.

- Сичқонча белгиси — компьютерга сичқонча ўрнатилганда ҳосил бўлади.

Пиктограмма

WINDOWS да пиктограммалар программаларни кичрайтирилган ҳолда бажариш учун ишлатилади.

Пиктограммалар 3 хилда бўлади:

- программа пиктограммалари;
- ҳужжат пиктограммалари;
- программалар сарлавҳалари пиктограммалари.

- Программа пиктограммалари программа дарчадан пиктограммага кичрайтирилганда ҳосил бўлади. Фақатгина программа пиктограммалари дарча ташқарисида жойлашади. Уларни очик дарчадан ташқаридаги экраннинг ихтиёрий қисмига кучиришингиз мумкин.
- Ҳужжат пиктограммалари — кичрайтирилган ҳужжат дарчаларидир. Бу пиктограммаларни фақатгина ишлаётган программа иш майдони доирасида жойини ўзгартириш мумкин.
- Программа сарлавҳалари пиктограммалари ПБ да ишлатилади. Бунда ҳар бир пиктограмма программа ва уни тасвирловчи ҳужжатлар рўйхатига эга бўлади. Бу пиктограммалар программа гуруҳлари дарчасида жойлашади.

Мулоқот дарчалари билан ишлаш

WINDOWS ишлаш жараёнида мулоқот учун мулоқот дарчаларидан(МД) фойдаланади. МД бирор параметрнинг қийматини ёки команда ҳақидаги қўшимча маълумот сўралганда ҳосил бўлади.

▶ **Масалан:**

FILE менюсида OPENни танласангиз, МД да очилиши зарур бўлган файлнинг номи сўралади.

Бундан ташқари WINDOWS МД ёрдамида Сизни команданинг бажарилмаслиги ҳақида огоҳлантиради ёки бунинг сабабларини келтиради.

- МД да керакли жавобни сичқонча билан танлаш мумкин. Ёки олдинга ўтиш учун [Tab] ва орқага ўтиш учун [Shift]+[Tab] тугмачаларидан фойдаланилади.
- МД ни бекор қилиш учун CANCEL ни танлаш ёки системалар менюси ▭ белгисини 2 марта, ёки [Esc] тугмачасини босиш зарур.

Дарчалар билан ишлаш

- Дарча ёки пиктограммани жойини ўзгартириш учун сарлавҳани сичқонча тугмасини босган ҳолда янги жойга келтирилади. Дарча керакли жойга жойлашганда, сичқонча тугмаси қўйиб юборилади.
- Керакли дарчани топиш учун [Alt]+[Esc] ва ҳужжатлар учун [Ctrl]+[F6] (ёки [Ctrl]+[Tab]) тугмачаларидан фойдаланишингиз мумкин.
- Дарчани экранга тўлиқ ёйиш учун дарча сарлавҳасидан унгдаги ▲ белгисида сичқонча тугмаси босилади. Агар ◆ белгиси бўлса, дарчани экранга ёйиб бўлмайди.
- Дарчани аввалги ҳолатига қайтариш учун сарлавҳа ўнгидаги ◆ белгисида сичқонча тугмаси босилади.
- Дарчани пиктограммага кичрайтириш учун дарча сарлавҳасидан ўнгдаги ▼ белгисида сичқонча тугмаси босилади.
- Пиктограммани дарчага ёйиш учун пиктограммада сичқонча тугмасини 2 марта босинг.

Дарча ўлчамини ўзгартириш

Дарча ўлчамини сичқонча ёрдамида ўзгартириш тартиби қуйидагича.

- Ўлчами ўзгартирилиши зарур бўлган дарчани танланг. Бунинг учун сичқонча тугмасини дарчанинг ихтиёрий жойида босинг.
- Сичқонча белгисини ўзгартирилиши зарур бўлган бурчак ёки ҳошияга келтиринг.
- Сичқонча тугмасини босган ҳолда бурчакни керакли ўлчамгача суринг.
- Сичқонча тугмасини қўйиб юборинг.

Дарча ўлчамини клавиатура ёрдамида ўзгартириш тартиби қуйидагича.

- Ўлчами ўзгартирилиши зарур бўлган дарчани [Alt]+[Esc] ёрдамида танланг. (Ҳужжат дарчаси ва пиктограммаси учун — [Ctrl]+[F6] (ёки [Ctrl]+[Tab]))
- Системали менюни [Alt]+[Space] ёрдамида очинг.
- Size менюсини танланг.
- Йўналиш тугмачалари ёрдамида дарчани керакли ўлчамга суринг.

- [Enter] ни босинг.

Дарчани ёпиш

Программа дарчасидан фақатгина дарчани ёпгандан сўнг чиқиш мумкин.

- Дарчани ёпиш учун дарча меню сатридаги FILE менюсида EXIT командасини танланг.
- Ёки сичқонча тугмасини СМ нинг ⊟ белгисида 2 марта босинг.

Меню билан ишлаш

WINDOWS командалари менюларда қайд этилади. Ҳар бир программа узининг менюсига эга. Меню билан ишлаш тартиблари барча программалар учун ягона.

4.1 - Жадвал

Ёзув тартиби	Ёзув Мазмуни
Команда хирароқ куринишда	Айни пайтда бу командани бажариб бўлмайди.
Командадан кейин жойлашган <...>	Бу командага жавобан зарурий параметрларнинг қийматлари сўралади.
Командадан кейин жойлашган учбурчак «▶»	Бу командадан сўнг яна меню ҳосил бўлади.
Командадан чапдаги «✓» белгиси	Айни пайтда бажарилаётган, командани белгилайди.
Командадан чапдаги (●) белгиси	Айни пайтда бажарилаётган алтернатив режимлардан бири.

- Менюга кириш учун курсорни керакли пунктга келтириб, сичқонча тугмаси босилади. Натижада пунктга мос командалар руйхати хосил булади.
- Меню бирор пунктининг командасини танлаш учун, сичқонча белгисини унга келтириб, сичқонча тугмасини босиш зарур. Ёки пунктнинг белгиланган ҳарфини клавиатурадан териш керак.
- Тугмачалар ёрдамида менюга кириш учун аввал [Alt] босилади, йуналиш тугмачалари ёрдамида кераклиси танланиб, [Enter] босилади.
- Менюдан чиқиш учун меню номида ёки менюдан ташкари ихтиёрий жойда сичқонча тугмасини босинг.

- Ёки [Alt] ва [F10] тугмачаларидан бирини босинг.

WINDOWSда барча программаларнинг меню ёзувлари белгиланган қоидага амал қилади (Жадвал 4.1).

Системали менюдан фойдаланиш

Программа, пиктограмма, ҳужжат дарчалари системали менюга эга.

- Системали менюни очиш учун юқори чап бурчакдаги [=] тугмачада сичқонча босилиши зарур.
- Ёки клавиатурадан [Alt]+[Space] тугмачалари киритилади.
- СМ [Alt] тугмачаси ёрдамида ёпилади.

Системали менюнинг командалари

СМ асосан дарчани ўлчамларини ўзгартириш, ёпиш, жойини ўзгартириш каби вазифаларни бажаради. СМ командалари сичқонча ёрдамида, ёки [↑], [↓] тугмачалари ёрдамида танлади. Қуйида командалар тавсифини келтирамиз (Жадвал 4.2).

4.2 - Жадвал (боши)

Команда	Команда Мазмуни
Restore (Тиклаш)	Дарчани аввалги ҳола тига қайтаради.
Move (кўчириш)	Клавиатура ёрдамида дарчани экраннинг ихтиёрий қисмига кўчиради.
Size (ўлчам)	Клавиатура ёрдамида дарча ўлчамларини ўзгартиради.
Minimize (кичрайтириш)	Дарчани пиктограммага кичрайтиради.
Maximize (катталаштири	Дарчани максимал ўлчамгача катталаштиради.
Close (Ёпиш)	Дарчани ёпади.
switch To... (... га ўтиш)	Task list ни активлаштиради ва бажарилаётган программаларга ўтишни таъминлайди.
Next (кейинги)	Фақатгина ҳужжат дарчалари учун бажарилади. Бир ҳужжат дарчасидан иккинчисига ўтишни таъминлайди.
Paste (суриб қўйиш)	Clipboarddаги матнни программа дарчасидаги курсордан кейинги жойга қўяди (фақатгина DOS программалари учун ўринли).

4.2 - Жадвал (давоми)

Команда	Команда Мазмуни
Edit (таҳрирлаш)	DOS программалари учун менюлар кетма — кетлигини чиқаради.
Mark (белгилаш)	Клавиатура ёрдамида матн қисмини белгилаш имконини беради.
Copy (нусха кўчириш)	Белгиланган матнни CLIPBOARDга кўчиради.
Scroll (Скроллинг)	Айни дақиқада дарчада кўринмаётган маълумотни кўриш имконини беради.
Setting (ҳолатлар)	Кўп масалали масалалар ишлаш ҳолати (актив, фонли) ҳақидаги маълумотларни сўрайди

Программалар билан ишлаш

ПБ WINDOWS программаларининг ишини бошқаради. Яъни программаларни ишга туширади ва зарур ҳолда уларни ишини тўхтатади ёки ундан чиқади, программаларни гуруҳга бириктиради. ПБ ни WINDOWSнинг муҳити деб атаса бўлади.

WINDOWS га кирганингизда ПБ нинг дарчаси ҳосил бўлади (расм 4.2). Программалар пиктограммалар шаклида ПБ дарчасида жойлашади. Пиктограммалар программа гуруҳларига бириктирилган ҳолда дарчаларда жойлашади.

- ПБ программа гуруҳларини ташкил қилиш ёки ўчириш имкониятига эга.
- ПБ программаларни ҳамда пиктограммаларни ишга туширади
- ПБ ёрдамида зарур ҳолда программани тўхтатиш ва WINDOWSдан чиқиш мумкин.
- Startup ёрдамида WINDOWSга кирилганда программаларни автоматик тарзда ишга тушириш мумкин.
- WINDOWSга кирилаётганда [Shift] тугмачаси босилса, программаларнинг автоматик ишга туширилиши бекор қилинади.

Программалар бошқарувчиси дарчаси

- ПБ дарчасида дарча ва пиктограмма шаклидаги программа гуруҳлари жойлашади.
- Пиктограмманинг изоҳига қараб, кераклисини тезда аниқлашингиз мумкин.
- Программалар вазифасига биноан гуруҳларга бирлаштирилган.

- Дарчани кулайлик учун пиктограммага айлантириб, программа гуруҳлари дарчалари ташқарисида жойлаш мумкин.

Программаларни ишга тушириш

- Программани ишга тушириш учун унга мос пиктограммада сичқонча тугмаси 2 марта босилади.
- Агар программа пиктограммага айлантирилмаган бўлса, FILE менюсига киргандан сўнг RUN танланади. Экрандаги саволга жавобан программанинг номи киритилади ва OK босилади. Файл номини киритишда BROWSE менюсига кириб, руйхатдан керакли файл танланади.
- Программа пиктограмма шаклида бажарилиши учун RUN MINIMIZED командаси танланади.
- Бошқа программага ўтиш учун унга мос дарчанинг ихтиёрий жойида сичқонча тугмаси босилади ва керакли программага ўтилади.
- Агар зарур программа пиктограммада жойлашган бўлса, у ҳолда мос пиктограммада сичқонча тугмаси 2 марта босилиб, дарча асл ҳолига қайтарилади. Дарчадан зарур программа танланиб, ишга туширилади. Агар зарур программа экранда кўринмаётган бўлса, [Ctrl]+[Esc] ни босиш натижасида экранга масалалар руйхатини чиқариш мумкин.
- Ёки зарур дарчага ўтгунча [Alt]+[Esc] тугмачалари босилади.

Пиктограммаларни ишга тушириш

- Пиктограммани ишга тушириш учун унда сичқонча тугмаси 2 марта босилади.
- Пиктограммани жойини дарчада ўзгартириш учун сичқончадан фойдаланилади. Бунинг учун сичқонча тугмасини пиктограммада босган ҳолда керакли жойга кўчириб, сичқонча кўйиб юборилади.
- Пиктограммани бошқа дарчага кўчириш учун иккала дарча экранда очиқ бўлиши шарт. Пиктограммани янги жойга сичқонча ёрдамида кўчирилади. Нусхаси кучирилганда, [Ctrl] тугмачаси ҳам босилади.

Янги пиктограммани ташкил этиш

Янги пиктограммани ташкил этиш учун ПБ даги FILE менюсида NEW пункти танланади. Натижада экранда савол ҳосил бўлади (расм 4.4).



4.4 — расм

PROGRAM ITEM сатри танланиб, [OK] киритилади. Кейин программа қуйида келтирилган тартибда хусусиятлари аниқланади.

Программа хусусиятларини аниқлаш

Программа хусусиятларини аниқлаш учун унга мос пиктограммада сичқонча тугмасини босинг ва [Alt]+[Enter] ни киритинг. Натижада экранда қуйидаги хусусиятлар рўйхати ҳосил бўлади (расм 4.5):



4.5 — расм

Description - пиктограмма остки ёзуви ;
Command Line - бажарилиши зарур бўлган программ файлнинг номи ва бажариш параметрлари кўрсатилади ;
Working Directory - программа бажарилишидан аввал жорий бўладиган каталог ;
Shortcut Keys - программа тезроқ бажарилишини таъминлайдиган тугмачалар мажмуи. Бунда қуйидагилардан фойдаланиш мумкин: [Ctrl]+[Alt], [Ctrl]+[Shift], [Alt]+[Shift], [Ctrl]+[Alt]+[Shift];
Change Icon - программага мос пиктограмма шаклини ўзгартириш мумкин ;
Run Minimized - программа пиктограмма шаклида бажарилади.

Керакли хусусиятларни ўрнатиш учун уларни танлаб, [OK] ни киритинг.

Пиктограммани ўчириш

- Пиктограммани программа гуруҳи дарчасидан учириш учун унда сичқонча тугмасини босиб, [Del] тугмачаси киритилади. Экрандаги саволга жавобан тасдиқ жавоби берилади.

Программалар гуруҳини қидириш, ташкил қилиш ва ўчириш

- Программалар гуруҳи пиктограммасини очиш учун унда 2 марта сичқонча тугмаси босилади.
- Пиктограмма ёки дарчани топиш учун [Ctrl]+[F6] тугмачалари улар экранда ҳосил бўлгунча босилади. Ёки ПБ да керакли программа гуруҳи танланади.
- Программалар гуруҳини ташкил қилиш учун ПБ да FILE менюсида NEW пункти танланади (расм 4.4).

Кейин PROGRAM GROUP сатри танланиб, OK босилади. Бунга жавобан экранда савол хосил бўлади (расм 4.6).



4.6 — расм

Бунда, DESCRIPTION сатрида ташкил этилаётган группа номи, GROUP FILE сатрида группа ҳақидаги маълумотлар сақланаётган файл номи киритилади. Одатда бу файл. GRP кенгайтгичига эга. Файлнинг номи кўрсатилмаса, уни ПБ ўзи танлайди. Файлнинг номини киритиб, OK ни танлаш максадга мувофиқ.

- Программалар гуруҳини ўчириш учун уни пиктограммага айлантириб, сичқонча тугмасини пиктограммада босиб, [Del] тугмачасини киритинг. Экрандаги саволга жавобан пиктограммани ўчиришингизни тасдиқланг.
- Программалар гуруҳи программаларини [Del] тугмачаси ёрдамида бирма — бир ўчириш ҳам мумкин. Программалар ўчирилгандан сўнг гуруҳнинг ўзи ўчирилади.
- Программалар гуруҳини қайта номлаш учун уни пиктограммага айлантириш зарур. Кейин [Alt]+[Enter] босилади. Бунга жавобан янги номи киритилиб, OK танланади.

Файллар билан ишлаш

File Manager файллар билан ишлайди. У файлларни ва каталогларни нусхасини кучириш, учириш, қайта номлаш, диск рўйхатини экранга чиқариш каби имкониятларга эга.

Дискеталарни форматлаш, нусхасини кучириш билан бирга графикли интерфейсга ҳам эгадир.

Файллар бошқарувчисини ишга тушириш ва ундан чиқиш

- ФБ га кириш учун ПБ даги ФБ нинг пиктограммасида сичконча тугмачаси 2 марта босилади. Одатда унинг пиктограммаси ПБ дарчасининг MAIN гуруҳида жойлашади.
- ФБ дан чиқиш учун дарча сарлавҳасидан чапдаги ▭ тугмаси 2 марта босилади.

Ёрдамчи кўрсатма олиш учун Help пунктини танлашингиз ёки [F1] тугмачасини босишингиз зарур.

Файллар бошқарувчисининг дарчаси

ФБ га киргандан кейин экранда қуйидаги расм ҳосил бўлади (расм 4.7).

4.7 — расм

Дарчанинг юқори қисмида сарлавҳа сатри, кейинги сатрда меню сатри жойлашади.

Дарчанинг ички қисмида бир ёки бир неча панел булиши мумкин. Бу панелларда дискдаги каталоглар дарахти, файллар ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Дарчанинг пастки қисмида ҳолат сатрида чапдан - ажратилган файллар ёки дискдаги буш жой ҳақидаги маълумот, ўнгдан — жорий каталог, файллар, уларнинг ҳажми ҳақидаги маълумот берилади.

Файллар бошқарувчисининг панеллари

ФБ панеллари диск ва каталог ҳақидаги маълумотларга эга. Панелларни дарчалар каби жойини алмаштириш ёки улчамини узгартириш мумкин.

Панелнинг юқори қисмида сарлавха, диск пиктограммалари сатри жойлашади. Сичқонча тугмачаси пиктограммада босилиши жорий дискнинг руйхатини панелга чиқаради.

Панель 2 кисмга булинади. Чапда жорий дискнинг каталоглар дарахти тасвирланади. Ўнгда жорий каталог файллар руйхати тасвирланади.

- WINDOWS бир пайтнинг ўзида зарур бир неча панелни очиш имкониятига эга.
- Панелда дискнинг руйхатини очиш учун сичқонча тугмасини панелдаги дискнинг пиктограммасида 2 марта босиш керак.
- Панелни ёпиш учун системали меню белгисида сичқонча тугмасини 2 марта босинг ёки [Ctrl]+[F4] ни киритинг.
- Бошқа панелга ўтиш учун шу панелнинг ихтиёрий жойида сичқонча тугмасини ёки [Ctrl]+[F6] ни экранда керакли панел ҳосил булгунча босинг.

Панелни булувчи чизиқни ҳам суриш мумкин. Бунинг учун сичқонча белгисини чегарада жойлаштириб, сичқончанинг чап тугмасини босган ҳолда чизиқни керакли жойга утказинг.

Файл белгилари

ФБ панелида файллар ҳақида маълумот чиқарилганда ҳар бир файлнинг белгиси булади. Уларнинг маъноси қуйидагича.

— Жорий каталогнинг каталог ости. Руйхатнинг бошида алифбо тартибида каталоглар ва кейин файллар келтирилади. Сичқонча тугмаси белгида 2 марта босилса, каталог ости ҳақидаги маълумот берилади.

— Жорий каталогнинг туб каталоги. Рўйхатнинг бошида келтирилади. Сичконча тугмаси белгида 2 марта босилганда, панелда туб каталог ҳакидаги маълумот ҳосил бўлади.

— Бирор программани ишга туширувчи бажарилувчи файл. Бу EXE, COM, BAT ва PIF кенгайтгичли файллар. Сичкон тугмасини ушбу белгида 2 марта босилиши натижасида программа ишга туширилади.

— Бирор программа томонидан ишланувчи файл. Унда сичқонча тугмасини 2 марта босилиши мос программани ишга туширади.

— "Системали" ёки "бекитилган" атрибутли махсус файл.

— Одатдаги, бажарилиши мумкин бўлмаган ва химоясиз файл.

Файлларни ажратиш

NORTON COMMANDER каби ФБ ҳам панелдаги файллар ва каталогларни нусхасини кўчириш, жойини ўзгартириш, ўчириш имкониятига эга.

Бунинг учун аввал уларни ажратиш зарур.

- Битта файлни ажратиш учун файл белгисида сичконча тугмаси бир марта босилади. Клавиатурадаги йуналиш тугмачаларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Бир неча файлни ажратиш қуйидагича бажарилади.

- Аввал биринчи файлни белгилаб, кейин [Ctrl] ни босган холда кетма — кет қолган файлларда сичқонча тугмасини босинг.
- Кетма — кет жойлашган файллар гуруҳини белгилаш учун аввал гурухнинг биринчи файлини белгилаб, кейин [Shift] ни босган ҳолда гурухнинг охирги файлини белгиланг.
- Ажратилган файлларга панелда кетма — кет жойлашган файллар гуруҳини қўшиш учун [Ctrl] ни босган ҳолда гурухнинг биринчи файлида сичконча тугмаси босилади. Кейин [Shift] ҳам босилиб, охирги файл белгиланади.
- Каталогнинг барча файлларини белгилаш учун [Ctrl]+[/] тугмачалари босилади.
- Ажратишни бекор қилиш учун [Ctrl] ни босган ҳолда, сичқонча тугмаси файл номида босилади.

- Файллар гуруҳи белгиланишини бекор қилиш учун файллар рўйхати бошидаги белгида сичқонча тугмаси босилади.

Файллар нусхасини кўчириб ўтиш

Файл ёки файллар гуруҳи нусхасини кўчириш қуйидагича бажарилади.

- [Ctrl] ни босган ҳолда нусхаси кўчирилаётган файлда сичқонча чап туғмасини босинг ва сичқонча белгисини кўчириш жойига келтириб, сичқонча тугмаси ва [Ctrl] ни қўйиб юборинг.

Файлни кўчираётганингизда сичқонча белгисига [+] белгиси қўшилади. Агар бир неча файл кўчирилаётган бўлса, [+] белгиси ҳосил бўлади. Бу амалнинг тўғри бажарилаётганини тасдиқлайди. "+" белгиси нусха кўчирилаётганлигини англатади. Нусха кўчирилаётганда экранда қуйидаги савол ҳосил бўлади (расм 4.8).



4.8 — расм

- Агар файл кўчирилаётган каталог номи тўғри бўлса, "Yes" ни танланг.
- Амални бекор қилиш учун "No" ёки [Esc] ни босинг.
- Файл нусхасини ФБ нинг COPY командаси ёрдамида кўчиришингиз мумкин. Бунда экранда ҳосил бўлган (4.9.-расм.) саволнинг "TO" майдонида файл нусхаси кўчириладиган каталог номи кўрсатилади ва OK танланади.



4.9 — расм

- Агар каталогда нусхаси кучирилаётган файл номи бўлса, бу ҳақида Сизни ФБ огоҳлантиради.

Файлларни кўчириб ўтиш

Файлларни кучириш нусха кучириб ўтиш амали каби бажарилади. Фақатгина бунда [Ctrl] тугмачасини босмаслик керак. Бунда сичқонча белгисига ☐ белгиси қушилади. Бу битта файл учун. Файллар гуруҳи учун ⧉.

Ёки файлларни ажратиб, [F7] тугмачаси босилади.

Менюдаги MOVE командасидан фойдаланса ҳам бўлади.

Экранда ҳосил бўлган саволнинг (расм 4.10) "To" майдонида файл кучириладиган каталог номини курсатиб, OK ни танлаш зарур.



4.10 — расм

Файлларни ўчириш

- Файлни ёки файллар гуруҳини ўчириш учун уларни белгилаб, [Del] тугмачаси босилади. Экранда қуйидаги савол ҳосил бўлади (расм 4.11).



4.11 — расм

Тасдиқ учун "Yes" ни, ўчиришни бекор қилиш учун "No" ни ва барча файлларни ўчиришни бекор қилиш учун "Cancel" ни, бу ва қолган файлларни ўчириш учун "Yes to All" ни танланг.

Файлни қайта номлаш

Файл ёки файллар гурухини қайта номлаш учун ФБ даги FILE да RENAME командасини танланг. Суралаётган саволга жавобан "To" майдонида файлнинг янги номини киритиб OK ни босинг (расм 4.12).



4.12 — расм

Файл атрибутларини ўзгартириш

- Файл ёки файллар гурухи атрибутларини ўзгартириш учун уларни ажратиб, [Alt]+[Enter] босилади.
- Ёки ФБ даги FILE да PROPERTIES командасидан фойдаланилади. Натижада экранда қуйидаги савол ҳосил бўлади (расм 4.13).



4.13 — расм

- Бунда, ☒ белгиси билан ўрнатилган, ☐ белгиси билан ўрнатилмаган атрибутлар белгиланган.

  Файлларнинг қуйидаги атрибутлари мавжуд:

  Read only — фақат ўқиш мумкин;
  Archive — архивланган;
  Hidden — бекитилган;
  System — системали.

- Атрибутларни ўзгартириш учун сичконча тугмаси мос атрибутларда босилади ва OK танланади.

WINDOWSда каталоглар

WINDOWSнинг камчиликларидан бири унинг каталоглар дарахтини тўлиқ курсатмаслигидир. Бунинг сабаби унинг маълумотни NORTON COMMANDERдагидек файлда сақламаслигидадир. У маълумотни дискни укиш йўли билан беради.

- Агар ФБ даги Tree да Indicate Expandable Branches режимини танласангиз, каталоглар ҳакида куйидагича маълумот оласиз.

 — каталог очилиши мумкин бўлган каталогларга эга;

 — каталог бекитилган каталогларга эга;

 — каталог каталогларга эга эмас.

- Каталог дарахтини экранга чикариш учун керакли каталог номида сичқонча тугмаси босилади. Варақлаш учун айлантириш чизғичидан фойдаланилади.
- Каталогни тез топиш учун каталог номи биринчи ҳарфи киритилади. Ҳарфни қайта боссангиз, шу ҳарф билан бошланувчи барча каталоглар руйхати ҳосил бўлади.
- Каталогни очиш учун, каталог номида сичқонча тугмаси босилади. Такрорий амал каталогни бекитади.

Каталог ташкил этиш

Каталог ташкил этиш тартиби қуйидагича.

- Янги каталог ташкил этмоқчи бўлган каталогга киринг.
- FILE менюсида CREATE DIRECTORY командасини танланг. Натижада экранда мулоқот дарчаси ҳосил бўлади (расм 4.14).



4.14 — расм

- Саволга жавобан каталог номини клавиатурадан териб, OK ни танланг.

Каталог ташкил этилгандан кейин унга MOVE ёки COPY коман-

далари ёрдамида файл ва каталогларни кучиришингиз мумкин.

Каталогларнинг нусхасини кўчириб ўтиш, қайта номлаш ва ўчириш

- Каталогларни нусхасини кучириш, кайта номлаш, кучириб утиш ва учириш файллар учун бажарилган тартибда бажарилади.

Каталог ўчирилаётганда ФБ Сиздан каталогдаги файлларни ўчиришга рухсат сўрайди.

Бошқа дискга ўтиш

- Бошка дискга утиш учун панелнинг юқори кисмида керакли диск пиктограммасида сичқонча тугмаси босилади. Агарда [Shift] ни хам боссангиз, панелда дискдаги каталогларнинг тулиқ дарахти хосил булади.
- Дарахтни тулик куриш учун [*] тугмачаси босилади.
- Туб каталогга кайтиш учун [Home]+[*] босилади.

Файлларни топиш

Файлни тез топиш учун ФБ даги FILE менюсида SEARCH пункти танланади. Натижада экранда савол хосил булади (расм 4.15).



4.15 — расм

- SEARCH FOR майдонида кидиралаётган файл номини киритинг.
- START FROM майдонида каталог номини киритинг ва OK ни танланг.
- Натижа экранда SEARCH REZULTS сарлавхали дарчада хосил булади. Бу файллар билан одатдаги дарчада ишлагандек ишлаш мумкин. Бу дарчани ёпиш учун системали меню белгисида сичқонча тугмаси 2 марта босилади.

Дискеталар билан ишлаш

ФБ нинг DISK менюси ёрдамида дискета устида қуйидаги амалларни бажариш мумкин.

- Дискетани нусхасини олиш учун дискетани дискка ўрнатиб COPY DISK командаси танланади. Экранда ҳосил бўлган саволга жавобан кучириш манзили кўрсатилади.
- Дискетани форматлаш учун FORMAT DISK менюсидан фойдаланилади. Саволга жавобан диск номи, дискета ҳажми, зарур бўлса белги ва форматлаш режими киритилади.
- MAKE SYSTEM DISK командаси системали дискетани хосил қилади.
- LABEL DISK жорий диск белгисини ўрнатади. Белги 11 тагача символга эга бўлиши мумкин.

Ҳужжатлар билан ишлаш
Ҳужжат ҳосил қилиш

Ҳужжатни ҳосил қилиш учун қуйидаги амаллар кетма — кетлигини бажариш лозим.

- FILE менюсидан OPEN командасини танланг.
- DIRECTORIES — каталоглар рўйхатига ўтинг.
- Файл жойлашган каталогни очиш учун, каталог номида сичқонча тугмасини 2 марта босинг. Ёки уни [↑], [↓] тугмачалари ёрдамида танлаб, [Enter] ни босинг. Натижада WINDOWS каталогнинг файллар рўйхатини чиқаради.
- FILE менюсига ўтиб керакли файлни танланг. Файл номида сичқонча тугмасини 2 марта босинг.

Ҳужжатни хотирада сақлаш

Файлни хотирада сақлаш учун FILE менюсида қуйидаги командалардан бири танланади:

Save — мавжуд бўлган файлни хотирага ёзиш учун;
Save as — янги файлни хотирага ёзиш ёки қайта номлаш учун.

Матн билан ишлаш

- Матнни киритиш учун клавиатурадан фойдаланилади.
- Янги матнни киритиш учун уни кирита бошлайсиз. Кейинги

сатрга утиш учун [Enter] дан, сатр бўйлаб чапдан ўнгга утиш учун [Space] дан фойдаланасиз.

- Мавжуд хужжатга матнни киритиш учун сичқонча тугмаси матн киритилиши зарур булган жойда босилади ва матн клавиатурадан киритилади.

Матн бўйлаб курсорнинг ҳаракатланиши

Матн киритилгандан кейин курсорни ихтиёрий жойга харакатлантириш мумкин.

Бунинг учун қуйидагилардан фойдаланилади (Жадвал 4.3).

4.3 - Жадвал

Харакатланиши учун	Босилиши зарур бўлган тугмача	Ҳаракатланиши учун	Босилиши зарур бўлган тугмача
Кейинги сатрга	↓	Олдинги дарчага	[Page Up]
Олдинги сатрга	↑	Олдинги сўзга	[Ctrl]+[←]
Сатрнинг охирига	End	Кейинги сўзга	[Ctrl] +[→]
Сатрнинг бошига	Home	Ҳужжат бошига	[Ctrl]+[Home]
Кейинги дарчага	[Page Down]	Ҳужжат охирига	[Ctrl]+[End]

Хатоларни тўғрилаш қуйидагича амалга оширилади (Жадвал 4.4).

4.4 - Жадвал

Тўғрилаш учун	Бажаринг
Курсордан чапдаги белгини ўчириш учун	[Backspace] ни босинг
Курсордан ўнгдаги белгини ўчириш учун	[Delete] ни босинг

Матнни белгилаш

Матнни белгилаш тартиби қуйидагича.

- Курсорни белгиланиши зарур бўлган матннинг бошига келтиринг.
- Сичқонча тугмасини босган ҳолда, курсорни белгиланиши зарур булган матннинг охирига келтиринг.
- Сичқонча тугмасини қўйиб юборинг.

Белгилашни бекор қилиш учун сичқонча тугмасини матннинг ихтиёрий бошқа жойида босинг.

Ёки клавиатура ёрдамида:

- Белгиланиши зарур бўлган матннинг биринчи сатрига курсорни келтиринг.
- [Shift] тугмачасини босган холда йўналиш тугмачаларини матннинг охирги белгисигача босинг.
- Босилган тугмачаларни қўйиб юборинг.

Белгилашни бекор қилиш учун ихтиёрий йўналиш тугмачасини босинг.

Бунда қуйидаги амалларни бажариш мумкин (Жадвал4.5).

4.5 - Жадвал

Амал мазмуни	Тугмачани босинг
Белгилашни кейинги сатрга кенгайтириш учун ёки кейинги сатр белгиланган бўлса, белгилашни бекор қилиш учун.	[Shift]+[↓]
Белгилашни олдинги сатрга кенгайтириш ёки олдинги сатр белгиланган бўлса, белгилашни бекор қилиш учун.	[Shift]+[↑]
Белгилашни сатр охиригача кенгайтириш учун.	[Shift]+[End]
Белгилашни сатр бошигача кенгайтириш учун.	[Shift]+[Home]
Белгилашни кейинги дарчага ёпиш ёки кейинги дарча белгиланган бўлса, белгилашни бекор қилиш учун.	[Shift]+[Page Dn]
Белгилашни юқорига олдинги дарчага кенгайтириш ёки юқоридаги дарча белгиланган бўлса, белгилашни бекор қилиш учун.	[Shift]+[Page Up]
Белгилашни кейинги сўзга кенгайтириш ёки кейинги сўз белгиланган бўлса, белгилашни бекор қилиш учун.	[Ctrl]+[Shift]+[→]
Белгилашни олдинги сўзга давом эттириш учун ёки олдинги сўз белгиланган бўлса, белгилашни бекор қилиш учун.	[Ctrl]+[Shift]+[←]
Белгилашни ҳужжат охиригача кенгайтириш учун.	[Ctrl]+[Shift]+[End]

Белгиланган матнни таҳрирлаш

Белгиланган матнни тахрирлаш тартиби қуйида келтирилган (Жадвал 4.6).

Чоп этишни ташкил қилиш Шрифтлар билан ишлаш

WINDOWS ихтиёрий шрифтни таъминлаш ва деярли барча принтерлар билан ишлаш имкониятига эга.

WINDOWS маълумотни принтерда чоп этиш жараёнида принтер билан эмас, балки махсус график қурилмалар интерфейси функцияларидан фойдаланади.

Бунда принтерга чоп этилиши зарур бўлган маълумот хакидаги ахборот узатилади. Принтер драйвери бу маълумотни принтерга мослаштириб, мос портга юборади.

PRINT MANAGER (ПрБ) чоп этиш командасини дискдаги файлга ёзади, кейин командани принтерга узатади.

4.6 - Жадвал

Амал мазмуни	Бажаринг
Белгиланган матнни ўчириш ва буферга жойлаш	[Shift]+[Delete] (Ёки Edit менюсида Cut ни танланг)
Белгиланган матнни нусхасини олиш ва буферга жойлаш	[Ctrl]+[Insert] (ёки Edit менюсида Copy ни танланг)
Белгиланган матнни янгисига алмаштириш	Янги матнни киритинг
Матнни ўчириш (умуман)	[Delete] ёки [Backspace]
Охирги таҳрирни бекор қилиш	[Alt]+[Backspace] (Ёки Edit менюсида Undo ни танланг)
Матнни буфердан жорий дарчага қўйиш	[Shift]+[Insert] (Ёки Edit менюсидаги Paste дан фойдаланинг)

Принтерни боғлаш

WINDOWSда чоп этиш бажарилиши учун принтер драйверига командаларни юбориш манзилини кўрсатиш зарур. Бу жараён принтерни боғлаш жараёни хисобланади. Одатда принтер LPT1 портига уланади.

Портни кўрсатиш учун ФБнинг MAIN гурухидаги CONTROL PANELда сичқонча тугмаси 2 марта босилади. Унда PRINTERS пиктограммасига кирилади. INSTALLED PRINTERS майдонида драйверлар ва уларга мос портлар кўрсатилади.

Уларни ўзгартириш учун сичқонча тугмаси босилади. Кейин CONNECT командаси танланади.

Компьютердан портга чоп этиш учун PORTS руйхатида принтер боғланган портни танлаш лозим. Бунда қуйидагилардан бирини танлаш мумкин:

Local — компьютерга уланган принтер учун;

Network — тармоққа уланган принтер учун;

Not Present — портдан фойдаланиб бўлмайди.

Чоп этишни файлга бажариш учун PORTS руйхатида FILE менюсини танлаш зарур. Бу холда чоп этишдан аввал файл номи суралади.

Принтер драйвери параметрларини ўрнатиш

Чоп этиш параметрларини киритиш учун CONTROL PANEL ва PRINTERS даги SETUP пунктида сичконча тугмаси босилади.

Натижада экранда принтер драйвери параметрлари суралади. Игнали принтерлар параметрлар тавсифи куйидагича.

Resolution — Принтер чоп этишининг график имконияти. Бу имконият ошиши билан чоп этиш сифати ошади, лекин чоп этиш тезлиги сусаяди.

Paper Size — Варакнинг ўлчамини танлайди.

Paper Source — Қоғоз узатилиш тури аникланади.

Orientation — Варакка нисбатан матнни жойлашиш тартиби аникланади:

Portrait — коғознинг тор томони буйлаб чоп этиш;
Landscape — коғознинг кенг томони бўйлаб чоп этиш;
Options — кўшимча параметрларни танлаш.

Бунда куйидагиларни ўрнатиш мумкин.

Dithering — Рангли тасвирларни ок-кора принтерга узатиш усулини аниқлайди. Бунда, яхшиси FINE ни танланг.

Intensity Control — Чоп этиш даражасини аниқлайди (оч, тўк).

Print Quality — Чоп этиш сифатини аниқлайди.

Лазерли принтерлар игнали принтерга нисбатан кўпроқ имкониятга эга. Бу — бир неча нусха олиш, кўпроқ оператив хотирага эгалиги, шрифтларни юклаш кабилардир.

Принтер бошқарувчиси билан ишлаш

WINDOWS бир пайтнинг ўзида ишлаш билан биргаликда чоп этиш имконини беради. Буни ПрБ амалга оширади. ПрБ WINDOWS га боғланган принтерларнинг ихтиёрий сони билан ишлайди ва чоп этишни бошқаради.

ПрБ ишлаши учун CONTROL PANEL даги PRINTERS да USE PRINT MANAGER ишга туширилади.

Чоп этишга юборилган топшириқлар кетма-кетлигини кўриш учун ПБнинг ПрБ пиктограммасида сичқонча тугмаси 2 марта босилади.

WINDOWS шрифтлари

- WINDOWS да хилма хил шрифтлар билан ишлаш мумкин.
- WINDOWS қуйидаги шрифтларга эга.

Чизиладиган — Экранга маълумотлар ва менюни чиқариш учун ишлатилади. Бу:

MS Sans Serif — силлиқ шрифт;
MS Serif — силлиқ булмаган шрифт;
Courier — инглиз босма машинкаси шрифти.

Масштабли шрифтлар — Маълумотни экранга чиказиш ва чоп этиш учун ишлатилади. Бу:

Arial — силлиқ булмаган шрифт;
Times New Roman — силлиқ шрифт;
Courier New — инглиз босма машинкаси шрифти;
Symbol — математик белгилар ва юнонча харфли шрифт.

WINDOWSда янги шрифтни киритиш учун ФБ MAINнининг CONTROL PANELида сичқонча тугмасини 2 марта босинг. Экранда INSTALLED FONTS майдонида шрифтлар руйхати хосил булади. Керакли шрифтни танлаб, SAMPLE сатрида унинг шаклини кўришингиз мумкин.

WINDOWSни ўрнатиш

WINDOWSни ўрнатишнинг хилма — хил усуллари мавжуд.

Бунинг учун WINDOWSнинг CONTROL PANEL (КП)идан фойдаланган қулай.

КПни чиқариш учун ФБда MAIN гурухидаги КП пиктограммасини ишга тушириш етарли.

Экранда КПнинг дарчаси (расм 4.16) хосил булади.



4.16 — расм

Бу дарча турли пиктограммалардан ташкил топади.

Бу пиктограммаларни ихтиёрийсига кириш учун мос пиктограммада сичқонча тугмасини 2 марта босиш зарур. КП қуйидаги пиктограммаларга эга.

Color — Экраннинг рангини ўзгартиради.

Fonts — Шрифтларни ўрнатади ёки учиради.

Ports — COM1-COM4 портларининг тавсифини келтиради.

Mouse — Сичқонча белгисининг ҳаракатланиш тезлигини бошқаради.

Desktop — WINDOWS экранининг параметрларини киритади.

Keyboard — Клавиатура параметрларини курсатади.

International — Кун ва вақт, пул кабиларнинг киритилиш форматларини ўрнатади.

Date/time — Жорий кун ва вақтни киритади.

Network — Тармоққа боғланишни таъминлайди.

Sound — Товуш сигналларини бошқаради.

Айрим программалар КП га қўшимча пиктограммаларни қўшади.

Экраннинг рангини ўрнатиш

Экраннинг рангини хоҳлаганча ўзгартириш мумкин. Бунинг учун COLOR пиктограммасига кирилади (расм 4.17)..

Экран рангини ўзгартириш учун COLOR SHEMES рўйхати очилади.



4.17 — расм



4.18 — расм

Руйхатдан хохлаган рангингизни танлашингиз мумкин (расм. 4.18). Бунинг учун сичқонча тугмасини танлаган рангингизда босиб, OK ни босишингиз зарур.

Портлар параметрларини ўрнатиш

COM1 — COM4 портнинг параметрларини урнатиш учун Ports пиктограммасини чақириш зарур (расм 4.19).



4.19 — расм



4.20 — расм

- Қуйидаги параметрларни узгартиришингиз мумкин (расм 4.20):

  baud rate — маълумотларни узатиш тезлиги;

  data bits — берилганларнинг бит сони;

  stop bits — тухташ бит сони;

  parity — токлик режими;

  Flow control — келишиш режими.

Миллий стандартларни ўрнатиш

КПнинг International пиктограммаси куйидаги стандартларни узгартириш имконига эга: вакт, кун, пул, узунлик улчов бирлигини чиқариш форматлари. Сичқонча тугмаси пиктограммада 2 марта босилгандан кейин куйидаги саволлар хосил бўлади (расм 4.21):

Country — мамлакат;

Language — мулоқот тили;

Kevboard Layout —"US" ни танлаш лозим;

Measurement — инглиз ёки метрик узунлик улчов бирлиги;

List Sepatator — сўз ва элементлар ажратувчиси (масалан ", "вергул);

Date Format — кун формати;

Curency Format — пул формати.

жойлашади. Қуйида баъзи бир ёрдамчи программаларнинг кискача тафсифини келтирамиз.

4.23 — расм

Paintbrush. Расм чизади ёки уни тахрирлайди. Уларни. BMP ва .PCX кенгайтгичли графикли файлларда саклайди. Бу программа унчалик кўп имкониятга эга эмас, шунинг учун у фақат кичикроқ файллар билан ишлаши мумкин.

Write. Ҳужжатни тайёрлайди ва принтерда чиқаради. Турли шрифтларга эга. Абзац чегараларини урнатиш, абзацни форматлаш, белгиларни топиш ва алмаштириш имкониятига эга. Мукаммал хужжатларни тайёрлаш учун WORD FOR WINDOWSдан фойдаланган максадга мувофик.

Terminal. Телефон тармоги оркали бошқа компьютер билан алоқани урнатади. Телефон китобчаси йуклиги сабабли, рақамлар қулда киритилади. Яхши мукаммал алока учун PROCOMM PLUS FOR WINDOWS дан фойдаланган маъкул.

Clock. Экранга соат тасвирини чиқаради. Натижада жорий вақтни билиш мумкин. "Always en Top" режимини танласангиз, соат дарчалардан юқорида ҳар доим булади. Агар WINCLOCK программасидан фойдалансангиз, жорий вақт актив дарча сарлавхасида чикарилади.

Calculator. Мураккаб булмаган ҳисобларни бажаради. Программа чакирилганда экранда калькулятор ҳосил булади. Сичконча тугмасини босилганда ёки мос сонни клавиатурадан терилиб ҳисоб режими танланади: "Standard" ёки "Scientific". Иккинчи режим логарифмик, тригонометрик функцияларни, урта қиймат кабиларни ҳам ҳисоблайди. Ҳисоб натижаларини CLIPBOARDга [Ctrl]+[C] ни босиш ёрдамида узатилади.

Calendar. Иш вақтини планлаштиради. Программа ишлаганда Сизни зарур ишлар ҳақида сигнал ёки ахборотни экранга чикариш йўли билан огоҳ қилади. Иш жадвалини қоғозга принтерда чиқариш мумкин.

Cardfile. Маълумотлар файллари билан ишлаши мумкин бўлган энг содда маълумотлар базасидир. Бунда маълумотлар файли иккита ёзувга эга: сарлавҳа ва маълумотлар майдони. Маълумотларни кетма-кет битталаб ёки жадвал шаклида кўриш мумкин. Маълумотлар алифбо тартибида келтирилади.

NotePad. Матнли файллар учун таҳрирлагич. Таҳрирлашнинг оддий амалларинигина бажаради. Бу белгини кўйиш, учириш, белгини кидириш ва хотирага олиш кабилардир.

Sound Recorder. Товушли файлларни ёзиш ва ижро этиш кобилиятига эга. Бу фақатгина махсус товуш картаси, микрофон ва калонкалар бўлгандагина амалга оширилади.

5

ҚИСМ

Матнларни таҳрирлаш

Шахсий компьютернинг ҳар бир фойдаланувчисида турли ҳужжат ва матнларни тайёрлаш зарурияти туғилади. Шахсий компьютерларнинг бу ишга жалб қилиниши фойдаланувчи учун кўпгина қулайликлар яратди ва ҳужжатларнинг сифатини оширди. Фойдаланувчи ҳужжатни киритиб, хоҳлаганча уни экранда ўзгартириб, макетини ҳосил қилади. Принтер бу макетнинг чиройли, сифатли нусхасини қогозга кучириб беради. Бу қулайликларни матн таҳрирлагичлари деб аталувчи махсус программалар беради. Бу программалар имкониятларига қараб, қуйидаги турларга бўлинади.

- Матн таҳрирлагичлари
- Ҳужжат таҳрирлагичлари
- Матбуот системалари

Матн таҳрирлагичлари программа матнларини киритиш, ўзгартириш, кўчириш, нусхасини қогозга кўчириш каби имкониятларга эга. Улар программалаш системалари таркибида булади. Бунга Turbo C, Turbo Pascal кабилар мисол бўла олади.

Ҳужжат таҳрирлагичлари ҳужжатларни таҳрирлаш, турли шрифтлардан фойдаланиш, сатрлар орасидаги интервални ўрнатиш,

саҳифалаш, формулаларни ёзиш, жадвал, диаграммаларни ташкил қилиш ва ҳоказо имкониятларга эга. Бу таҳрирлагичларга Лексикон, Chiwriter, WD, Microsoft Word ва ҳоказолар мисол бўла олади.

Айниқса матбуот системалари нашриётчилар меҳнатини машаққатли, зарарли жараёнларидан ҳалос қилиш билан бирга нашриёт маҳсулотлари сифатини оширди. Бу системалар асосида журналлар, китоблар, турли проспектларнинг юқори сифатли макетларини тайёрлаш мумкин.

- Кичик ҳажмдаги нашр материаллари учун Aldus Page Maker системасидан, катта ҳажмдаги материаллар (китоб ва журналлар) учун Corol Ventura системаларидан фойдаланган қулайрок.

Қуйида биз республикамизда кенг таркалган русча ва лотинча матнлар билан ишлайдиган, урганиш мураккаб булмаган Лексикон 1.3 таҳрирлагичи тавсифини келтирамиз.

Лексикон-Ўзбекистон таҳрирлагичи узбекча матнлар билан хам ишлаш имконига эга.

Лексикон таҳрирлагичи имкониятлари

Лексикон таҳрирлагичи турли матн ва ҳужжатларни тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Лексикон таҳрирлагичи қуйидаги имкониятларга эга.

- Матнни киритиш ва таҳрирлаш.
- Матнни саҳифалаш, игнали ва лазерли принтерларда чоп этиш.
- Абзац ва матнни форматлаш.
- Юқори ва пастки индексларни, математик белгиларни ва грек алифбосини киритиш.
- Матн қисмларини кучириш, белгиланган қисмни форматлаш, учириш ёки шрифтини ўзгартириш.
- Бир пайтнинг узида бир неча чекланмаган узунликдаги матнлар билан ишлаш.
- Сўзларни кидириш ва алмаштириш.
- Матн мундарижасини тузиш.
- Жадвалларни шакллантириш.
- Чоп этиш натижасини экранда куриш.
- Матн имлосини текшириш.
- Матнни кўрсатилган вактдан сўнг хотирага ёзиб куйиш.

Лексикон доирасига кириш ва ундан чиқиш

Лексикон таҳрирлагичи доирасига кириш учун

Lexicon. exe

программасини ишга тушириш керак.

Ёки DOS нинг командалар сатрида

Lexicon

терилади.

Натижада экранда таҳрирлагич доираси тасвири ҳосил булади. (расм 5.1).

- Агар ҳужжат матни дискда бўлса, у ҳолда таҳрирлагични чақириш учун қуйидаги командани киритган маъқул:

  Lexicon *файлнинг номи*

  Натижада курсатилган файлнинг матни экранда ҳосил булади.

Бунда, биринчи икки сатр асосий меню сатри ва учинчи сатр ҳолат сатри ҳисобланади. Экраннинг асосий қисмини иш майдони эгаллайди. Унда таҳрирланаётган матн жойлашади.

5.1. — расм

Таҳрирлагич ҳолатини белгиловчи сатр қуйидагиларни ифодаловчи қисмлардан иборат:

ДОК ёки **Текст** —"Ҳужжат" ёки "Матн" режимлари;
РАВ — абзацнинг ўнг чегарасини текислаш режими;
ЗАМ ёки **ВСТ** — алмашлаш ёки суриш режими;
Пер — кучириш режими, акс ҳолда сўзлар бутунлигича кейинги сатрга ўтади;
ШРО — жорий шрифтнинг рақами.

Кейинги қисмда файл номи, файл сатрлари сони, жорий сатр ва устун тартиб рақами, жорий белги шрифтининг рақами келтирилади. Охирги қисмларида клавиатуранинг "Рус"— русча, "Lat"— лотинча ва "***"— ташқи драйвер режимлари, ҳамда жорий кун ва вақт кўрсатилади.

Таҳрирлагичдан чиқиш учун [F10] тугмачаси ёрдамида менюга кирилади ва "Выход" пункти танланиб, [Enter] босилади.

Агар экрандаги матн ўзгартирилмаган бўлса, таҳрирлагич доирасидан чиқасиз. Акс ҳолда, экраннинг юқори сатрида

"В окне не сохраненный текст"
(Дарчада сақланмаган матн бор)

деган ёзув ҳосил булади. Таҳрирлагич Сизга қуйидаги тугмачалардан фойдаланишни таклиф қилади:

Enter — матнни ёзиш учун;
ESC — матнни ёзмасдан чиқиш учун;
Пробел — таҳрирлагичда қолиш учун.

Лексикон менюси

Лексикон менюси матн устида турли амалларни бажариш имконини беради. Менюнинг биринчи сатрида курсатма, ҳамда дарча рақамлари келтирилган. Жорий дарча ажралиб туради. Кейинги сатрда меню пунктлари келтирилган. Унга кириш учун [F10], чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилади. Менюнинг бирор пунктига кириш учун [Enter] тугмачаси босилади. Ҳар бир меню ўзининг менюсига эга.

Асосий меню пунктлари тавсифи қуйидагича.

Текст (Матн) — Матн устида ёзиш, уқиш, ўчириш, босиш, ҳамда муҳаррир конфигурациясини ўзгартириш, макрокомандаларни ташкил қилиш имкониятларини беради.
Лексика (Имло) — Имлони текширади.
Абзац — Абзац чегараларини киритиш, форматлаш, бўғинлаб кучиришни рухсат этиш ёки тақиқлаш, сатрнинг ўнг чегарасини текислаш имкониятларини беради.
Фрагмент (Қисм) — Матн қисмларини ажратиш, олиш, кучириш, ажратишни бекор қилиш каби амалларни бажаради.
Страницы (Саҳифалар) — Матнни саҳифалаш, сатрлар орасидаги интерваллaрни, саҳифалар баландлигини, саҳифаларнинг бошланғич тартиб рақамини ўрнатиш, саҳифалашни ўчириш каби имкониятларга эга.
Найти (Топиш) — Курсатилган белги ёки сатрни топади.
Заменить (Ўзгартириш) — Курсатилган сатрни бошқасига узгартиради.
Метка (Белги) — Зарур ҳолда ўтиш керак бўлган жойни белгилайди.
Прыг (Белгига ўтиш)— Белги пунктида курсатилган жойга курсорни ўтказади.
Шрифт — Матн жорий шрифтини танлайди.
ДОС — Вақтинча ДОС га қайтишни таъминлайди.
Выход (Чиқиш) — Лексикондан чиқиш, MS DOS га қайтишни таъминлайди.

Менюнинг "Текст" пунктини танласак, экраннинг иккинчи сатрида қуйидаги ост меню ҳосил бўлади:

Сохранить	Загрузить	Очистить	Переписать	Конфигурация	Макро	Печать
(ёзиш)	*(чақириш)*	*(ўчириш)*	*(қайта ёзиш)*			*(чоп этиш)*

Бунда:

Сохранить — Экрандаги матнни дискдаги файлга ёзади. Команда киритилганда экраннинг биринчи сатрида файлнинг номини киритинг деган ёзув ҳосил бўлади. Файлнинг керакли номини киритиб (зарур бўлса йўлни тўлиқ курсатинг), [Enter] тугмачаси босилади. Агарда матн ўзгартирилмаган бўлса, "Матн ўзгартирилмади, ёзиш зарурияти йўқ" деган хабар берилади, бунга жавобан ихтиёрий тугмача босилади.
Загрузить — Матнни дискдаги файлдан чақирувчи команда. Файлнинг номини киритинг саволига керакли файлнинг номи киритилиб, [Enter] тугмачаси босилади. Агарда янги матнни киритмоқчи бўлсангиз, уни таҳрирлагич чақирилгандан сўнг киритишингиз мумкин.
Очистить — Шахсий компьютер оператив хотирасидан матнни ўчиради.

Агар матнни дискга ёзмаган бўлсангиз, бу командадан кейин уни ўчирасиз.

Переписать — Матн нусхасини ҳосил килади.
Конфигурация — Лексикон таҳрирлагичининг параметрларини ўрнатувчи команда. Команда киритилгандан сўнг иккинчи сатрда қуйидаги ост меню ҳосил бўлади:

Окно	Английский	Табуляция	Сохранить	Загрузить	Авто	Период	Откат
(дарча)	*(инглизча)*	*(устунлаш)*	*(ёзиш)*	*(чақириш)*		*(вақт)*	

Бунда:

Окно — Бу команда экранда ёрдамчи дарча ҳосил килади. Дарчанинг улчами 22 сатр 80 белгидан ошмаслиги ва 1 сатр ва 1 белгидан кам бўлмаслиги керак.
Английский — Таҳрирлагич хабарлари инглиз ёки рус тилида чиқишини таъминловчи команда.
Табуляция — Бу команда жадвал устунлари жойларини курсатади. Бу жадвални чизишда ишлатилади. Керакли жойлар "!" белгиси билан курсатилади.
Сохранить — Бу команда ўрнатилган конфигурацияни Param.lex файлига ёзиб қўяди.
Загрузить — Таҳрирлагичнинг конфигурацияли файли курсатилади.
Авто — Барча дарчалардаги матнлар "Да" ҳолда дархол дискга ёзилади, акс ҳолда ёзилмайди.
Период — Матнни хотирага неча дақиқадан (минутдан) кейин ёзиш муддати ўрнатилади.
Откат — Дарча сиғими Кбайтда курсатилади.

Макро — Таҳрирлагичнинг макрокомандаларини ҳосил қилувчи команда. Макрокоманда бу ҳарфли тугмачага боғлиқ бўлган белги бўлиб, таҳрирлагич командалари кетма-кетлигидан ташкил топади. Бу тугмача ва "Ctrl" тугмачаси биргаликда шу кетма — кетликни бажаради.
Печать — Экрандаги матнни принтерга чоп этувчи команда.

"Печать" пункти танланганда қуйидаги ост меню пайдо бўлади:

Старт	Набор	Качество	Поле	Листы	Принтер	Шаг	Драйвер
(бошла)		*(сифати)*	*(майдон)*	*(қогоз)*		*(қадам)*	

Бунда:

Старт — Матнни принтерга чиқаришни бошлайди.
Набор — Чоп этиш шрифти танланади.
Качество — Сифат икки хил: 1 — ўрта ва 2 — юқори даражада ўрнатилиши мумкин.

Поле — Ҳужжат чап томонида колдириладиган масофани миллиметрларда курсатади.
Листы — Варақли ва рулонли коғоздан фойдаланиш мумкин.
Принтер — Чоп этиш принтерга, файлга ва экранга бажарилиши курсатилади.
Шаг — Сатрлар орасидаги интервални урнатади.
Драйвер — Чоп этишнинг жорий драйверини урнатади.

Менюнинг "Абзац" пункти куйидаги ост менюга эга:

Формат	Режим	Форматировать текст	Перенос	Выравнивание	Границы
			(утказиш)	*(текислаш)*	*(чегара)*

Бунда:

Формат — Жорий сатрдан абзацнинг охиригача матнни форматлайди. Матн ва ҳужжат режимлари мавжуд. Агар ҳужжат устида ишласангиз, "Форматлаш" режимини танлаш лозим.
Форматировать текст — Матнни бошидан охиригача форматлайди.
Перенос — Сузларни автоматик тарзда ("ха" ҳолида) бўғинлаб утказади, акс ҳолда ("йўқ" ҳолида) бутунлигича утказади.
Выравнивание — Автоматик равишда матннинг унг чегарасини текислайди ("ҳа" ҳолатда), акс ҳолда ("йук" ҳолатда) текисламайди.
Границы — Абзац чегараларини урнатади. Бу команда қуйидаги менюга эга:

Образец	Отступ	Левая	Правая
(шакл)	*(чекиниш)*	*(чап)*	*(унг)*

Бунда:

Образец — Жорий дарчадаги абзац мисолида чап, унг чегарани ва чекинишни белгилайди.
Отступ — Абзацда лозим булган чекиниш сонини урнатади.
Правая — Абзацнинг унг чегара ҳолатини белгилайди.
Левая — Абзацнинг чап чегара ҳолатини урнатади.

Менюнинг "Фрагмент" пункти қуйидаги ост менюга эга:

Выделить	Вставить
(ажратиш)	*(қўйиш)*

Бунда:

Выделить — Сатрларни ва кисмларни ажратиш мумкин. Сатрни ажратиш учун курсор сатр бошига ёки охирига урнатилади. Қисмни ажратиш учун эса, курсор шу кисмни бурчакларини тасвирловчи туртта бурчакнинг ихтиёрийсида урнатилади.

Вставить —"Чунтак" дан олинган қисмни курсор ўрнатилган жойга қуяди.

Бу меню қуйидаги командаларга эга.

Забрать — Ажратилган қисмни оператив хотира буферига — "Чунтак" ка олади.
Снять выделение — Қисмни ёки сатрни ажратишни бекор қилади.
Копировать —"Чунтак" га кисм нусхасини олади.

Менюнинг "Страница" пункти қуйидаги ост менюга эга:

Расставить Шаг Высота Нумерация Убрать Каталог

(Қуйинг) (Қадам)(Баландлик)(ракам) (учириш)(мундарижа)

Бунда:

Расставить — Матнни саҳифаларга ажратиб, тартиб рақамларини киритади.
Шаг — Сатрлар орасидаги интервални ўрнатади.
Высота — Саҳифанинг интервалдаги баландлигини белгилайди, 300×210 мм стандарт саҳифа баландлиги 60 интервал.
Нумерация — Саҳифаларнинг тартиб ракамларини урнатади.
Убрать — Саҳифалашни бекор қилади.
Каталог — Барча сарлавҳаларни чунтакка олиб, матн бошига ёки охирига қуяди.

Найти - Лексикон менюсининг ушбу пункти белгини қидиради. Белгини такрор қидириш учун [Ctrl]+[F1] ни киритиш етарли.

Заменить пункти бир белги ёки жумлани бошқасига алмаштиради. Команда киритилгандан кейин алмаштирилиши лозим булган сатр ва алмаштирувчи сатр суралади.

Отметить — Матннинг керакли жойларини белгилайди. Бу эса кейинчалик белгиланган жойларни тезроқ топиш имконини беради.

Шрифт пункти шрифтларни танлаш имконини беради.

DOC пункти вақтинчалик MS DOS системасига қайтишни таъминлайди. Таҳрирлагичга қайтиш учун командалар сатрида"exit" командасини киритиш етарли.

Выход пункти Лексикон таҳрирлагичидан чикишни таъминлайди.

Агарда хотирага ёзилмаган матн қолган булса, экранда "В окне не сохраненный файл "маълумоти чиқади. [Enter] босилиши билан матн дискка ёзилади, "Esc" босилса — матн ўчирилади, Пробел — таҳрирлагичга қайтилади.

Матнни дискдан чақириш ва ёзиш

Агарда Сиз янги матн билан ишламоқчи булсангиз, уни Лексиконга киргандан сўнг киритишингиз мумкин.

Агарда матн дискда мавжуд булса, у холда уни хотирага чақириб олишингиз зарур. Бунинг учун "Загрузить" менюсига кирилади (расм 5.2). Файл йўналиш тугмачалари ёрдамида танланади ва [Enter] босилади.

```
C:\DOS\*.*
smartdrv exe  edit     hlp  scandisk ini  graphics pro  ramdrive sys
smartmon exe  help     hlp  msavirus 1st  ansi     sys  networks txt
sort     exe  memmaker hlp  virsigs  ms   chkstate sys  os2      txt
subst    exe  msav     hlp  msavhelp ovl  country  sys  readme   txt
undelete exe  msbackup hlp  msbackdb ovl  dblspace sys
xcopy    exe  msbconfg hlp  msbackdr ovl  display  sys
dblspace hlp  qbasic   hlp  msbackfb ovl  driver   sys
dblwin   hlp  smartmon hlp  msbackfr ovl  himem    sys
defrag   hlp  dblspace inf  msbackup ovl  keyboard sys
doshelp  hlp  memmaker inf  msbconfg ovl  keybrd2  sys
```

5.2. — расм

Натижада матн экранда ҳосил булади.

- Таҳрирланган файлни дискга ёзиб қуйиш зарур. Буни "Текст" нинг "Сохранить" менюси бажаради.
- Агар ўзгартирилган матн дискга ёзилмаган булса, таҳрирлагич Сизни қуйидагича огоҳлантиради:

  "Текст не был сохранен, считывание возможно после очистки или сохранения окна."
  (Матн сақланмади, бошқа матнни киритиш учун экранни тозаланг ёки матнни ёзиб қўйинг).

Бу маълумотдан кейин ихтиёрий тугмачани босиш керак, ундан кейин агарда ёзиш зарурати булса, матн дискга ёзиб куйилади. Акс ҳолда"Текст"да "Очистить" менюсига кириб, экран тозаланади.

- Агар матн ўзгартирилмаган булса, файл дискга ёзилмайди, бунинг урнига куйидаги жавоб чикади:

  "Текст не изменялся, сохранение не требуется".
  (Матн ўзгартирилмади, ёзиш зарурати йўқ)

- Агар Сиз янги матнни дискга ёзмокчи булсангиз, Лексикон куйидаги ёзувни беради:

  "В ведите имя файла, в который будет записываться текст из окна".
  (Экрандаги матн ёзилиши керак бўлган файл номини киритинг.)

▶ **Бунга жавобан файлнинг номини киритиш керак.**

Масалан:

file1. txt

Натижада матн дискга ёзилади ва бошқа матнлар билан ишлаш имконияти яратилади. Агарда дискда жой бўлмаса, бу ҳакида Сизни тахрирлагич огоҳлантиради.

Курсор ҳаракати

Курсорни матн бўйлаб харакатга келтириш учун (матнни узгартирмасдан) куйидаги тугмачалардан фойдаланиш керак:

битта болги чапга	←
битта белги унгга	→
сатрнинг бошига	Home
бир сатр пастга	↓
бир сатр юқорига	↑
бир экран пастга	PgDn
бир саҳифа пастга	Ctrl+PgDn

бир экран юқорига	PgUp
сатрнинг охирига	End
матннинг бошига	Shift+ ↑
матннинг охирига	Shift+ ↓
бир сўз чапга	Ctrl+ ←
бир сўз ўнгга	Ctrl+ →
бир саҳифа юқорига	Ctrl+Pgup

Охирги 2 имконият матн саҳифаларга ажратилган ҳолдагина бажарилади.

Матнни киритиш

Матн белгилари клавиатуранинг мос тугмачалари ёрдамида киритилади. Киритилаётган белгилар курсордан унгдаги белгиларни унгга суради — суриш режимида, ёки уларни алмаштиради — алмашлаш режимида. Суриш режимидан алмашлаш режимига [Ins] тугмачаси ёрдамида ўтилади. Алмашлаш режимида ҳолат сатрида "ЗАМ" сўзи хосил бўлади.

Матн "Документ" режимида киритилаётганда сўзлар жорий сатрга сиғмаса, кейинги сатрга кучирилади. Бунда сўзларни бўғинлаш режими ишласа, сўзлар бўғинлаб, акс ҳолда бутунлигича кучирилади. Абзац охирида [Enter] босилади. Натижада курсор янги абзацнинг бошига кучади.

Матн "Текст" режимида киритилаётган булса, кейинги сатрга ўтиш учун [Enter] босилади.

- Режимни "Абзац" менюсининг "Режим" пункти узгартиради.

Матнни таҳрирлаш

Тахрирлашнинг оддий вазифалари куйидагилар:

курсор устидаги белгини — [Del],
курсордан чапдаги белгини — [Backspace],
курсордан сатрнинг охиригача булган белгиларни — [Shift]+[Del],
сатрни бошидан курсоргача булган белгиларни — [Shift]+[Backspace],
сатрни — [F3], [Ctrl]+[F3] учиради.

- Икки сатрни бирлаштириш учун биринчи сатрнинг охирига курсорни келтириб, [Del] ни босинг.
- Тахрирланган абзацни янгидан форматлаш учун таҳрирланган биринчи сатрга курсорни келтириб, [Ctrl]+[F8] ни босинг.
- Бўш сатр киритиш учун бўш сатр қўйиладиган сатрнинг охирига курсорни келтириб, [Enter] босилади.
- Бир неча абзацни бирлаштириш учун абзацларни сатр бўйича белгилаб, [Ctrl] + [F8] ни киритиш лозим.

Шрифтлар билан ишлаш

Лексикон куйидаги тартиб ракамига мос шрифтларга эга:

0 — стандарт,
1 — курсив,
2 — қалин,
3 — қалин курсив,
4 — қуйи индекс,
5 — юкори индекс,
7 — математик.

Жорий шрифтнинг тартиб рақами ҳолат сатрида кўрсатилади. Шрифтлар қуйидаги усулларда берилиши мумкин.

- [Alt] + [F1] ни босиб, кейин асосий клавиатурадан керакли рақам киритилади, масалан: 0 ёки 2
- [Alt] + [F3] киритилса, курсив шрифти ҳосил бўлади.
- Қалин шрифт учун эса, [Alt] + [F4] киритилади.
- Ихтиёрий шрифтда белгилар тагига чизиш мумкин. Бу режим [Alt] + [F2] тугмачалари ёрдамида ишга тушади, ҳолат сатрида бу "_" белги билан қайд қилинади.

Турли шрифт белгилари экранда турли рангда тусланади. [Shift] + [F9] тугмачалари ёрдамида экран график режимга ўтади.

Бу тугмачаларнинг такрорий киритилиши — матн режимини тиклайди. Графикли режим белгиларнинг принтерда қандай чиқишини яққол кўрсатади.

Жорий белги (курсор устидаги белги) шрифтининг тартиб рақами ҳолат сатрида акс эттирилади.

- Матннинг белгиланган кисмининг шрифтини узгартириш учун [Alt] + [F1] — [Alt] + [F4] лардан кераклиси киритилади.

Матнни форматлаш

Матн сатрларини форматлаш учун "Абзац" менюсидан фойдаланилади.

Форматлашнинг икки режими — документ ва текстлар тавсифи юкорида келтирилган эди.

Одатда матн абзацлардан ташкил топади. Абзац учта сон билан белгиланади: чап, унг чегара ва абзац чекиниши. Абзац чегараларини қуйидаги усулларда ўрнатиш мумкин.

- Курсорни абзац нусхаси бошига келтириб, [Shift] + [F7] босилади.
- Абзац чегараларини алоҳида ўрнатиш усули билан:

  чап чегарани урнатиш учун — [F7],
  ўнг чегарани ўрнатиш учун — [Alt] +[F7],
  биринчи сатр бошини ўрнатиш учун — [Ctrl] +[F7].

- "Абзац" да "Границы" га кириб, "Правая", "Левая", "Отступ" пунктларини керакли параметрларини тартиб билан қуйидагича танланади:

  "Введите правую границу"
  (Ўнг чегарани киритинг)

  Бунга жавобан клавиатурадан керакли сон киритилади, масалан:

  66
  "Введите левую границу"
  (Чап чегарани киритинг)

  Чап чегара киритилади, масалан:

  1
  "Введите абзацный отступ"
  (Абзац чекиниш жойини киритинг)

  Абзац биринчи сатри — чекиниш жойи киритилади, масалан:

  6

- Абзацни форматлаш учун курсорни унинг биринчи сатрига келтириб, [Ctrl] + [F8] тугмачалари босилади. Бунда фақатгина ўнг чегара текисланади. Агар чап чегарани ҳам текисламоқчи бўлсангиз, абзацни белгилаб (белгилаш тартиби қуйида келтирилади), [Ctrl] +[F8] босилади.
- Матнни курсордан матннинг охиригача форматлаш учун "Абзац" менюсининг "Форматировать текст" командасидан фойдаланиш мумкин.
- Сарлавҳаларни сатр ўртасига ўрнатиш учун, курсор сарлавҳа ли сатрнинг ихтиёрий жойига келтирилиб, [F8] босилади.

Жадвални шакллантириш

"Текст" режимида турли жадвалларни шакллантириш қулай.

"Текст" режимида курсор жадвалнинг кейинги устунига [Tab] тугмачаси ёрдамида ўтади, олдингисига эса — [Shift]+[Tab].

Жадвални киритиш учун "Конфигурация" да "Табуляция" пункти танланади. Натижада экран қуйидаги жавобни беради:

"Укажите восклицательными знаками позиции табулятора"
(Табуляция устунларини ундов белгиси билан белгиланг)

Керакли жойларда ундов белгиси қўйилади, бўш жойлар бирор ҳарф билан тўлдирилади ва [Enter] босилади.

Матн қисмларини ажратиш, ўчириш ва кўчириш

Лексикон таҳрирлагичи матн қисмини кўчириш, ўчириш, шрифтни алмаштириш имкониятларига эга. Бунинг учун "Фрагмент" менюсидан ёки функционал тугмачалардан фойдаланилади. Матн қисми аввал белгиланиши лозим. Сатрлар ёки қисм белгиланиши мумкин.

- Сатрни белгилаш учун курсорни сатрга келтириб, [F3] босилади.
- Қисмни белгилаш учун кисмнинг ихтиёрий бурчагига курсорни келтириб, [Shift]+[F3] босилади.

Белгилашни "Фрагмент" менюсининг "Выделить" пункти орқали бажариш учун мос командаларни танлашингиз лозим.

- Белгиланган қисмни ўчиришингиз учун [Ctrl]+[F3] босилади. Бунда, қисм матндан махсус "чўнтакка" олинади.
- Белгиланган қисмнинг шрифтини ўзгартириш учун [Alt]+[F1] ни киритиб, керакли шрифтнинг рақамини киритинг ёки:

  қия шрифт учун — [Alt] + [F3],

тагига чизиш учун — [Alt] + [F2],
ўртача қалинликдаги шрифт учун — [Alt] + [F4] ни босинг.

- "Чўнтак" даги қисмни матнга кучириш учун, курсорни қисм қўйилиши зарур булган жойга ўрнатиб, [Shift] + [Ins] тугмачалари босилади. "Чунтакда" сатрлар булса, сатрлар ва қисм булса, кисм кучирилади.

  Ёки сатрлар учун — [Ctrl] + [F4], кисм учун [Shift] + [F4].

- Белгилашни бекор килиш учун [F4] босилади.

"Чўнтак" даги матнни олиш учун "Фрагмент", "Вставить" менюларидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Чунтакдан қисмни куп маротаба олиш мумкин.

Бирор сатрни қидириш ва алмаштириш

Матнда берилган жумлани қидириш асосий менюнинг "Найти"пункти ёрдамида бажарилади.

Бу пунктга кирилганда қуйидаги жавоб чиқади:

"Введите подстроку для поиска"
(Қидириш учун керакли жумлани киритинг)

Бунга жавобан топилиши лозим булган жумлани киритиб, [Enter] ни босиш керак.

Натижада курсор қидирилаётган жумланинг биринчи устунига келтирилади, ёки экранда қуйидаги жавоб ҳосил булади:

"Нет вхождений такого контекста"
(Бундай белги йўқ)

Матндаги жумлани "Заменить" ёрдамида алмаштириш мумкин. Бунда қуйидаги жавоб чиқади:

"Введите подстроку для поиска"
(Қидириш учун сатрни киритинг)

Бунга жавобан алмаштирилиши зарур булган жумла киритилади.

Натижада экранда қуйидаги жавоб чикади.

"Введите подстроку для замены"
(Ўзгарадиган жумлани киритинг)

Топилган жумлани алмаштирувчи жумла киритилади.

Агар "Заменить глобально" командасини танласангиз, жумла бутун матн буйлаб алмаштирилади.

- Алмаштиришни матн буйлаб такрорлаш учун [Shift] + [F2] босилади.

- Курсордан кейинги биринчи жумлани топиш учун [Ctrl] + [F1] ва алмаштириш учун [Ctrl] + [F2] босилади.

Матнни саҳифаларга ажратиш

Матн тайёр бўлгандан кейин уни принтерда чоп этиш мумкин. Рулонли қоғозда матнни саҳифаларга ажратмасдан чоп этиш мумкин. Матнни алоҳида варакларда чоп этиш учун у саҳифаларга ажратилади. Бунинг учун менюнинг "Страницы" пунктига кирилади. Унинг командалари юқорида келтирилган эди.

Менюнинг "Шаг" пункти сатрлар орасидаги масофани (интервалда) ўзгартиради.

"Высота" пункти саҳифанинг баландлигини ўзгартиради (интервалда).

Одатда таҳрирлагич саҳифаларни рақамлайди. Саҳифа рақамини ўртага жойлаб, битта бўш сатр қолдиради. Бу тартибни ўзгартириш учун "Страницы" даги "Нумерация" пунктидан фойдаланилади. Бу меню қуйидаги командаларга эга:

Начномер (Бошлинғич рақам) — Хужжат биринчи сахифасининг рақамини ўрнатади.
Страниц без номера (Рақамсиз саҳифалар) — Рақамсиз саҳифалар сонини ўрнатади.
Пустых строк (Бўш сатрлар) — Рақамдан кейинги бўш сатрлар сони кўрсатилади.
Колонтитул (Саҳифа сарлавҳаси) — Рақам остида сарлавҳани жойлаштиради.

Саҳифаларни ўрнатиш учун "Расставить", учириш учун —"Убрать" командаси киритилади.

- Агар матннинг айрим жойларини саҳифалаш зарур бўлса (жадвал ёки расм учун), у ҳолда курсор саҳифа чизиғи қўйилиши зарур бўлган жойга ўрнатилиб, [Shift]+[F8] босилади. Натижада, икки қатламли ҳошия ҳосил бўлади. Уни учириш учун [F3], [Ctrl]+[F3] босилади.
- Матн сарлавҳалари рўйхати — мундарижасини олиш учун, "Каталог" командасидан фойдаланинг. Натижада, матн саҳифа рақамлари кўрсатилган мундарижаси ҳосил бўлади.

Матнни чоп этиш

Матнни принтерда чоп этиш учун "Текст" менюсининг "Печать" пунктига кирилади. Кетма-кет меню командалари танланиб, чоп этиш параметрлари аниқланади.

Кейин "Старт" га кириб, қуйидаги жавобни оламиз:

"Начать распечатку"
(Чоп этишни бошлайман)

"Вставьте страницу, Enter — печатать, Пробел — пропустить страницу, ESC — стоп"
(Варақни қўйинг, Enter — чоп этиш, Пробел — саҳифани ўтказади, ESC — чоп этишни тўхтатади)

Принтерни тайёрлаб, [Enter] ни босинг. Чоп этишни тухтатиш учун [Esc] ва кейинги саҳифани чоп этиш учун эса — [Пробел] босилади.

Матнни принтерда чоп этишдан аввал натижани экранда кўздан кечиришингиз мумкин. Бунинг учун "Печать" пунктининг "Экран" ва "Старт" командаларидан фойдаланинг.

Бир неча дарча билан ишлаш

Лексикон бир дакикада бир неча матнлар билан (матнлар сони ўнтадан ошмаслиги керак) ишлаш имкониятига эга.

Бу имкониятни бажариш учун у 0 дан 9 гача тартиб ракамли дарчаларга эга.

- Дарчани активлаштириш учун [Alt] + [сон] ни босиш лозим. Бунда, сон активлаштирилувчи дарчанинг тартиб раками. Актив дарчада матнни таҳрирлаш мумкин, бошка дарчага утилганда, таҳрирланган матн сакланиб колади. Бир матн кисмини иккинчи матнга кўчирганда дарчалардан фойдаланган кулай.
- Дарча тартиб раками, файлнинг номи дарчанинг куйи ҳошиясида кайд қилинади. Дарча улчамини, ҳолатини ва рангини ўзгартириш учун "Текст" да "Конфигурация" даги "Окно" пунктида керакли курсатмаларни бажариш керак.
- Дарчани экранга ёйиш учун [Alt] + [F9] босилади, қайта босиш экранни аввалги ҳолатга қайтаради.

Макрокомандалардан фойдаланиш

Матнларни тайёрлашда белгилар кетма — кетлигини киритиш зарурати бўлади. Лексикон бундай кетма — кетликни [Alt]+[ҳарф] тугмачаларини босиш билан амалга ошириши мумкин. Ҳарфга кетма —кетликни узатишнинг қуйидаги усуллари мавжуд.

"Текст" да "Макро" га кириб, саволларга жавоб бериш керак, яъни:

"Нажмите буквенную клавишу"
(Ҳарфли тугмачани киритинг)

▶ **Масалан:**

— Ш

"Введите макропоследовательность"
(Кетма — кетликни киритинг)

▶ **Масалан:**

— LEXICON [ВПРАВО]

Кетма — кетлик киритилгандан кейин [Enter] босилади.

Натижада, [Alt] + [Ш] ни босилиши матнда LEXICON сўзини ҳосил килади. Бу макрокомандалар таҳрирлагичдан чиққанингиздан сўнг бажарилмайди.

Макрокоманда доимо бажарилиши учун KEYMACRO. LEX файлига макронинг таърифини киритиш керак.

Бизнинг мисолда бу қуйидагича булади:

```
МАКРО                                   Ш
LEXICON Ш [ВПРАВО]
```

Бу усул қулайрок.

Чизиқларни чизиш

Лексиконнинг ушбу тури жадвалларни, чизиқларни чизишнинг кулай усулига эга.

Чизиш режимига кириш учун [Alt] + [-] босилади. Бу режим қуйидаги имкониятларга эга.

[Shift]+[←], [Shift]+[→] — Горизонтал чизиқ чизади.

[Shift]+[↑], [Shift]+[↓] — Вертикал чизиқ чизади.

[Ctrl]+[←], [Ctrl]+[→], [Ctrl]+[↑], [Ctrl]+[↓] — Чизиқни мос йуналишда учиради.

[Enter] — Икки катламли чизиқни беради ёки бекор қилади.

[Alt]+[F4] — Қалин чизиқни чизади.

Esc — Режимдан чиқишни таъминлайди.

Калькулятордан фойдаланиш

Таҳрирлагич оддий ҳисобларни бажариш имкониятига эга. Ҳисобланиши зарур булган амалдан кейин [Alt] + [=] босилса, натижа ҳосил бўлади.

▶ **Масалан:**

4+5 дан кейин [alt]+[=] босилса, = 20 ҳосил бўлади.

Матн имлосини текшириш

Таҳрирлагич матн хатоларини текшириш имкониятига эга. Матн киритилаётганда текшириш учун "Лексика" менюсидаги "Звук" да [Enter] босилади. Натижада хато товуш билан огоҳлантирилади. Матн хатосини текшириш учун "Проверить" командаси киритилади. Нотаниш сўзларда қуйидаги тугмачалардан бири босилади.

[Enter] — Сўзни луғатга киритади.

[Пробел] — Сўзни луғатга киритмасдан текширишни давом эттиради.

[Esc] — Текширишни тўхтатади.

Хатони тўғрилаш учун [Esc] босилади, хато тўғриланган-дан кейин текшириш давом эттирилади.

Лексикон функционал тугмачалари вазифалари

[F1] — Кўрсатма олиш.
[F2] — Бошкарувчи тугмача номини киритиш.
[F3] — Қисм сатрларини белгилаш.
[F4] — Қисмни белгилашни бекор қилиш.
[F5] — Дарчани чапга суриш.
[F6] — Дарчани унгга суриш.
[F7] — Абзацнинг чап чегарасини урнатиш.
[F8] — Жорий сатрни марказлаштириш.
[F9] — Клавиатурани кирилл ёки лотин алифбосига утказиш.
[F10] — Менюга кириш.
[Ctrl]+[F1] — Жумлани курсордан пастда қидириш.
[Ctrl]+[F2] — Белгини алмаштириш.
[Ctrl]+[F3] — Белгиланган қисмни хотирага олиш.
[Ctrl]+[F4] — Хотирадаги қисмни жорий ҳолатга қуйиш.
[Ctrl]+[F5] — Белгиланган қисмни чапга суриш.
[Ctrl]+[F6] — Белгиланган қисмни унгга суриш.
[Ctrl]+[F7] — Абзацда чекиниш ҳолатини белгилаш.
[Ctrl]+[F8] — Жорий абзацни ёки белгиланган қисмни форматлаш.
[Ctrl]+[F9] — Клавиатурани миллий алифбога утказиш.

[Ctrl]+[F10] — Дарча шаклини ўзгартиш.
[Ctrl]+[Ins] — Белгиланган қисмнинг нусхасини чўнтакка олади.
[Shift]+[F1] — Жумлани курсордан юқорида қидириш.
[Shift]+[F2] — Белгини курсордан матн охиригача алмаштириш.
[Shift]+[F3] — Қисмни белгилаш.
[Shift]+[F4] — Қисмни жорий ҳолатга қўйиш.
[Shift]+[F6] — Киритиш йўналишини ўзгартириш.
[Shift]+[F7] — Абзацни нусхага тўғрилаш.
[Shift]+[F8] — Саҳифаларга бўлувчиларни ўрнатиш.
[Shift]+[F9] — Графикли режимга ўтиш.
[Shift]+[F10] — Матн режимини ўрнатиш.
[Alt]+[F1] — Шрифтни рақам бўйича танлаш.
[Alt]+[F2] — Сўзларни тагига чизиш режимини ўрнатиш.
[Alt]+[F3] — Курсив шрифтни ўрнатиш.
[Alt]+[F4] — Қалин шрифтни ўрнатиш.
[Alt]+[F5] — Сатрни чапга тақаш.
[Alt]+[F6] — Сатрни ўнгга тақаш.
[Alt]+[F7] — Ўнг чегара ҳолатини белгилаш.
[Alt]+[F9] — Дарчани бутун экранга ёйиш.
[Alt]+рақам — Рақами кўрсатилган дарчани жорий қилиш.
[Alt]+[-] — Чизиқлар чизиш режимини ўрнатиш.
[Alt]+[=] — Арифметик амалларни ҳисоблаш.

Курсор ҳаракати:

[←] — битта белги чапга,
[→] — битта белги ўнгга,
[Home] — сатрнинг бошига,
[End] — сатрнинг охирига,
[Ctrl]+[←] — бир сўз чапга,
[Ctrl]+[→] — бир сўз ўнгга,
[↓] — бир сатр пастга,
[↑] — бир сатр юқорига,
[Shift]+[↑] — матннинг бошига,
[Shift]+[↓] — матннинг охирига,
[PgDn] — бир экран пастга,
[PgUp] — бир экран юқорига,
[Ctrl]+[PgDn] — бир саҳифа пастга,
[Ctrl]+[PgUp] — бир саҳифа юқорига.

6

қисм

Файлларни архивлаш

Компьютерлардан фойдаланиш жараёнида турли сабабларга кўра магнит дисклардаги маълумотни учириш ёки зарарлантириш мумкин. Бу магнит дискини ишдан чиқиши, файлларнинг нотўғри таҳрири ёки файлни эҳтиётсизлик оқибатида учирилиши, ёки компьютер вирусининг зарари натижасида юз беради. Шунинг учун фойдаланаётган файлларнинг архив нусхасини кўчириш ва ўзгартирилаётган файллар нусхасини янгилаб туриш зарур.

Нусха кўчириш учун COPY, XCOPY, ҳамда BASKUP, RESTORE командаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин бу ҳолда диск нусхалари учун жуда кўп дискеталар керак бўлади. Чунки бунда нусхалар ҳажми ўзгармайди.

Масалан, 20 Мбайтли қаттиқ дискдаги файллар нусхасини кўчириш учун 360 Кбайтли 60та дискета керак.

Файлларнинг архивли нусхасини яратиш учун махсус архивловчи программалардан фойдаланилади. Бу программалар архив дискеталарда жойни тежайди ва архив файллардан фойдаланишда қулайликлар яратади.

Қоидага кура, архивловчи программалар файл нусхаларини дискда сиқиб жойлаштиради, файлларни архивдан олиш ва архив мундарижасини кўриш имкониятини беради.

Энг кўп таркалган архивловчилар: ARJ, PKARC, PKPAK, PAK, PKZIP, LHARC. PKZIP ва ARJ қулайроқ ва тезроқ ишлайди.

Шунинг учун қуйида ARJ, PKZIP ва PKUNZIP программаларининг қискача тавсифини келтирамиз.

Архивли файл бир неча файлларнинг сиқилган ҳолда бир файлга жойлашган мажмуидир. Архив файл мундарижага эга. Унда файллар номи, файл жойлашган каталог номи, охирги узгартириш вакти ва санаси, файлнинг дискдаги ва архивдаги ҳажми ва текшириш коди ҳақидаги маълумот берилади.

PKZIP/PKUNZIP ва ARJ программалари

PKZIP/PKUNZIP, ARJ программалари файлларни архивлаштириш ва уларни архивдан қайта тиклаш вазифаларини бажаради.

Архивли файлларни сақлаш учун матнли ахборот учун 60-70% жой, бажарилувчи файллар учун 20—30% жой тежалади. Сиқиш даражаси файл номи қаршисида кўрсатилади.

Бу программалар архив файл ташкил этиш, қайта тиклаш янги-файлларни архивга қўшиш, файлларнинг янги турларига алмаштириш, архивдан файлларни ўчириш ва файллар рўйхатини чиқариш имкониятларига эга.

- ARJ программаси бир неча бобли архивлар ташкил қила олади. Бу катта ҳажмдаги программаларни дискеталарга архивлашда қулайдир.
- PKZIP программаси. ZIP, ARJ эса. ARJ кенгайтгичига эга.

Файлларни архивга жойлаш PKZIP программаси

Бу программанинг формати қуйидагича:

PKZIP Режим Архив файл номи [*Файллар номи*]

Бунда:

Архив файл номи — Қаралаётган архив файлни билдиради. Агарда бундай файл булмаса, у ташкил этилади.
Файллар номи — Архивга киритилаётган файллар номи берилади. Агарда улар берилмаса, жорий каталогдаги файллар тушунилади.
Режим — Режим "-" ёки "/" белгиси билан бошланади ва программа бажариши лозим булган вазифани аниқлайди.

PKZIP программаси режимлари:

— **A** — Архивга барча файлларни киритади.
— **U** — Архивга янги файлларни киритади.
— **F** — Архивдаги файлларни янги версиясига алмаштиради.
— **M** — Файлларни архивга кучиради.
— **D** — Архивдаги файлларни ўчиради.
— **EX** — Архивлашни тезлаштиради.

Агар режим кўрсатилмаса, "А" режими тушунилади.

▶ **Мисоллар:**

PKZIP —a test — test.zip файлига жорий каталогдаги барча файлларни жойлайди.

PKZIP —a doc ✳.doc a:\✳. doc — doc. zip файлига жорий каталогдаги ва А дискдаги .doc кенгайтгичли файлларни жойлайди.
PKZIP —f doc a:\✳.✳ — doc.zip файлларини А дискдаги янги версияларига алмаштиради.

ARJ программаси

ARJ программаси формати:

ARJ Команда Режим Архив номи файл [Каталог\][Файллар номи]

Бунда:

Команда — Программа бажариши лозим бўлган вазифа турини аниқлайди. Ҳарф билан белгиланади. Масалан, А — файлларни архивга қўшади, Е — файлларни архивдан тиклайди.
Каталог — Архивга киритиладиган файллар жойлашган бошланғич каталог номи. Агар у кўрсатилмаса, жорий каталог тушунилади.

Архив файл номи, файл номи, режимлар тавсифи PKZIP программасида келтирилган.

▶ **Мисоллар:**

arj a test — test. arj файлига жорий каталогдаги барча файлларни жойлайди;
arj a doc ✳.doc a:\✳.doc — doc. arj файлига жорий каталогдаги ва А дискдаги .doc кенгайтгичли файлларни жойлайди;
arj f doc a:\✳.✳ — doc. arj файлларини А дискдаги янги версияларига алмаштиради.

Архивдан файлларни қайта тиклаш PKUNZIP программаси

Программа формати

PKUNZIP [Режим] Архив номи [Йўл] [Файл номлари]

Параметрлари:

Архив номи — Файллари кайта тикланаётган архив номи кўрсатилади.
Йўл — Тикланаётган файллар жойлашиш каталоги кўрсатилади.
Файллар номи — Тикланиши зарур бўлган файлларнинг номи кўрсатилади.

PKUNZIP программаси ишлаш режимлари

—X— (extract) — Файлларни архивдан олиш.

—O— (overwrite) — Дискдаги файлларни урнига ёзиш.

—V— (verbose) — Архивдаги файллар таркибини куриш.

—T— (Test) — Архивдаги файллар бутунлигини текшириш.

—N— (New) — Дискда булмаган ва эски версияли файлларни архивдан кучиради.

▶ **Мисоллар:**

pkunzip — x — test. zip — test.zip архив файли барча файлларини жорий каталогга тиклайди.

pkunzip —f test. zip — жорий каталогдаги файллар янги версияларини test.zip дан олади.

pkunzip test. zip c:\TEST — test.zip нинг барча файллари C: дискнинг TEST каталогига тикланади.

ARJ программаси

ARJ программаси формати архивлаш ва архивдан тиклаш учун умумий. Бунда мос команда курсатилади. Архивдан тиклаш учун "e" командаси курсатилади.

Агар тикланаётган файл дискда булса, экранда

"Файл номи exists. Overwrite [YNAG]?

(Файл номи мавжуд. Қайта ёзиш зарурми?)

савол хосил булади. Қуйидаги жавоблардан бирини танланг.

Y — Файл тикланади.

N — Файлнинг янги номи суралади. Бунга жавобан янги ном киритилади. Ёки [Enter] босилади, натижада файл тикланмайди.

A — Файллар суроқсиз тикланади.

G — ARJ ишини тухтатади.

ARJ командасида —JYO режими курсатилса, архивдаги барча файллар суроқсиз тикланади.

▶ **Мисоллар:**

arj e test. arj — test. arj архив файл барча файлларини жорий каталогга тиклайди.

arj e —n test. arj c:\TEST— test. arj файли янги файлларини C дискнинг TEST каталогига тиклайди.

Архив файллар мундарижасини олиш

Архив файллари ҳақидаги тўла маълумотни архив мундарижаси беради. Архив файл мундарижасини олиш учун қуйидаги командалардан фойдаланилади.

PKUNZIP — V *Архив файл номи* [*Файллар номи*]

ARJ L *Архив файл номи* [*Файллар номи*]

Архив номида кенгайтгич бўлмаса, PKUNZIP командаси. ZIP кенгайтгичли файлни, ARJ эса. ARJ ли файлни тушунади. Файл номида"*", " ? " белгиларидан фойдаланса бўлади. Агар файл номлари курсатилмаса, архивдаги барча файллар тушунилади.

- Мундарижани варақлаб кўриш учун ARJ да —JP-JYY режими киритилади. Натижада экраннинг пастки қисмида "More" деган ёзув пайдо бўлади. Бунга жавобан қуйидагилардан бирини танлашингиз мумкин:

  [Y] ёки **[Enter]** — Кейинги экранни чиқаради.
  [N] — Файл рўйҳати чиқарилишини бекор қилади.
  [A] — Файлларни узлуксиз чиқарилишини таъминлайди.
  [Q] — Файлларни экранга чиқарилишини бекор қилади.

- PKUNZIP учун эса қуйидаги команда киритилади.
  PKUNZIP-V *Архив файл номи* [*Файллар номи*]...¦MORE

Натижада мундарижа экранда варақлаб чиқарилади. [Ctrl]+[C] программа ишини тухтатади.

▶ **Масалан:**

arj L test-jp-jyy — test. arj файли мундарижаси варақлаб чиқарилади.
pkunzip-v test:more — test.zip файли мундарижаси варақлаб чиқарилади.

- Файллар алифбо тартибида чиқарилиши учун —VN режими ўрнатилади.

Архив файллар ҳақидаги маълумотни файл ёки принтерга чиқариш мумкин. Бунинг учун команда охирида

файлга кўчириш учун —> файл номи

принтерга чиқариш учун —> prn *киритилади.*

Каталогдаги файлларни архивлаш

PKZIP ва ARJ программалар каталогдаги файллар билан бирга каталогдаги барча каталоглар файлларини архивлаш имконига эга. Бунинг учун мос режим курсатилади.

PKZIP учун — **—rp**

ARJ учун — **—r**

Бу командалар ишлаши натижасида каталогдаги барча босқичдаги каталоглардаги файллар архивга жойланади. Файллар қайта тикланганда, мос каталогларга жойланади.

Бунда,

- ARJ учун — — **X** командаси
- PKUNZIP учун — — **D** режимидан

фойдаланилади.

▶ **Мисол:**

С дискда қуйидаги каталоглар дарахти мавжуд бўлсин. DOC каталоги жорий бўлсин.

У ҳолда,

pkzip-u —rp a:doc ∗.txt
arj — u —r a:doc ∗.txt

командалари бажарилиши натижасида doc.arj ва doc.zip архивларига DOC, DOG, TEXT, ORDER, TEST каталогларидаги ∗.txt кенгайтгичли файллар жойланади.

- Файлларни тиклаш учун

  pkunzip a:\doc c:\USER\
  arj e a:\doc c:\USER\

  командалари киритилса, турли каталогдаги барча файллар С дискдаги USER каталогига жойланади.

  pkunzip - d a:\doc c:\WORK\
  arj x a:\doc c:\WORK\

  командалари киритилса, дискнинг WORK каталогида архивдаги файллар каталоглари билан тикланади.

Файлларни дискеталарга архивлаш

Файлларни архивлаш учун дискда маълум жой талаб қилинади. Дискеталар ҳажми чегараланган. Шунинг учун одатда файлни дискда архивлаб, кейин дискетага кучириш мақсадга мувофиқ.

Лекин бу кўпроқ вақт талаб қилади. Дискда файлларни вақтинчалик сақлайдиган каталог очилади. Бу команда формати

pkzip — *режим* — B *каталог номи*
ARJ — *режим* — W *каталог номи*

Бу режимлар архивлашнинг барча амаллари учун уринли.

▶ **Масалан:**

pkzip—f —bd a:doc ✳.doc — А дискдаги DOC. ZIP архивли файлда жорий каталогдан .doc кенгайтгичли файлларни янгилайди. Файллар вақтинчалик D дискда жойлашади.

arj a—wc a:doc ✳.doc — А дискдаги doc. arj файлига жорий дискдаги. doc кенгайтгичли файлларни жойлайди. Файллар вақтинчалик С дискда жойлашади.

Кўп бобли архивлар

Баъзан файл архивлари, дискета хажми чекланганлиги сабабли дискетага сиғмайди. Бу ҳолда ARJ программасидан фойдаланиш мумкин. Бу программа бир неча файлдан иборат архивларни ташкил эта олади. Яъни куп бобли архив ташкил қилинади. Бунда биринчи файл. ARJ кенгайтгичга, кейингилари. AO1,. AO2 ва ҳоказо кенгайтгичга эга булади.

- Кўп бобли архивлаш режими —V, унинг формати

  -V|V| |W| |A/*улчам*| |S|

  Бунда,

  V — кейинги боб ташкил этилишидан аввал ARJ Сизни товуш билан огоҳлантиради;
  W — ARJ файлни бобларга булмайди;
  A — архивлаш дискетага бажарилганда архивлаш дискетага курсатилади ва дискета улчами берилади. Дискета улчамлари: 360, 720, 1200 ва 1440 (Кбларда);
  S — архивлаш дискетага бажарилганда урнатилади. Архивнинг навбатдаги бобини яратишдан аввал DOS командасини бажариш имконини беради. Архивлашни давом эттириш учун Exit командаси киритилади. Агар команда матнида буш жой булса, у ҳолда режим қуштирноққа олинади. Масалан, "-VVAS Format a:"

▶ **Масалан:**

arj a a:\USER c:\ ✳.✳ —r — VVAS — С дискдаги барча файлларни А дискга архивлайди. Архив файллар USER. ARJ, USER. AO1, USER. AO2 ва ҳоказо номга эга булади. Архив файл улчами дискета ҳажмига мос келади. Бунда кейинги

бобларни архивлашдан аввал дискета қўйилади ва "exit" командаси киритилади.

- Агар қаттиқ дискда жой бўлса, архив файлларни аввал унда ташкил қилган мақсадга мувофиқ.
- Боблар орасида танаффус бўлмаслиги учун —JYV режими урнатилади.
- Куп бобли архив файл ҳар бирининг мундарижасини куриш учун мундарижани куриш режимидан фойдаланса булади. Барча боблар мундарижасини куриш учун мос команда охирида —V режими урнатилади.

Куп бобли архив файлдан файлларни тиклаш архив файлни тиклаш каби бажарилади. Фақатгина биринчи архив файл номини курсатиш ва — V режимини курсатиш шарт.

Бобларни алоҳида тиклаш мумкин. Фақатгина уларни архивланган тартибда тиклаш шарт (яъни . ARJ, . AO1, AO2 ва ҳоказо).

Куп бобли архивларга янги файлларни кушиш, файлларни учириш ва алоҳида бобларнинг файлларини янгилаш мумкин. Бунда хам мос команда охирида —V режими урнатилади.

7

ҚИСМ

Вирусларданхимояланиш

Ахборотларни

Ҳозирги кунда компьютер фойдаланувчилари олдида катта муаммо-вируслардан ҳимояланиш муаммоси туради. Айникса бу муаммо катта корхоналарга зарар келтирмоқда. Чунки компьютер вируслари иши натижасида маълумотлар ўчирилади. Маълумотларни, ҳамда компьютерларни ҳимоялаш учун махсус мутахассислар ҳимоя системаларини яратишга жалб қилинган. Лекин шундай бўлсада, бу системалар тўлиқ кафолат бера олмайди. Чунки вирусларнинг янги номаълум турларини ҳисобга олиб бўлмайди. Шунинг учун даволовчи программаларни янгилаб туриш мақсадга мувофиқ.

Ушбу қисмда вируслар тавсифи, уларнинг турлари, улардан ҳимояланиш тартиблари келтирилган. Кенг тарқалган даволовчи программалар Aidstest, DrWeb, Adinf тавсифи тўла ёритилган.

Компьютер вируслари ва уларни ўчириш

Вирус нима?

Компьютер вируси — махсус ёзилган кичик программа. Бу программа файлга кириб уни хотирага ёзиб қўяди. Яъни бу программа бошқа программаларга узини ёзиб қуяди ва уларни зарарлантиради. Зарарланган программа ишлаши натижасида бошқа программалар ҳам касал бўлади. Вирус аста — секин купаяди ва компьютерда галати ўзгаришлар рўй беради. Масалан, баъзи программалар ишламайди ёки нотўғри ишлайди. Экранда нотаниш белгилар ёки маълумотлар ҳосил бўлади, компьютер тезлиги сезиларли сусаяди, файл маълумотлари ўзгаради, дискдаги маълумотлар ўчирилади ва ҳоказо.

Айрим вируслар аввалига аста — секин кўпаяди ва программалар ишига таъсир этмайди. Маълум вақтдан сўнг эса катта зарар келтиради. Масалан, қаттиқ дискни форматлайди ва ундаги барча маълумотни ўчиради.

Айрим вируслар маълумотларни аста — секин ўчиради.

"Вирус компьютерда қандай пайдо бўлади ва уни ким яратади?"каби саволлар албатта туғилади.

Вирус кичкинагина программа бўлиб, у яратилади. Ихтиёрий программани программаловчи яратади. Яратилиш сабаби турли бўлади.

Кўпинча уларни программалашни ўрганаётган талабалар яратади.

Компьютерда вирус пайдо бўлган бўлса, хафа бўлманг. "Касалланишдан" ихтиёрий компьютер ҳоли эмас.

Касалланган компьютерни даволаш мумкин. Бунинг учун махсус"тиббий" программалар — антивируслар мавжуд. Қуйида вирус турлари, уларни аниқлаш ва даволаш, олдини олиш, эҳтиёткорлик тадбирлари устида тўхталамиз.

Вирус турлари

Вируслар матнли, маълумотли, жадвалли файлларни ўзгартириши мумкин. Айрим вируслар файлларни шикастлайди. Шикастланган файл вирус нусхасини сақлайди.

Бундай вируслар файл вируслари деб аталади. Улар . com ва . exe кенгайтгичли файлларни, операцион система юкловчисини, курилма драйверларини шикастловчи вирусларга ажратилади.

Шикастланган программа ишлаши билан вирус ўз ишини бошлайди. Агар вирус хотирада бўлса, у файлларни шикастлашни давом эттиради. Агарда у AUTOEXEC. BAT ёки CONFIG. SYS

дан чақирилувчи файлни зарарлантирган бўлса, у қаттиқ дискдан ОС юкланганда ўз ишини қайта бошлайди.

Операцион система юкловчисини шикастловчи вируслар бутли вирус деб аталади ва ОС юкланганда ишини бошлайди ва компьютер хотирасида қолади.

Қурилма драйверларини шикастловчи вируслар камдан — кам учрайди.

Вирусларни аниқлаш ва даволаш усуллари

Вирусларни аниқловчи ва даволовчи турли программалар мавжуд. AidsTest программаси дедектор — программа булиб, у Д.Н. Лозинский маҳсулидир. Бу программа ҳозирги кунда 1200 га якин вирусни аниқлайди ва даволайди. Афсуски бу программа фақатгина ўзига маълум вирусларни аниқлайди. Дедектор — программаларнинг асосий камчилиги — номаълум вирусларни аниқлай олмаслигидир.

Шундай бўлсада, aidstest программаси кенг тарқалган. Шунингучун ундан фойдаланиш тартибларини келтирамиз.

Программа формати

Aidstest. exe [*Path:*] [*Options*]

Бунда:

Path — диск, файл ёки файллар гурухини белгилайди;
Options — қуйидаги командаларнинг ихтиёрий мажмуи:
/f — Касалланган программаларни даволайди ва тиклаш мумкин бўлмаган программаларни учиради.
/G — Барча файлларни бирма-бир текширади.
/S — Файлларни вирусларга синчиклаб текширади.
/P[файл номи] — Текшириш натижаларини курсатилган файлга ёзади. (Ёки LPT курсатилса, принтерга чиқаради).
/X — Вирус таркиби ўзгарган барча файлларни учиради.
/Q — Тиклаш мумкин бўлмаган файлларни учиришга рухсат сурайди.
/B — Кейинги дискни текширишга таклиф қилмайди.
/D — Антивирус таркатилиш шартлари ва имкониятлари ҳакидаги маълумотни беради.

Ҳозирги кунда Aidstest дан ташқари Dr. Web антивирусидан фойдаланиш зарур.

Бу программа хотира, ҳамда архив файлларни ҳам вирусга текширади.

Команда формати:

web [*Диск:*[*Йўл*]][*Опция*]

Бунда,

Диск — диск номини белгилайди, агарда барча дисклар текширилиши зарур бўлса, [*] белгиси қўйилади;
Йўл — текшириладиган файллар йўли курсатилади;
Опция — қуйидаги командаларнинг ихтиёрий мажмуи.
/f — Файл ва системали майдонларни даволайди.
/D — Тиклаш мумкин бўлмаган файлларни учиради.
/A — Барча файлларни текширади.
/U [Диск:]— Архив файлларни вирусга текширади. (Диск— архивдаги файлларни тиклаш учун диск номи курсатилади.)
/V — Файлларни вирусга касалланишини текширади.
/P [файл номи] — Текшириш натижасини курсатилган файлга ёзади. (Файл курсатилмаса, натижа Report.web файлига ёзилади.)
/H — Вирусни хотиранинг юқори адресларида қидиради.
/M — Хотирани вирусга текширмайди.

ADinf ревизор программаси

ADinf программаси Д. Мостовой маҳсулидир. Бу программа файллар ҳолати ҳақидаги маълумотни эслаб қолади. Навбатдаги текшириш натижасида бу маълумотнинг ўзгариши файл ўзгартирилганлигидан далолат беради. Бу вируснинг ҳаракати натижасида булиши мумкин. Бирорта ўзгариш ревизорнинг назаридан четда қолмайди. Ревизор дарҳол Сизни ўзгариш ҳақида огоҳ қилади. Лекин ўзгариш сабабини тушунтирмайди. Бунинг сабаби вирус эканлигини, ёки ўзингиз киритган ўзгартиришлар эканлигини ўзингиз аниқлашингиз зарур. Adinf вирусни даволамайди. Унинг махсус Adinf. Ext махсус даволовчи программасига эга бўлсангиз, у бу муаммони бир зумда ҳал қилади.

Резидент программалар файллар устида хавфли амалларни назорат қилади ва ҳар гал Сиздан бу амални бажариш учун рухсат сурайди. Афсуски бу программалар вируснинг файлга мурожаати билан Сизнинг мурожаатингиздан фарклай олмайди. Натижада саволлар бериб, Сизни асабийлаштиради.

- Антивируслар ишлаб чиқарувчи "Диалог-Наука" акционерлик жамияти ҳар бир антивирус камчилигини ҳисобга олган ҳолда маълумотларни ҳимоялаш учун улардан биргаликда фойдаланишни тавсия этади.

Эхтиёткорлик тадбирлари

Компьютердаги зарурий маълумотлар архив нусхасини сақлаш, ўзгартирилган файлларни янгилаб туриш мақсадга мувофиқ.

Вирусларни аниқловчи ва даволовчи, уларни ҳимоя қилувчи махсус программалардан фойдаланиш мумкин.

- Аниқловчи программалар вирус билан шикастланган файлларни аниқлайди.
- Даволовчи программалар шикастланган файлларни вирусдан тозалайди ва файлни шикастланишдан аввалги ҳолатига тиклайди.
- Ревизор программалар компьютердаги файллар ҳақидаги маълумотни эслаб қолади, узгариш аниқланганда, Сизга хабар беради.
- Ревизор докторлари файллардаги узгаришни аниқлайди ва уз холига қайтаради.
- Бошқа компьютерлардан дискеталарда келтирилган маълумотлар текширилиши зарур. Буни дедектор — программа ёрдамида бажариш мумкин.

Масалан, командалар сатрида

aidstest a:/S /G

командасини киритиш зарур. Бунда, /S— файлларни вирусга синчиклаб текширади. /G — дискдаги барча файлларни текширади.

Ҳар эҳтимолга қарши шикастланган компьютерни даволаш учун зарур программали дискеталарни тайёрлаб қуйиш зарур. Бу :

- системали дискета;
- дискларни форматловчи программалар;
- кўп ишлатиладиган программалар;
- архивдан тикловчи программалар;
- вирусларни аниқловчи ва даволовчи программалар.

Бу программали дискеталарнинг ҳар бирида command. com файли бўлиши қулайроқ.

Бу дискеталар ёзиш ҳимоя тирқиши албатта бекитилиши зарур.

Операцион система юкловчисини шикастловчи вирусдан ҳимояланиш учун ОС ни юклашдан аввал А дискни текширинг. Дискета бўлса, диск калитини очиб қуйинг.

Баъзан компьютерни вирусга текшириб туринг.

Дискетали бегона фойдаланувчиларни назоратсиз компьютерда ишлашига йўл қўйманг.

Вирус янги турлари туғилишини, кўпайишини ҳисобга олинг. Шунинг учун антивирусларни янгилаб туришни асло унутманг!

Адабиётлар

1. Фигурнов В.Э. *IBM PC для пользователя.* М.: Инфра-М, 1995.-432 с.
2. Савельева А.Я.,Сазонов Б.А., Лукьянов С.Э. *Персональный компьютер для всех.* М.: "Высшая школа", 1991.
3. *Microsoft Windows .Руководство пользователя.* АО Диалог,1991.
4. Гапотченко Д. *Окна в XXI век.* Журнал "Хард 'Н' Софт". N10,1995.
5. Добрынин А. *Источники бесперебойного питания.* Журнал "Хард 'Н' Софт".N10, 1995.
6. Кулаков В. *Мир портативных ПК.* Журнал "Хард 'Н' Софт". N5, 1994.
7. Роберт С. Энтони. *Пока самые быстрые.* Журнал "PC Magazine". N1, 1996.
8. Алфред Пур. *1-ый ежегодный цикл статей по принтерам.* Журнал "PC Magazine". N2, 1996.
9. *Квартет 120-МГц блокнотных компьютеров.* Журнал "PC Magazine". N3, 1996.
10. Джим Симур. *Power PC: работы продолжаются.* Журнал "PC Magazine". N3,1996.
11. Олим Искандер, А.И. Хундыбаев. *"Лексикон-Ўзбекистон" - локализованный текстовой процессор.* Журнал "Компьютер-Азия". N2/3, 1995.

Компьютер тизимлари ва уларни Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ташкил этиш

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришганидан сунг унинг олдида иктисодий ва ижтимоий ривожланиш учун, маданий ва маънавий янгиланиш учун кенг йуллар очилди. Ёш республикага биринчи кундан бошлаб бозор иқтисодиёти, ишлаб чиқариш, замонавий технологияни татбик этиш ва жахон хужаликлари алокалари тизимига киришнинг оптимал йулларини кидириш, давлатлараро иқтисодий алоқаларни урнатиш билан боғлик бўлган муаммоларни мустакил ечишга тўғри келди.

Шунинг учун республиканинг барча соҳаларини техник қайта куроллантириш, замонавий техника ва технология билан таъминлаш, ҳамда халқаро замонавий талабларга жавоб берувчи телекомуникацияли ва компьютерли алоқа тизимини ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи булиб қолди. 1992-94 йилларда Ўзбекистон СНГ давлатлари орасида биринчилардан булиб информатизациялашнинг яхлит давлат сиёсатини амалга оширишга асос солди ва унинг устивор урнини таъминлади.

"Информатизациялаш ҳақидаги", "ЭХМ учун программа ва маълумотлар базасининг хуқуқий ҳимояси ҳақидаги", "Алоқалар хақидаги" қонунлари билан, вазирлар маҳкамаси директив хужжатлари билан, Ўзбекистон республикасини 2010 йилгача информатизациялаш, қайта қуришнинг миллий программалари ва телекоммуникацион тармоқни ривожлантириш хакидаги концепцияси асосида жамият ривожланишининг норматив хуқуқий асослари яратилди ва информацион ресурслари ривожланиши учун иктисодий, ташкилий шарт-шароит ва кафиллик таъминланди.

Ўзбекистон учун мулкчиликнинг хусусий ва аралаш шаклларига утиш, энергетик, хом-ашё ва одам ресурсларидан унумли фойдаланиш даврида компьютер технологияларидан миллий иктисодни бошқаришда фойдаланиш тобора мухим булиб бормоқда.

1993-95 йилларда давлат бошкарма ва банк муассасаларини информацион тизимларини компьютерлаштиришга асосий эътибор берилди.

Солиқ кўмитаси маълумотларини йиғиш ва таҳлил килишнинг ягона тизими, абитуриентларни тестлаш компьютер тизими яратилди. Ҳисоб ва статистиканинг халқаро тизимига мос прогноз қилиш ва статистика давлат муассасаларининг компьютер тармоғи янги техник даражада ташкил этилмоқда. Вазирлар маҳкамасига хизмат курсатиш тизими автоматлаштирилган, хусусийлаштириш ва маблағ ажратиш жараёнларини маълумот билан таъминлаш ва телекоммуникацион фондли тизимлари яратилган. Банкларга Президент фармони асосида солиқ имтиёзлари берилиши Ўзбекистон банклар тизимини компьютерлар билан жихозлашга имкон берди. Деярли барча тижорат банклари туловларнинг республика миқъёсидаги электрон тизимига боғланган.

Ишбилармонликнинг такомилланиши компьютер техникасини хомашё ва товар махсулотларини ҳисоблаш соҳасида фойдаланишга шароит яратиб берди.

"Ўзбекистон ҳаво йуллари" авиа компанияси,"Ўзбекистон темир йуллари" давлат темир-йул акционерлик корхонасида чипталарни сотишга ва бронлашга автоматлашган тизим тадбик этилган.

Чет элда пухта ишланган ишлаб-чикаришни ва технологик жараёнларни компьютерлар ёрдамида бошқариш технологиялари -хорижий маблағлар билан ишга туширилган етук саноат корхоналарининг асосидир. Бу "Зарафшон-Ньюмонт" бирлашмаси, "Мерседес-Бенц" ва"УзДЭУ" автозаводлари, "УзДЭУ электроникс" заводи, "Бухоро нефтни кайта ишлаш бирлашмаси"дир.

Тошкент шахрида ва айрим вилоятларда радиотелефон ва пейджинг алока тизимлари ишламоқда.

Охирги 3 йил мобайнида компьютер саноати халкаро курсаткичлар буйича ишлашга утмоқда. Ўзбекистонда компьютерни жон бошига ҳисоблаш кўрсаткичи Ҳиндистон ва Хитойдан юқори ва Россияга якинлашмоқда. Ўзбекистонда шаклланаётган компьютер бозорини қондириш учун хусусий аралаш капиталга эга, информацион технологияларнинг дунёдаги ишлаб чикарувчилари билан ҳамкорликда ишлайдиган тижорат гуруҳлари яратилди. Шундай гуруҳларнинг бири "ВИРТЕХ" кушма корхонасидир.

VIRTEC

"ВИРТЕХ" ҚК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- Компьютер, электрон ҳисоблаш машиналарни, электрон маиший ва бошқа ташкилий техник жиҳозларни ишлаб чиқариш.
- Компьютерлар асосида мураккаб программавий-техник комплексларни ва иқтисодий системаларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва татбиқ этиш.
- Махсус ва амалий программавий таъминотни тайёрлаш ва татбиқ этиш.
- Махаллий ва глобал система ва тармоқларни ишлаб чиқариш ва татбиқ этиш.
- Янги информацион ва бошқа технологияларни татбиқ этиш.

"ВИРТЕХ" қўшма корхонаси ҳақида қисқача маълумотнома

Ўзбекистон-Россия-АҚШ "ВИРТЕХ" қўшма корхонаси 1993 йилда ўзининг билими, мохирлиги, касбий маҳорати билан ёш суверен Ўзбекистон республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳиссасини кўшган, иктисодий ўзгаришларни амалга оширишга фаол кўшилган, ички бозорни замонавий компьютер ва информацион техника билан таъминлашда бевосита иштирок этган ташаббускор ёшлар томонидан яратилган.

Хусусий ишни очишда ташкилотчиларни олдинда турган кийинчиликлар, курилма, кредит, молиявий ёрдамнинг йуклиги тухтата олмади. Компьютерларнинг дастлабки партияси ярим йилдан сунг яратилиши ва харидорнинг мохирона жалб килиниши яхши натижаларга олиб келди.

Кушма корхона фаолиятининг йуналишлари кенг ва турли-тумандир. Бу телекоммуникация соҳасидаги тизимли интеграция, дунёнинг илғор фирмаларининг компьютер ва электрон қурилмаларини йиғиш, урнатиш, таъмирлаш, кафилли ва кафилликдан кейинги хизмат, маркетинг, молиявий менеджмент, шунингдек офис ва хоналарни буюртмачи истаклари асосида комплекс жиҳозлаш кабилардир.

1994 йилда "Виртех" кушма корхонаси Ўзбекистон республикасида ўзининг бизнесини такомиллаштираётган энг яхши корхоналарнинг бири деб тан олинди.

1995 йилда "Виртех" кушма корхонаси ишбилармонлар мусобақасининг ғолиби булиб чикди.

"Виртех" кушма корхонасининг бош офиси Ўзбекистон республикасининг пойтахти - Тошкент шахрининг марказида жойлашган.

Корхона қисқа вактда замонавий дизайн асосида ва маиший кулайлик жихатдан қайта курилди. У энг яхши курилмалар, ҳужжатларни тайёрлашнинг илғор технологиялари, янги телекомуникация воситалари билан таъминланди.

"Виртех" кушма корхонаси информацион технологиялар сохасида юкори малакали илмий-техник потенциалга, компьютер бозори маркетингида тажрибага, менеджментлик, бизнес ва ишбилармонлик махоратларига, зарур ишлаб чикариш кувватига эгадир.

Хозирги кунда "Виртех" кушма корхонаси маҳсулотлари ва хизматларининг асосий йирик буюртмачилари вазирликлар, бошкарма ва ташкилотлар, йирик завод ва фабрикалардир. Жумладан, Давлат Солиқ Кумитаси,"Узбекнефтегаз" миллий бирлашмаси, Ташқи Иктисодий Алоқалар Миллий Банки, Олий ва Урта Махсус Таълим вазирлиги, тижорат банклари, Ўзбекистон республикаси фонд биржаси ва бошкалардир.

Ишни аник ва мохирона ташкил этиш натижасида "Виртех" кушма корхонасида йирик ва узаро самародор ишлаидиган тизим яратилди. Корхона ходимларининг ўртача ёши 29 да.

Охирги 2 йил мобайнида "Виртех" кушма корхонасининг фаолияти доираси кенгайиб, унинг янги корхоналари очилди. Бу - транспорт хизматларини бажарувчи ва автомобиллар сотувчи "Виртех-савдо" савдо уйи ва "Виртех-транс"; ёкилғи-мойлаш ва нефть маҳсулотларини

сакловчи ва сотувчи "Виртех-ОИЛ"; автотранспорт воситаларини таъмирловчи ва уларга техник хизмат курсатувчи, автокисм ва автожихозларни сотувчи "Виртех-ГорьЗМЗ"; дам олишни, озик-овкат махсулотларини ва кундалик эхтиёж молларининг улгуржи ва чакана савдосини ташкил килувчи "Виртех-Ком"; божхона хизматларини курсатувчи ва юкларни расмиилаштирувчи "Виртех-Сервис"; нусха кучириш хизматини курсатувчи, нусха кучириш курилмаларини таъмирловчи ва уларга хизмат курсатувчи "Виртех-Копи"; кузгалмас мулк устида амаллар бажарувчи "Виртех-Реэлтер"; серунум агротехноло-гияларни узлаштирувчи, кишлок хужалиги махсулотларини ишлаб чикарувчи ва сотувчи "Виртех-Агро" корхоналари; замонавий информацион технологияларни, чет тилларни ургатувчи, ходимларни тайёрловчи ва кайта тайерловчи, малакани оширувчи Виртех-Укув маркази.

"Виртех" кушма корхонаси доимо узининг фаолияти доирасини кенгайтириб бормокда. Шу борада республика минтакаларини куллаб-кувватлаб, уларга ёрдам бериб келмокда. Хозирга кунда корхонанинг Бухоро, Самарканд, Карши, Туракурғон шахриларида бўлимлари муваффакиятли ишламокда. Корхонанинг булимларини Нукус, Термиз ва Андижон шахриларида очиш борасида ишлар олиб борилмокда.

"Виртех" кушма корхонаси фаолиятини Ўзбекистон республикасидан ташкарида хам олиб боради. АКШдаги "UNISYS", "HEWLLETT PACKARD", "COMPUTER EXPO", "DRESSER WAYNE"; Франциядаги "BULL", TECHNIP", "SANOFI", "DELWOOD"; Германиядаги "Mark Vilenchik; Японияда ги "Sharp", "Nissho Iwai", "Kei International"; "Massory OY" (Финляндия); "Indutech" (Италия); "UGH" (Швецария); "Sunwind Computers" ва "Galaxway Trading" (Сингапур); "Jarocin-Mebel" ва "Profi" (Польша) каби хорижий корхоналар унинг бизнес борасидаги доимий шерикларидир.

1996 йилдан бошлаб "Виртех" кушма корхонаси АКШ даги "Unisys" ва "Hewllett Packard" корхоналарининг Ўзбекистондаги вакили хисобланади.

1996 йилнинг сентябрида "Виртех-Комуникациялар" корхонасини очиш битими имзоланди. Унинг программасида 1.8 Ггцгача булган технологиялар асосида Ўзбекистон республикасида компьютер ва телефон алокасини яратиш ва татбик қилиш тадкикот ишлари кайд этилган. Корхона "Иридис" лойихасида иштирок этишни режалаштирган. Бу лойиха йулдошли алока тизими асосидаги кенг республика коммуникация тизимини яратишга каратилган. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 90 млн. АҚШ доллари ажратиш мулжалланган. "Виртех-коммуникациялар" Ўзбекистон республикасида халкаро INTERNET тармоғи комплекс хизматларини курсатишни ва татбик килишни мулжаллаган.

Киска вақт ичида корхона муомаласи 8 мартага ошди, ишлаб чиқаришнинг рентабиллиги турғун даражасида 65% га ўсди.

Аниқ прогноз, келажакни ойдин тасаввур этиш, ишнинг кузини била олиш, ташабускорлик ва ишчанлик "ВИРТЕХ" Қушма Корхонаси молиявий холати динамик ўсишини ва турғунлигини таъминлади. Бу омилларнинг барчаси "Виртех" Қушма Корхонасига арзон нархдаги, сифатли, ракобатга бардош берадиган компьютерларни ишлаб чиқаришга ва сотишга йул бермокда. Бу эса корхонани республика компьютер бозорида мустахкам уринни эгаллашига имкон бермокда.

"Виртех" қўшма корхонасининг компьютер технологиялари

"Виртех" Қўшма Корхонаси республика ички бозорини замонавий компьютер технологиялари билан тула кондириш максадида Ўзбекистонда биринчилар каторида компьютер техникасини ишлаб чикаришни бошлади.

Корхона хисоблаш тизимларини йиғиш билан шуғулланади ва жахон курсаткичлари даражасидаги компьютерларни ишлаб чиқариш учун компьютер техник курсаткичларини доимо ошириб боради. Компьютерларни ишлаб чиқариш учун асосий қисмлар Европа, Америка, Жанубий-Шарқий Осиё ва бошка мамлакатларнинг йирик етакчи корхоналаридан етказилади. Ишлаб чиқаришнинг ишланган технологияси, йиғилган кисмларнинг узок вакт давомида текширилиши, компьютерда мос операцион системанинг урнатилиши ва куп поғонали текшириш юкори талабдаги сифатли маҳсулот чикишини таъминламокда. Эришган ютуклари туфайли корхона "ВИРТЕХ" белгили узининг компьютерини яратди.

"ВИРТЕХ" Қушма Корхонаси компьютерлари - янги ишлаш усуллари ва замонавий микроэлементлар асосидаги илғор технологияда яратилган ишончли ва арзон шахсий электрон ҳисоблаш машиналаридир. "ВИРТЕХ" қушма корхонаси уз фаолиятида фойдаланувчиларга комплекс хизмат курсатишни кузда тутади. Бу:

- **программ таъминотни ўрнатиш;**
- **махсус программ таъминотни ишлаш;**
- **маҳаллий ҳисоблиш тармоқларини яратиш;**
- **ўқув синфлари билан таъминлаш;**
- **ишчи станцияларини ва серверларни ўрнатиш.**

"ВИРТЕХ" кушма корхонаси фойдаланувчига техник хизмат курсатишни ташкил этишга катта эътибор беради. Буюртмачи йил давомида кафилли хизмат билан таъминланади. Бу:

- **тез ишдан чиқадиган қисмларни алмаштириш ва созлаш;**
- **принтернинг ҳаракатланувчи қисмларини ёғлаш;**
- **электрон қурилма қисмларини созлаш;**
- **йил давомида ишини текшириш;**
- **кафилли ва кафилликдан кейинги таъмирлаш.**

Буюртмачи истаги билан компьютер юкорирок моделга модернизацияланиши мумкин (Бундан сунг у кафилликка олинади).

"ВИРТЕХ" кушма корхонаси фаолиятининг асосий йуналишларидан бири амалий ва муаммоли-йуналган программаларни яратишдир. Хар бир программа фойдаланувчининг куп поғонали интерфейсига эга. Фойдаланиш жараёнида амалий программалар куп маротаба ўзгартирилиши ва тулдирилиши мумкин.

Раҳмонқулова Сайёра Имомовна
IBM PC шахсий компьютерида ишлаш

Босишга рухсат этилди 23.12.96. Формати 84x108 $^{1}/_{16}$. Тираж 10000 нусха.
Ҳажми 4.5 б.в. Буюртма № 748. Офсет усулида босилган.

"ШАРҚ" НМК босмахонаси, 700083, Тошкент ш., Буюк Турон, 41.

Ушбу китобда IBM PC компьютери фойдаланувчилари учун компьютер қурилмалари, MS DOS 6.2 операцион системаси, NORTON COMMANDER 4.0 ва WINDOWS 3.1 муҳитларида ЛЕКСИКОН 1.3 таҳрирлагичи ҳамда файллерни архивлаш, вируслардан химоялаш, дисклар билан ишлаш усуллари қаралган.

Китоб ЕМ PC компьютери, ҳамда унга мувофиқ компьютерлари фойдаланувчилари кенг оммасига мўлжалланган.

UZBEK AMERICAN JOINT VENTURE

VIRTEC

Нашрни «ВИРТЕХ» қўшма корхонаси тайёрлаган